


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**“ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ, ФАЛСАФА”
КАФЕДРАСИ**

СОЦИОЛОГИЯ ФАНИДАН

Маъруза матни



НАМАНГАН -2013

1-МАВЗУ:СОЦИОЛОГИЯ ФАН СИФАТИДА. (2 СОАТ)

Режа:

1. Социология предмети ва объекти. О. Конт позитив социология асосчиси.
2. Социологиянинг мақсад ва вазифалари.
3. Социологиянинг ривожланиш тарихи.
4. Социология фанининг асосий йўналишлари ва ижтимоий фанлар тизимидағи ўрни.

Социологиянинг предмети ва объекти. Социология (лотинча *societas* – жамият ва юонча *Logos* – таълимот) – сўзларидан келиб чиқкан бўлиб, жамият ҳақидаги фан маъносини англатади. Яхлит тизим сифатидаги жамият ва алоҳида институтлар, ижтимоий гурухлар, жамият тузилмалари ва уларда юз берадиган ижтимоий жараёнларни ўрганувчи фан. Социология инсон ҳаётининг ижтимоий жихатлари ўрганади. Агар инсон ҳаётини том маънода ижтимоий ходиса еканлигини еътиборга олсак, социологийа кишилик жамийатининг барча ижтимоий масаларини ўрганувчи фан сифатида намоён бўлади.

Унинг тушунишича социология жамиятга тааллукли бўлган хамма нарсаларни ўз ичига олган жамиятшунослик билан бир қаторда турган.

Социология – инсониятнинг бир неча йиллик тарихий тараққиёт давомида яратилган маданиятнинг ажралмас таркибий қисмидир.

XVIII асрда кишилик жамияти, унинг қонуниятларини ўрганувчи мураккаблашувчи ва илмий билимларнинг табақаланиши социологиянинг фалсафадан ажралиб, мустақил фанга айланишини муқаррар қилиб қўйди. XIX асрдагача социология фалсафанинг таркибий бир қисми бўлиб келди.

XIX аср бошларидан эса ўзига хос илмий методларга эга бўлиб, фалсафадан ажралиб чиқиши имконига эга бўла бошлади.

Социал системани тараққиёти ва фаолият қўрсатиш қонуниятлари ҳақидаги мустақил фан сифатида XIX аср 30-йилларида илмий муомалага «Социология» атамаси, сўзи киритилгандан сўнг шаклланди. Жамият ҳақидаги «позитив фан» (ҳақиқий фан) яратишга уриниш XIX аср ўрталарида юзага келди.

Социологиянинг асосчиси француз мутафаккири О. Конт социологияни жамият ҳақидаги тажрибага асосланган фан деб хисоблайди. Э. Дюркгейм социологиянинг предметини социал далиллар ҳақидаги фан деб атайди.

Марксизмда социология предмети ижтимоий тизим сифатида жамиятда ва унинг тузилмавий элементларини ташкил этган шахслар, ижтимоий бирликлар, ижтимоий институтларни илмий асосда ўрганиш хисобланади.

Хозирги бизнинг адабиётларда социологияга қуйидагича таъриф берилган: Социология - яхлит ижтимоий тузум сифатида жамият ҳақидаги ва унинг айrim таркибий элементлари (шахслар, ижтимоий бирликлар, институтлар) орқали бу тузумнинг амал қилиши ва ривожланиши тўғрисида фандир. Социология объекти жамият ҳисоблансада, социология предметининг дастлабки босқичи сифатида жамият тушунчасини ажратиб қўрсатиш етарли эмас.

Социологиянинг илмий мақомини асослашнинг моҳияти унинг

объекти ва предмети ўртасидаги фарқдан келиб чиқади.

Объектни билиш – тадқиқот объекти нимага йўналтирилганлигини, объектив воқелик сифатида унга нима қарама-қарши турганлигини англатади.

Ҳар қандай воқелик, жараён ёки объектив воқеъликнинг муносабати турли фанларнинг (физика, химия, биология, психология, иктисодиёт, социология ва хоказолар) объекти бўлиши мумкин.

Предмет объект каби объектив воқеликнинг бир қисми ёки унинг элементлари йифиндиси бўлиб, умумий ёки ўзига хос хусусиятларга эга. Ҳар бир фан ўз навбатида предмети нуктаи назаридан фарқ қиласди.

Ижтимоий хусусиятларга эга бўлган кишиларапо алоқалар, ўзаро боғлиқликлар мажмуаси - социология фанининг объекти вазифасини ўтайди.

Объект ва предмет хамма вақт бир-бири билан узвий боғлиқ бўлади. Чунки, объект моҳиятни тўғри тушуниш, илмий тадқиқот йўналишини холис белгилай олиш имконини беради.

Демак, социологиянинг объекти жамиятнинг бошқарувчи тафаккур қонуниятлари, рационал воситаларидир.

Социология жамият хақидаги умумий фан бўлибина қолмай, балки маҳсус соҳалараро фан хамдир. У бошка фанлар ўрганмайдиган ўз объектига эга. Унинг ўзига хос соҳаси социал реаллик бўлиб, у инсон ва жамият муносабатининг ижтимоий-маданий муайянлигидир. Шу боисдан хам жамиятдаги ижтимоий алоқалар, ижтимоий хамкорликлар, ижтимоий муносабатлар ва уларнинг ўзаро ташкил этилиш усуллари социологиянинг объекти бўлади. Инсонларнинг ўзаро алоқаларга, хамкорлик муносабатларига киришишлари орқалигина муайян ижтимоий хусусиятларни намоён этиш имкониятларига эга бўладилар.

Социология ижтимоий мухитни тадқиқ этганда умуммиллий тушунча ва категориялардан келиб чиқади. Хусусан, объектив ва субъектив, эркинлик ва зарурият, борлиқ ва онг каби фалсафий категориилардан фойдаланиб социологик объекти моҳиятни талқин этади.

Социология социал объекти социал субъектлар орқали(шахс, груп, жамият, социал соҳалар, муносабатлар, одамларнинг социал фаолияти ва тафаккур тарзи) тахлил қиласди.

Социология турли социал соҳаларни тадқиқ этиш асосида уларнинг ўзига хос ижтимоий ривожланиш тенденцияларини аниқлайди. Муайян социал групҳар тахлили ва таснифи орқали у жамият ва инсон тўғрисидаги умумий қарашлар, қонунлар ва тенденцияларни яратади, ривожланиш қонуниятларини очиб беради.

Социология ўз объекти доирасида социал хаётнинг турли, алоҳида томонлари билан хам шуғулланади ва бунинг натижасида фанда интеграл соҳалар вужудга келади. Жумладан, хукуқ социологияси, сиёсат социологияси, иктисодиёт социологияси, индустрисал социологиялар. Социология бу соҳаларда ўз объекти инсон ва унинг сиёсий, иктисодий ва бошка соҳалардаги ўрни ва ривожланиши, хаёт тарзи ва фикрлаш услуби каби масалаларни хал қиласди. Социология ўзининг маҳсус объекти асосида

якка шахс фаолияти конкрет намоён бўлишини эмпирик даражада ўрганишни ҳам ўз ичига олади.

О.Конт фикрича, объект ва предмет қарама-қаршиликлардан иборат. Социология ижтимоий ҳаёт жараёнларини З боскичда ўрганади:

1. Аник- эмпирик
2. Хусусий (махсус)
3. Умумий.

Шунга мувофиқ равишда социология эмпирик, махсус ва умумсоциологик тадқикот жараёнларини ўз ичига олади.

Социал деган тушунча, социал алокалар, ҳамда муносабатлар ва уларни ташкил этиш усуллари, социология билиш обьектининг ўзига хослигини очиб берса, социал қонуниятлар эса социология фани предметини аниқлаш учун бошлангич нуқта ҳисобланади.

Социологиянинг предмети:

Агар фаннинг обьекти унинг нимани ўрганиш керак деган саволга жавоб берса, предмет эса ўша обьектининг қайси жихатларини ўрганади? деган саволга жавоб беради.

Социология – инсонларнинг социал жамоалар ва социал жараёнларда тутган ўрни, улар ўртасидаги муносабатларни ўрганадиган фандир.

Социология – айни вақтда жамият ва шахснинг иқтисодий, сиёсий, мафкуравий, маънавий ҳаётдаги фаолияти ва ижтимоий мазмунини ўрганадиган фан хамдир.

Социология – жамият тузилишини, унинг элементлари ва уларнинг яшаш шароитларини ва шу тузумда содир бўлаётган ижтимоий жараёнларни урганадиган фандир.

Социология – шахсга ижтимоий ҳаёт қонуниятлари орқали ижтимоий мухитга кў尼克ма хосил қилишга (адаптация) кўмаклашадиган, шулар билан бир қаторда инсонлар жамиятини ривожлантиришда социал ташкилотларнинг инсонларга мос, энг қулай вариантини топишда ва уни амалга оширишдаги жисмоний, эмоционал-психологик ва маънавий имкониятларини ишга солади.

Социологиянинг вазифаси жамият тараккиётини таъминлайдиган энг қулай вариантларини, ижтимоий-маданий моделларини топишдан иборатдир. Булар жамият ва инсоннинг ўз-ўзини такомиллаштиришга қаратилган қонуниятлардир.

Социологиянинг вазифаси мураккаб социал дунёни ташкил этувчи ўзаро бирикувчи ва ҳаракат қилувчи тузилма ва механизmlар моҳиятини аниқлашдан ҳамда уларнинг ривожланиш тенденцияларини белгилашдан иборатдир.

Бугунги қунда социология предметининг мазмун доирасидан:

1. Фалсафий герменевтика – янгича тус берилаётган натурализмдан фойдаланиб, уларни янгича талқин қилиш (тенденцияси) ҳамда,

2. Гуманистик оқимни ривожлантириш тенденцияси тобора залварроқ мавқе касб эта бошлади.

О.Конт позитив социология асосчиси. О.Конт социология фанини фан

сифатида ривожлантиришга катта хизмат қилған жамиятшунос олимдир. Уни бежиз социологиянинг “ота”си хисоблашмайди. О.Конт туфайли социология жамият ҳақидаги мустақил фан сифатида ривожланди. 1830-1842 йилларда ўзининг машхур 6 томлик “Позитив фалсафа рухи” китобини чоп эттиради. Унда фанлар класификацияси, позитив фалсафа ва социология принципларини ишлаб чиқди. 1842 йилда инсон муаммосини ўрганади ва 1848-йил “Позитив жамият” назариясини ишлаб чиқди. Умрининг охирги йилларида янги “диний” таълимот-позитивизм. Яъни социал фанлар асосида инсониятни ахлоқий бирлашишини, жамиятни қайта қуришни асос тутувчи ғоя билан шуғулланди. Фанни метафизика ва теологиядан ажратиш Конт методининг асосий ғояси эди. У позитив сўзига бир неча маънода қапради. Энг мухими бўлмағур хомхаёллик, ишончсизлик, ноаниқликкаби салбий ходисаларга танқидий фикрини баён этди. О.Конт жамият ҳақидаги позитив фанни дастлаб социал физика, кейинроқ эса социология деб атади. Социология жамият ходисаларини фундаментал қонунларини ўрганувчи ҳамда “социал физика”дан фарқли ўлароқ назарий фан эканини тадқиқ этди. Конт социологияни инсон ақл заковати ва психикаси қандай қилиб ижтимоий хаёт таъсири остида такомиллашиб бориши мумкинлигини тушунтирувчи ягона фандир деб билди. Конт нуқтаи назарига кўра, социология позитив моҳиятга эга фандир. «Позитив усул» илмий кузатишлар, эксперимент ва таққослаш усули ёрдамида тўпланган эмпирик маълумотларни назарий таҳлил қилишни ифодалайди.

О. Конт томонидан 1839 йилда «Позитив фалсафа рухи» асарининг учинчи томи нашр этилганлиги натижасида биринчи маротаба у жамиятни илмий асосда ўрганиш сифатида социология атамасини қўллади ва бу социологиянинг шаклланиши ва ривожланишига олиб келди.

Кейинчалик социология ижтимоий муносабатларни назарий анализ қилишни социал фактларни эмпирик тадқиқ қилиш билан қўшиб олиб борувчи мустақил фанга айланди. О.Конт социологияни 2 қисмга ажратади: а) социал статистика ва б) социал динамика. Социал статистикада ижтимоий тизимларнинг шарт-шароити ва функционал қонуниятлари ўрганилишини кўрсатади. Унда ижтимоий институтлар: оила, давлат, дин кабилар тадқиқ этилади. Социал динамикада эса О.Конт ижтимоий тараққиётни назарда тутиб, жамиятнинг маънавий ва ақлий ривожига инсоният тараққиётининг ҳал қилувчи омили, деб қарайди. Бу тамойил ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. О.Конт: «Ҳар қандай билим тафаккур маҳсулидир ва у инсоният манфаатларига хизмат қилиши керак, акс ҳолда бу билимлардан ғаразли мақсадларда фойдаланилса, жамиятга катта зарар келтирилади», деган эди.

Социологиянинг вазифалари. Шундай қилиб, социология тарихий аниқ ижтимоий тизимлар амал қилишининг социал умумий қонун ва қонуниятлари ҳақидаги, ушбу қонун ва қонуниятларнинг шахслар, ижтимоий гурухлар, бирликлар, синфлар, халқлар фаолиятида намоён бўлиши ва таъсир кўрсатиш дастаги ҳақидаги фандир.

Социология учун социал деган тушунча асосий хисобланади. «Социал» тушунчаси биринчи марта Карл Маркс томонидан фойдаланилган. Улар одамларнинг бир-бирига бўлган муносабати, хаёт тарзи шароитлари ва

далилларини ва инсоннинг жамиятда тутган роли ва ҳолатини таҳлил этганларида «Социал» муносабатлар тушунчасини қўллаган.

Социал у ёки бу хусусиятнинг ва социал муносабатларнинг ўзига хос йиғиндисидир. Ҳар қандай социал муносабатлар тизими (иктисодий, сиёсий ва бошқа) одамларнинг бир-бирига ва жамиятга бўлган муносабатига тааллуқли. Социал деган тушунчанинг ўзига хослигини характерловчи қуидаги асосий жихатларини ажратиб қўрсатиш мумкин.

Биринчидан, бу хусусият турли груп, индивидлар учун тааллуқли ва улар томонидан социал муносабатларнинг у ёки бу хусусиятини интеграциялаш натижаси хисобланади.

Иккинчидан, хозирги социал муносабатлар (иктисодий, сиёсий ва бошқа) билан боғланган индивидларнинг ва уларнинг групхлари ўртасидаги турли муносабатларнинг мазмуни ва характерини англатади.

Учинчидан, социал жихат турли индивид ва груп индивидларининг бир-бирига, жамиятдаги тутган ўрнига, ижтимоий ҳаёт воқелик ва жараёнларига муносабатида намоён бўлади.

Тўртинчидан, индивидлар ўртасидаги алоқа ва ўзаро таъсирнинг намоён бўлиши биргаликдаги фаолият натижаси демакдир.

Социология ижтимоий ҳаётни у ёки бу формада ва соҳада ўрганар экан, у аввало социал воқелик ҳақидаги билимларни шакллантириш, социал ривожланиш жараёнларини тасвирлаш, тушунтириш, социологиянинг асосий методологиясини ва социологик тадқиқот методларини ишлаб чиқиш каби илмий муаммоларни ҳал этади.

Социологиянинг жамият ҳаёти билан хилма-хил алоқаси, унинг ижтимоий бурчи биринчи навбатда у бажараётган функциялар билан аниқланади. Ҳар қандай фанлар каби социологиянинг энг асосий функцияларидан бири назария ва амалиётнинг бирлигидир.

Социологик тадқиқотларнинг кўпчилик қисми амалий муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган. Социологиянинг амалий йўналтирилганлиги шунда намоён бўлади-ки, у ижтимоий жараёнларнинг ривожланиш майллари ҳақидаги илмий асосланган маълумотни ишлаб чиқишга қодир. Мана шунда социологиянинг олдиндан айтиб бериш функцияси намоён бўлади.

Жамият ҳаётида социологик тадқиқотлардан ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларини ривожлантиришни режалаштиришда фойдаланиш катта ахамиятга эга. Социал режалаштириш ижтимоий тизим қандай бўлишидан қатъий назар хамма мамлакатларда ривожланган.

Социология мафкуравий функцияни хам бажаради.

У биринчидан, табиий-тарихий жараёнларни англаш, жамият тараққиётининг яқин орадаги мақсадларини ва истиқболларини ишлаб чиқишга қаратилган.

Иккинчидан, илмий ва мафкуравий мунозарани бошқа қарашлар тизими орқали олиб бориш.

Учинчидан, аҳоли ўртасида илмий ва миллий мафкурани тарқатиш.

Тўртинчидан, малакали мутахассисларни тайёрлаш, улар томонидан илмий мафкурани хар томонлама ўзлаштириш. Социология одамлар ўртасида

муносабатларни шакллантиришга, уйғун ҳиссиётларни ижтимоий муносабатларга хизмат қилдириб яхшилашга ҳам ёрдам бериши мумкин.

Шу туфайли социология инсонпарварлик функциясини ҳам бажаради.

Социологиянинг методлари:

Социология фанининг мураккаб вазифаларини назарий ҳал этишга хизмат қиласиган ўзига хос методлари ҳам мавжуд бўлиб, уларни қўйидагича таснифлаш мумкин.

1. қиёслаш ва таққослаш методи.
2. Назарий метод (фикраш, абстрактликдан конкретлик сари ўтиш).
3. Индуктив ва дедуктив метод.
4. Изохлаш методи.
5. Прогнозлаш методи (ижтимоий тўқнашувларнинг олдини олиш).
6. Интеграция, умумлаштириш методи.

Социологиянинг конкрет тадқиқотлар ўтказишда қўлланадиган эмпирик - амалий методлари ҳам бор. Улар қўйидагилардан иборат:

1. Эксперимент методи.
2. Кузатиш методи.
3. Хужжатлар асосида ўрганиш методи.
4. Сўров методи.
5. Эмпирик-социологик метод (сўров, анкета, математик модель).
6. Математик метод.
7. Статистик умумлаштириш методи.
8. Умуммантисий метод (анализ, синтез, абстрактлаш, умумийли ва хоказо).

Социология фанида қўйидаги методологик масалаларига ҳам жиддий эътибор берилади:

Функционал методология (жамиятдаги ходисаларнинг ахамиятини аниқлашга интилади).

Феноменологик методология (жамият аъзоларининг мавқеи).

Таснифлаш методологияси (бу қўлланишига қўра классификация, гурухлаш, таққослаш, турлаш, системалаштириш киради). Шунингдек социология фани муайян ижтимоий муносабатларни тадқиқ этиш асосида умумий, маҳсус ҳамда эмпирик методология тамойилларига ҳам таяниб иш тутади.

Социология объектини турлича тушуниш натижасида методологиянинг 3 асосий тури шаклланган:

Тушунтирувчи (умумий қонуниятларнинг, объект хислатини белгилайди, алоқа, муносабат ўрнатишни назарда тутади).

Таърифловчи (яъни, тавсифлаш, классификациялаш, гурухлаш, таққослаш, турлаш, системалаштириш).

Тушунувчи (яъни, инсон фаолиятини ўрганишда табиий ҳамда ижтимоий фанлар қонуниятларидан уйгунаштириб фойдаланишни тақозо этувчи) методология.

Қонун деганда, одатда, аниқ вазиятда умумий, зарурий ва тақрорланишга хос бўлган жиддий алоқа ёки муносабатлар тушунилади.

Социал қонуният - социал воқелик ва жараёнларнинг жиддий зарурий

алоқасини акс эттиради.

Социал қонунлар муносабатларни акс эттиради. Бу халқлар, миллатлар, синфлар, социал - касбкорлик гурухлари, шаҳар ва қишлоқ, шунингдек жамият ва оила, жамият билан шахс ўртасидаги муносабатларни белгилайди. Социал қонунларга асосланган ҳолда одамлар, ўз хаётий фаолиятлари учун зарурий бўлган шароит таъсири остида уни қўллайдилар.

Табиат қонунлари каби социал қонунлар воқеаларнинг табиий харакати давомида пайдо бўлади. Улар кўпчилик индивидларнинг ижтимоий вазиятда ва объектив алоқаларда мақсадга мувофиқ таъсир кўрсатиши натижаси хисобланади, яъни одамлар яшайдилар, моддий ва маънавий неъматларни яратишида қатнашадилар. Махсулотни айирбошлайдилар, тақсимлайдилар ва истеъмол қиласадилар, болаларни дунёга келтирадилар ва тарбиялайдилар, уларнинг иродаси ва онги билан боғлиқ бўлмаган ҳолда қонуний воқеалар занжири юзага келади.

Социал қонун ва қонуниятларни тадқиқ этиш, демак социал соҳа турли элементлари ўртасидаги зарурий алоқаларни ўрнатишдир.

Умумий қонунлар ҳамма ижтимоий тизимларда амал қиласади. (Масалан, қиймат қонуни ва товар пул муносабатлари). Ўзига хос қонунларнинг амал қилиши битта ёки бир нечта социал тизимлар билан чекланган (масалан, битта жамият туридан иккинчисига ўтиш).

Социал қонунлар умумийлик даражаси нуқтаи назаридан фарқ қиласади. Социал соҳани яхлит ҳолда ривожланишини характерловчи қонунлар мавжуд. Бу қонунлар социал соҳанинг алоҳида бўлакларини ривожланишини белгилайди (синфлар, гурухлар, миллатлар). Социал қонунларнинг бешта категориясини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Биринчи, ўзгармас характерни касб этувчи, ёки унга боғлиқ бўлган қонунлар. Бу қонунга биноан “А” воқелик мавжуд бўлса у ҳолда албатта “Б” воқелик ҳам бўлиши шарт.

Иккинчи, ривожланиш тенденциясини акс эттирувчи қонунлар. Унда ижтимоий объектнинг тузилиши динамикаси бир турдаги ўзаро муносабатлардан иккинчисига ўтиши билан боғлиқ.

Учинчи, социал воқелик ўртасидаги функцияга оид боғланганликни қарор топтирувчи қонунлар. Бу қонунлар у ёки бу ижтимоий тизимни барқарор ҳолатда сақлаб туришликни таъминлайди.

Тўртинчи, социал воқелик ўртасидаги сабабий боғланишини акс эттирувчи қонунлар. Масалан, социал интеграциянинг энг муҳим ва зарурий шарти бу ижтимоий ва шахсий манфаатларни оқилона бирга қўшиб олиб бориши ҳисобланади.

Бешинчи, социал воқелик ўртасидаги алоқаларни ўрнатиш мумкинлигини англатувчи қонунлар. Социал қонунлар одамлар аниқ фаолияти давомида рўёбга чиқарилади.

Социологиянинг ривожланиш тарихи.

Социологияни фан сифатида тасаввур этиш учун энг аввало, унинг вужудга келиши ва тарихий ривожланиш босқичларини ўрганиш муҳим ахамиятга эгадир. Ижтимоий ҳаёт ривожланиши қонуниятларини ўрганишга қаратилган

таълимотлар, қарашлар эрамиздан аввалги IV асрда ёки юонон, хитой файласуфлари асарларида ёритилган.

1. **Сүкрот** (эр.ав 470–399) - хақида Афлотунинг «Сүкротни алқаб» асари бор, уни факат шу асар орқали билиш мумкин. Сабаби, Сүкрот ёзган асарлари бизга етиб келмаган ва у омма орасида ижтимоий фикрлари билан донғи кетган, обрў топган. Сүкрот «Хусндорлар ўз хуснларига дод туширмаслик учун, хунуклар эса ўз хунуклигини ақл-заковатини тарбиялаш билан безамок учун тез-тез кузгуга қараб турсинлар», дейди. У хотинига «Биз яшамоқ учун еймиз, бойлар эса овқат емоқ учун яшайдилар» дейди. Сүкротнинг ижтимоий қарашларини яна қуидаги мисралардан билса бўлади; “Хар қандай ёмонликнинг илдизи нодонликда», «Хақиқатни ўзингдан изла». «Хақиқатга баҳс орқали эришиш мумкин».

2. **Афлотун** (эр.ав 427–347) - фалсафий қарашлари «Базм», «Теэтет», «Федон» номли диалогларида, сиёсий қарашлар эса «Давлат», «қонунлар» номли асарларида баён этилган. Афлотун фикрича оламда «ғоялар дунёси» бирламча бўлиб, моддий дунё эса унинг маҳсули, соясидир¹. «ғоялар дунёси» замон ва маконга боғлиқ, бўлмай, мангу харакатсиз ва ўзгармасдир, хақиқий дунёдир. «ғоялар дунёси»да энг олий ғоя – яхшилик ва баҳт ғояси – худодир. Бошқа ғояларнинг хаммаси у билан боғлиқ.

3. **Арасту** (эр.ав. 384–322)нинг «Метафизика» (ёки «Биринчи фалсафа»), «Физика», «Жон тўғрисида», «Аналитика», «Категориялар», «Сиёсат тўғрисида», «Риторика», «Этика» каби асарлари билан социологик анъаналари ривожига катта хисса қўшди. Унинг таълимотича, жамиятнинг қул ва қул эгаларига бўлиниши, қулдорларнинг хукмронлиги ва қулларнинг қуллиги табиий холатдир. Ахлоқий фазилатлар факат эркин кишиларга, қул эгаларига хосдир. У халкни 2 йул билан бошқариш мумкин дейди: куркув уруғини сочиб бошқариш; меҳр-мухаббат қозониб бошқариш мумкин.

4. **Будда** (буддизм) - жаҳон динларидан бири бўлиб, асосан Хиндистон, Непал, Бирма, Японияда кенг тарқалгаи. Эр.ав 6-асрда Шимолий Хиндистонда ривожланган. Будда таълимотида социологик ғояларга қўра, инсон ҳаёти – ёвузлик ва азоб-уқубатдан иборат, азоб-уқубат чекишнинг сабаблари эса истак ва эхтиросдадир, ана шулардан кутилмоқ керак. Будда таклиф килган «кутилиш» йули диндор киши учун «тақводорликка интилиш» ва «яхшилик билан ҳаёт кечириш»га бориб тақалади.

5. **Заратуштра (Зардушт)** – Милод. ав 6-асрдан то милоднинг 3-асригача бўлган дуалистик дунёқараш марказида зардуштийлик ётади. Зардуштлик факат дин бўлиб қолмай, балки ўша даврнинг хукмрон мафкураси, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-фалсафий қарашлари ифодаси эди. Зардуштийликнинг назарий асоси «Авесто» адабий ёдгорлигидир. «Авесто»да қадимги кишиларнинг табиат ва уни билиш йўллари хақидаги тасаввурлари умумий тарзда ифода этилган. «Авесто»да афсонавий тасаввурлар билан бирга кишиларнинг ҳаётий тажрибалари хам ўз ифодасини топган. Китобда инсон ва жамият, ижтимоий муносабатлар

хақида қизиқарли маълумотлар берилган. «Авесто»да инсон, меҳнат дехкончилик каби эзгу қарашлар улуғланади.

6. **Конфуцийлик** (551–479) - миллодан ав. V-III асрларда вужудга келган. У қадимги Хитойдаги ижтимоий-фалсафий фикр ривожига катта хисса қўшган. Бу таълимот Хитой, Бобил, Миср мамлакатларида кенг тарқалган. Конфуцийнинг фалсафий ва социологик қарашларида ахлокий масалалар марказий ўринда туради. «Хамма одамлар уз бир-бирларидан фарқланадилар», янгини билиш учун - эскини ўрганиш керак», «мулохазасиз таълимот фойдасизdir, таълимotsиз мулохоза бўлмайди» - деган фикрлар шулар жумласидандир.

1. **Мұхаммад ибн Мусо Хоразмий** (783-850) - Марказий Осиёning жаҳонга машхур олимларидан бири. У Хоразмда комусий олим сифатида дунёга маълум булди. Купрок Боғдодда яшаган, Халифа Маъмун рахномалигига Шарқнинг фанлар академияси «Байтул-хикма» («Донишманлар уйи»)да ишлади. У бу ерда жуда қўплаб математик, астрономик кузатишлар олиб борди. Хоразмий илмлар қалитлари» асарида илмларни 2 кисмга: а) анъанавий араб илмлари ва 2) ажам (араб булмаган) илмларга ажратган. М.Хоразмий алгебра фанининг асосчисидир «Алгебра» сўзининг ўзи унинг томонидан қашф этилган, бу тенгламаларни ечиш методи «калжабр» билан боғликдир.

2. **Абу Наср Форобий** (873–950). У ўзининг қуплаб ижтимоий фикрлари билан социологик билимлар ривожига катта хисса қўшди. Унинг «Фозил шахар ахолиси қарашлари хақида китоб», «Сиёsat ал-Мадания» каби асарларида олижаноб жамият, адолатли тузум, одил ҳукмдорлар ҳақида ўз фикр-мулохазаларини баён килган. У ўзи яшаган даврнинг ижтимоий тизимини, унинг зиддиятлари ва бу зиддиятларнинг келиб чикишидаги муаммоларни назарий жихатдан таҳлил килишга уринган. Форобий социологияга доир қуйидаги ўғитларни ёзиб қолдирган:

- 1) Турли масалалар хусусида фикр юритиш, уларнинг таркиби, фарқи, эҳтимолли ва мутлоқ мулохазаларни тиник, пухта таҳлил этиш.
- 2) Кескин ва мутлақ (яъни эътиrozга ўрин қолдирмайдиган) мулохаза хусусида фикр юритиш.
- 3) Бир-бирига қарама-қарши бўлган ва бўлмаган фарқли мулохазалар хусусида фикрлаш, уларнинг қандай ҳолатларда қарама-қарши кучга айланиб қолишини ўрганиш.
- 4) Бир-бирига қарама-қарши бўлган фикрлар, мулохазаларнинг қандай кўринишларга эга эканлигини қайд этиш.
- 5) Ҳақиқий мезон асосида хар бир мулохазанинг тўғри ёки нотўғри эканлигини текшириб кўриш ва уларнинг қандай ахволдалигини ўйлаб кўриш.
- 6) Ўзгарувчан, ўзгармас ва ўзгарувчи мулохозаларнинг ўзгариш маъно ва сабабларини билиб олиш.
- 7) Маълум бўлган умумий фикрдан келиб чиқмайдиган мулохаза кўринишлари хусусида фикрга эга бўлиш.
- 8) Фикр-қарашлар таърифи, уларнинг нималар асосида туриши, таркиб

топғанлигини, әхтимолли ва мутлақ фикр-қараашлар хақида илмий тасаввурларга эга бўлиш лозим.

Социологиянинг ижтимоий фанлар тизимидағи ўрни. Ижтимоий ва гуманитар фанлар тизимида социология алоҳида ўринни эгаллайди. Бу бир нечта ҳолатлар билан белгиланади:

- 1) У жамият ҳақидаги, унинг ҳодисалари ва жараёнлари ҳақидаги фан ҳисобланади;
- 2) ўз ичига умумий социологик назарияларни ёки ҳамма гуманитар ва ижтимоий фанларнинг назария ва методологияси ҳисобланган жамият назариясини олади;
- 3) У жамият ва инсон ҳаётининг фаолиятининг турли томонларини ўргатувчи ижтимоий гуманитар ва социал соҳани ўз ичига олади. Яъни, социология - ҳаётнинг у ёки бу соҳасини тадқиқ этувчи қонуниятларни олади;
- 4) Инсон ва унинг фаолияти, техник ва услубий жиҳатдан ишлаб чиқилган социологик тадқиқотлар, гуманитар ва ижтимоий фанлар томонидан ўрганилади ва зарур ҳисобланади.

Фалсафа, иқтисодиёт, тарих, сиёsatшунослик, психология фанлари социологиянинг шаклланишига самарали таъсир кўrsатади.

Социологиянинг фалсафа билан узвий алоқаси шунда кўринади-ки, умумсоциологик назариялар ва амалий социологик тадқиқотлар маълум методологик асосга таянадилар. Шундай асосни эса фалсафа фани яратади. Социология фалсафага нисбатан мустақилликни шунга асосланиб эълон қиласди-ки, у ўз олдига ижтимоий муаммоларни воқеликни илмий, англаш усули асосида ҳал этиш вазифасини қўяди.

Социология статистика фани билан ҳам мустаҳкам алоқада ривожланади. Бу икки фаннинг ўзаро алоқалари шу қадар яқинки, социологиянинг ривожланиши статистик ёндашувларсиз тасаввур қилиш қийин. Социология шунингдек, иқтисодий назария, бошқарув назарияси, тарих, педагогика, хуқуқшунослик, сиёsatшунослик каби фанлар билан ҳам мустаҳкам алоқада ривожланади.

Юқорида келтирилган фикрлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, социология ижтимоий бирликлар, ташкилотлар, жараёнлар ва муносабатларнинг юзага келиши, функционаллашуви ва ривожланиши қонуниятларини ўрганувчи фандир.

Жамиятнинг ривожланиб бориши билан социологиянинг мазмуни ҳам янада бойиб, ривожланиб боради. Янги мазмундаги ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари тараққий қилиб бориши, социологиянинг ўрганиш обьекти ўзгариб бориши билан унинг ўзи ҳам ривожланиб боради. Тадқиқот усуллари эса янада мукаммаллашади.

Социология миллий мағкурани шакллантириш, яратиш жараёнида алоҳида ўрин тутади. Эскириб қолган дунёқарааш, эскича моддий ва маънавий муносабатлар ўз ўринини янгисига осонликча бўшатиб бермайди. Бунинг учун маълум вақт керак. Социология шу вақт давомида маънавиятда рўй бераётган ўзгаришларни аниқлашга ва илмий асосга эга бўлган тадбирлар ишлаб чиқишига хизмат қиласди.

АТАМАЛАР.

БАШОРАТ (прогноз) - маълум бир далилларга асосланган ҳолда бирор-бир жараён ривожланиши йўналишларини олдиндан илмий тарзда кўра билиш.

ЖАМИЯТ –инсонларнинг барча ўзаро харакатлари услублари ва бир-биридан хар томонлама боғликлиги ифодаланадиган бирлашмаларнинг йигиндиси.

Таянч тушунчалар

Ижтимоий норма, роль, мавқе, социологиянинг бош мақсади, жамоатчилик фикри социологииси, социологиянинг асосий тармоқлари, бошқа фанлар билан алоқаси, умумсоциологик назариялар, маҳсус социологик назариялар, Ўзбекистонда социологиянинг обьектлари.

Мавзуу юзасидан назорат саволлари

1. Социология сўзининг маъноси.
2. Социологиянинг предмети.
3. Социологиянинг обьекти ва тузилиши.
4. Социологиянинг методи ва методологияси.
5. Социологиянинг назарий йўналишлари.
6. Социология фанининг соҳавий тизими.
7. Социологиянинг ижтимоий фанлар тизимидағи ўрни.
8. Социология фанининг умумий таснифи.
9. Социология фанининг ҳозирги замон тизими.
10. Ўзбекистонда мустакиллик йилларида социологиянинг ўрни ва аҳамияти.

2-МАВЗУ: Социология структураси.

(2 соат)

Режа:

1. Фанда структура тушунчаси.
2. Фундаментал социоциология.
3. Назарий ва амалий социология.
4. Социологияда маҳсус ва тармоқ йўналишлар

Фанда структура тушунчаси. Структура бу фандаги асосий элементлар уларнинг жойлашиши муносабати ва тартибидир. Структура бевосита фаннинг ривожланиш даражаси ва унинг элементларига боғлиқдир. Фаннинг ривожланиб бориши даврида унинг элементлари бир тизимга тўпланиб, бу система орқали эса билимларни ташкил қилиш воситалиги тайинланади. Бунинг натижасида эса назарий, методологик, методик ва бошқа элементлар ўрганилаётган воқеликни (реалликни) яхлит кўринишда акс эттирадилар. Фан бир тизим сифатида, қачонки умумий асослар, категория ва тушунчаларни ишлаб чиқгандагина ва билишнинг ҳар хил даражалари ва шакллари орасида мантиқий боғланиш бўлсагина юзага келиши мумкин. Бу ҳолатда фаннинг турли ҳил ривожланиш йўналишлари билимнинг шаклланган тизими билан мувофиқлашади. Агарда социология ҳақида гапирадиган бўлсақ, у ҳали структурани бирлашган илмий тизими сифатида шакллангани йўқ ёш ва ривожланаётган фан сифатида социология ҳархил илмий тизимларининг тўплами сифатида кўзга ташланяпти.

Социологиянинг структурасини ҳар хил таҳлил қилиш мумкин. Айниқса, бу структурани аниқлаш назарий социология, методология ва эмпирик тадқиқотни ажратиб олишлик билан кўпинча юзага келади.

Лекин бу социологиянинг компонентларини ажратиб олиш умумийроқ маънога эга, натижада эса фаннинг мураккаб ва ҳар ҳил кўринишга эга бўлган структурасининг мазмuni кашф этилмайди. Шунинг учун тўлароқ ва ҳар томондама хусусиятга эга бўлиш билангина социологияни структурасини кўрсатиб бериш лозим. Социология структурасида фундаментал ва амалий йўналишларни, назарий ва эмпирик тадқиқотларни, маҳсус ва тармоқ соҳаларни ажратиб кўрсатиш даркор. Улар бир-бирлари билан жуда мураккаб ўзаро диалектик алоқодорлар. Айрим ҳолларда бир-бирларига кўшилиб кетадилар, бошқа ҳолатларда эса бир-бирларинн инкор қиласидилар. Тадқиқотимиз илмий, теран бўлишилиги учун социология структурасини бу элементларини алоҳида таҳлил қилиб чиқишига ҳаракат қиласиз.

Фундаментал социоциология. Фундаментал социология бошқа элементлардан ўзиниг ҳал қилаётган муаммоларининг даражаси ва аҳамияти билан фарқ қиласиди. Фундаментал социология моҳиятидан муаммолар, абстракцияннинг (мавхумлик) олий даражаси билан

шуғулланиб, социал оламнинг тарақиёти ва борлига учун зарур булган умумий қонун ва қонуниятлари излаш билан фаолият кўрсатади. Фундаментал социология минглаб мактаблар ва йўналишларга эгадирки, улар социология фанининг асосини ижодий излаш билан банддир. Фаннинг асосини ижодий ишлашнинг учта асосий аспектини ажратиб кўрсатиш мумкин. Биринчиси, онтологик, яъни социал воқеликни моҳияти масалаларини янада аниқроқ айтадиган бўлсак социология объектини, унинг фаолият кўрсатиш шаклларини таҳлил қилиб ўрганади. Маълумки, социал дунё мураккаб қўп қатламлик, динамик ва ўзгарувчанлик ҳусусиятига эгадир. Онтология борлиқ ҳақидаги таълимот сифатида фалсафада вужудга келади ва ушбу фаннинг бош мавзуси ҳисобланади. Социологияда эса онтология масалалари иккинчи жаҳон урушидан кейин, янада кенг куламда эса охирги ўн йиллиқда қўтарилди. Чунки бу вақтда «позитивистик» кризис деган жараён кенг қулоч ёзган эди. Бу кризис жараёнининг асосий моҳияти шундан иборат эди, сциенистикликка асосланган социология натижаларидан ранжиш, яъни традицион илмий методлар кутилган илмий натижалар бермай қўйди.

Нафақат билишнииг шакл ва методларини қайта кўриб чиқиш эҳтиёжи пайдо бўлди ва яна социологиянинг объектини моҳияти, билишнииг даражалари ва мезонларини ҳам қайта ишлаш зарурияти туғилди. Онтологик муаммо масалаларини социологиядаги барча назарий юналиш вакиллари ўзларича ҳал қилишга ҳаракат қилганлар.

Айниқса, социологик муаммога экзистенциал ва феноменологик мактаблар чуқур эътибор билан қарайдилар. Лекин реалистик йўналиш вакиллари томонидан ҳам бу муаммога кенгроқ эътибор берадилар. Реализм—бу соғлом фикрли онгологиядир, деб таъкидлади, ушбу йўналиш вакилларидан бири Аутвейт. Социал реаллик инсонларнинг мустаҳкам ўзаро ҳаракати янгиланаётган структуранинг натижаси сифатида тушуниладиган синфлар, жараёнлар ва интерпретациядир.

Реалистик йўналиш реалликни ҳар ҳил даражаси, табақасини ажратиб таҳлил қилдики, булар шундай жабҳалардир реал, актуал ва эмпириклиkdir. Бу интилишлар эса методологик муносабат сифатида жуда муҳимдир. Реаликииинг ушбу жабҳалари орасидаги ўзаро борлиғлик уларнинг социал воқеликни шакллантиришдаги ўрни ва аҳамиятининг ташкил этилиши ушбу йўналишнинг беҳиёс хизматидир.

Фундаментал социология нафақат назарий асосларни ишлаб чиқиш билан шуғулланади, бинобарин билишнииг умумсоциологик фундаментал принципларини ҳам кенг маънода ишлаб чиқади. Социологик билишнииг моҳияти вазифалари, билимларнинг объективлиги, у ёки бу принцип ва ёндошишларни қўллаш ҳам фундаментал социология муаммолари мажмуасига тааллуклидир.

Ҳар ҳил назариялар негизида «системалик», «функционал ёндошиш», «сабабият», «тушунувчи» йўналиш деб аталадиган фундаментал принциплар ишлаб чиқилди. Социал реаллик моҳиятининг масалаларини йўқ қилиш билан биргаликда, тараққиёт қонунлари ва инсоннинг социал дунёдаги ўрни муаммолари эчимини топиш сабабли маълум бир социологик методлар шаклланади.

Социологиянинг ривожланиши даврида ўрганилаётган муаммолар, тадқиқот йўналишлари ўзгарди, лекин асосий, фундаментал ҳарактерга эга бўлган фан учун жуда муҳим аҳамиятга доир умумий принциплар: социологиянинг обьекти ва предмети, социал реакклиқнинг моҳияти, унинг ривожланиш қонунлари, социал оламдаги инсоннинг аҳамияти ва ўрни, унинг онги ва тафаккури кабилар ўз аҳамиятини йўқотмади.

Фундаментал социологиянинг мақсади — бу социал оламнинг тўлиқ тасвирини яраташдир ва бу социал оламнинг тараққиёт манбаи ва шаклларини аниқлашдир. Илк бор фундаментал назариялар табиий фанлар тараққиётига таянган, айниқса биология ва физикага. Социология фанининг асосчилари ҳудди шу фанларнинг экспериментал ва эмпирик негизга ўхшаган негиз асосида янги социал фанни яратишмокчи бўлдилар. XIX асрнинг иккинчи ярмидаги йўналишлар — позитивизм, натурализм ва психологиям социал ҳаётнинг доимий ҳаракатланувчи механизмини кашф этиш, социологияда эмпирик методни яратиш учун ўз куч-ғайратларини бирлаштирадилар.

Бунинг натижасида улар табиий фанларнинг тушунчаларини, умумилмий метод ва йўналишларини кўллайдилар. Аммо XX асрнинг бошларида социология табиий фанлар тизимидан ажralиб чиқа бошлайди.

Назарий ва амалий социология. Социал воқеликнинг позитивистик рухидаги кўриниши ўрнига структур-функционал, эмпирик кўринишлари юзага келди. Бу йўналишлар социологиянинг ўз асосини, мустақиллигини излашга катта таъсир кўрсатди. Аммо эмпизизм нафақат фундаментал назария аҳамиятини, балки назарияни ўзини ҳам буткул инкор қила бошлади. Бунинг натижасида эса социология ўзининг яхлитлигини йўқота бошлаб, ижтимоий ҳаётнинг ҳар ҳил йўналишларини алоҳида-алоҳида таҳлил қиладиган фанга айлана бошлади. Лекин XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб социология ўзининг умумназарий муаммоларига қайтишни бошлади, шунингдек методологик тадқиқотларнинг аҳамияти кўп оша бошлади. Бу жараёнлар эса социололгарни философияга қайта мурожаат қилишга мажбур қилди. Бунинг натижасида эса экзестенциал, феноменологик йўналишлар пайдо бўлдилар. Улар эса социологиянинг асосини, янги метаназариясини яратишга ҳаракат қила бошладилар ҳозирда бу тенденция кучайяпти. Ш.Штомпканинг фикрича социололгар яна эски

бўлмаган топишмоқни: Жамият нима узи? — топиш билан оворалар.

80-йилларнинг «Катта назарияси»нинг янги тўлқинларининг эфекта сифатида фалсафа ва социологиянинг янги муносабатларн деб тушуниш мумкин. Нафақат социология фалсафанинг таъсири остидадир, балки фалсафанинг узи ҳам социологиянинг актив таъсири доирасидир.

Фундаментал социология ривожининг иккинчи муҳим тушунчаси бу социал жараёнларнинг марказий омили сифатида субъектга мурожаат қилиш билан белгиланади.

Шундай қилиб, фундаментал социология бу назариядир, у фаннинг структураси, мазмуни, категорияси ва методларини ўрганадиган умумсоциологик муаммолари тадқиқ қиласиди. Шунинг учун фундаментал тадқиқотларнинг роли бекиёсдир, функциялари эса ҳилма-ҳилдир. Қуйидаги функцияларни ажратиб курсатиш мумкин: дунёқараш, методологик, интеграциялаштирувчи, эвристик ва ҳокозолар.

Дунёқараш функцияси бевосита борлиқ ва онг, инсониинг моҳияти каби долзарб муаммолари билан боғлиқдир. Чунки бу муаммолар социология фанининг предмети ва объект ядроини ташкил этади. Бу муаммоларни ҳал қилиш жараёнида социология философия билан жуда фаол узаро мулоқот ва диалектик алоқада булади ва социал олам ҳақида илмий тасаввур яратадилар. Умумсоциологик назария негизида социологиянинг умумий нетодологияси ишлаб чиқлади. Интеграциялаштирувчи функция фундаментал назарияни барча билимлар билан бошлайди. Фундаментал социологиянинг яхлит ёндошуви янги муаммоларни ҳал қилиш, нжитмоий ҳаётнинг ҳали яҳши урганилмаган томонларини чуқур илмий тахлид қилишга ёрдам беради.

Социология фани тизимида амалий тадқиқотлар пайдо бўлди ва ривожланаяпти. Амалий социология тадқиқотлар фундаментал социологиядан ўзининг структураси, мазмуни ва мақсади билан фарқ қиласиди. Амалий социологиянинг хусусияти шундан иборатки, у орқали жамиятнинг ҳар бир соҳаси учун керакли бўлган назарий ва эмпирик тадқиқотларни натижаларини қўллаш услублари ва воситалари жорий этилади. Амалий социология XX аср бошларида ташкил топган эмпирик тадқиқотлар негизида шакланди ва ривожланди.

Эмпирик ва амалий тадқиқотларни тенглаштиришнинг яна бир сабаби шундаки, эмпирик тадқиқотлар социал амалиётга олиб чиқадиган восита ҳисобланган. Бинобарин бу масалага бундай ёндошиш унинг моҳиятини тўғри тушунишга ҳалақит беради. эмпирик тадқиқотлар жонли фаолиятни бевосита шакланди ўрганса ҳам, у ўзгартирувчанлик фаолият эмасдир. эмпирик тадқиқотларнинг вазифаси бу кузатиш, эксперимент, ҳужатларни ўрганиш ва сўров методлари орқали социал жараёнлар ҳақида фактлар ва эмпирик маълумотлар

ийғишидир. Эмпирик тадқиқотлар натижаларидан ҳам амалий мақсадларда ҳам назарий билимлар ривожи учун фойдаланиш мумкин.

Амалий тадқиқотлар тизимида ҳам назарий, ҳам эмпирик билимлар мавжуд бўлиб, улар амалий тадқиқотларни ижтимоий ҳаётни турли соҳалари фаолиятини такомиллаштириш учун амалий тавсияномаларига айлантиради. Бошқарув системасини элементи сифатида амалий тадқиқотлар фаннинг ижтимоий функцияларини бажара бориб, унинг натижа ва ютуқларини амалий фаолиятга айлантиради, ўзининг амалий йўналишига қараб айрим ҳолларда амалий тадқиқотлар илмий тадқиқотлар билан қарама-қаршилик муносабатида бўлади.

Фойдалийлик ва объективлик муносабатлари нисбати амалий социологиянинг энг муҳим методологик муаммоларидан биридир. Илмий объективлик ўрганиладиган обьектнинг ҳусусиятларига мослиги билан белгиланади. Айни вақтда фойдалийлик билимлар кимнинг манфаатлари учунлигини назарда тутилиши билан белгиланади. Социологик тадқиқотлар умумий ижтимоий-маданий контекст билан чамбарчас боғлиқ бўлган социал фаолиятнинг бир тури ҳисобланади. Бунинг натижасида эса тадқиқот натижаларидан иқтисодий, сиёсий манфаатлар учун фойдаланади.

Илмийлик ва фойдалийлик бир-бирлари билан зиддиятли муносабатларга киришмасликлари учун М. Вебернинг фикрича ҳақиқат учун интилиш керак, яъни бошқача қилиб айтадигак бўлсак илмий билимлардан тўғри фойдаланиш учун иқтисодий, социал-сиёсий ва маънавий тузилишларнинг маълум тизими мавжуд бўлиши зарур.

Шундай қилиб, амалий социология нафақат тайёр билимларни ишлатади, балки янги назарий ва методологик билимларни ҳам шакллантиради. Амалий социология илмий бўлимнинг амалий эффективлиги масалаларини ҳал қила туриб фундаментал тадқиқотларни ривожига стимул бериш учун янги муаммоларни ўртага қўяди. Амалий тадқиқотлар илмий фаолиятнинг алоҳида бир тури сифатида фақатгина назарий ва методологик муаммоларни ҳал қилмасдан процедура ва методик муаммоларни ҳам эчишга интилади.

Методология ва методиканинг муҳим муаммоларидан концептуализация, формализация ва операционализацияларнинг тутган ўринлари жуда актуалдир. Чункин бу муаммолар социал қурилиш ва социал инженерликнинг муаммоларини ҳал этишда илмий билишнинг реализация қилишнинг ўзига ҳослиги билан бевосита боғлиқдирлар.

Социал инженерлик амалий тадқиқотларнинг негизида шаклланган фаолиятининг маълум бир йўналиш сифатида шаклланди. Социал инженерлик—бу социал структурани (иқтисодий, сиёсий, маданий, маънавий) мақсадга йўналтирилган, тубдан ўзгартиришлик билан уни

оптимал ва эффектов шаклга келтиришдир. Амалий социологиянинг социал инженерликдан ташқари яна социал технология қисми ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. У мақсадга эришишни таъминлайдиган методлар воситаларининг мажмуасидир. Амалий социология тараққиётини белгилаб берадиган бу омил ижтимоий-сиёсий ҳолатдир, чунки социал амалиётнинг муаммоларини белгилаб, ҳал қилиб бериш бу социал буюртмадир, ҳар ҳил конкрет-тариҳий шароитларда ҳар турли ҳил муаммолар олдинги ўринга чиқиши мумкин. Илк бор ишлаб чиқаришни ташкил этиш, шахснинг ижтимоийлашуви, оғишма ҳулқатвор, урбанизация ва жамиятни стабиллаштириш муаммоларини эчиш учун социал буюртмалар берилган.

Социологияда маҳсус ва тармоқ йўналишлар. Амалий тадқиқотлар тармоқ, йўналишларини шакллантиради. Бу йўналишларнинг орасида оғишли ҳулқатвор социологияси, шаҳар социологияси, индустрисал социологиялар кўпроқ тараққий этган. Инсон ўлими муаммосини ўрганадиган—некросоциология, социалдиагностикалар тармок йўналишлари орасида энг янгилари ҳисобланади.

Социологик тадқиқот ҳам назарий, ҳам эмпирик бўлиши мумкин. Уларни чегараланиши шартли равишдадир, чунки ҳар қандай фундаментал социология назарийдир, эмпирик тадқиқотлар эса назария билан жипслашган ўзаро алоқалик билан ўтказилади. Лекин ҳусусиятни ажратиш ва аниқлаш заруриятдир. Агарда ҳар қандай фундаментал социология назарий ҳисобланса, ҳар қандай назария фундаментал социология ҳисобланмайди. Фундаментал социология дисциплинар муаммоларга фаннинг пойdevorinинг асосини ўрганишга йўналтирилган бўлиб, ўз навбатида назарий социологиянинг ўрганиш обьекти сифатида ҳам умумий, ҳам ҳусусий жараёнлар, жамият ҳаётиннинг айrim соҳалари ва фаолиятининг бирор бир томони бўлиши мумкин. Назарий ва эмпирик социологик билимларни қабул қилиш ва жамиятни таҳлил қилиш даражаси билан бир-биридан фарқ қиласди. «Назарийлаштиришни — деб айтади таниқли американлик социолог Дж. Тернер,—шундай воситаларга тааллукли деб хисоблаш мумкинки, у орқали фан деб аталадиган тафаккур фаолияти ўзининг учта асосий мақсадини амалга оширади: оламда, шакланаётган воқеаларни шундай классификациялаш (таснифлаш) ва ташкил қилишликни бунинг натижасида уларни истикболда кўра билишлик; ўтган воқеаларни сабабларини тушунишириш ва келажакда бўладиган воқеаларни олдиндан кўра билиш; воқеаларни нима учун ва қандай бўлиб ўтишини «тушунишни интуитив равишда таклиф қилиш».

Назария—бу категория, тушунчалар, ҳолатлар ва принципларнинг концептуал бирлиги бўлиб, у ҳодисаларни хоссалари, муносабатлари ва қонуниятли алоқаларини очиб беради. Назарияларда марказий ўринни

тушунчалар эгаллайди. Уларда фаннинг тажриба ва ютуқлари тўпланади ва улар назариянинг мазмунини белгилайди. Назарияни яратиш воситаси бу мавҳумлаштиришиликдир. Чунки у конкрет ҳолатлар ва ходисаларни ташкил қилишда чегаралардан сакраб ўтишга йўл беради.

Социологияда назарияни турли даражасини ажратиб кўрсатиш мумкин: умумсоциологик назариялар жамиятни яхлит қамраб оладиган муаммоларни ҳал қиласди. Масалан, жамиятни ривожланиш даврлари ва структураси, уни фаолият қонунлари ва бошқалар.

Махсус назариялар социологиянинг обьектини муҳим томонларини ўрганади. социал структура назарияси, ўзаро таъсир назарияси, институтлар назарияси ва ҳокозолар маҳсус соҳалар сифатида шаклландилар. Маҳсус назария ёки ўрта даража назарияси тушунчасини фанга Р. Мертон жорий этган.

Ўрта даража назарияси социал тизимларнинг уммий назариясини социал ҳатти-харакатнинг ташкил этилишнинг умумийлигига маҳсус кузатилаётган турлари билан боғлаши керак. Бу назариялар мавҳум тушунчалардан фойдаланадилар, лекин улар кўпинча фактлар билан боғлиқдирлар ва битириш тадқиқотлар асосида шаклланадилар. Шунингдек, хусусий назарияларни ҳам ажратиб кўрсатиш мумкин ва улар социал жараёнлар қуйидаги эмпирик маълумотлар билан кўпроқ боғланганлар. Бундай назариялар деб кўйидагиларни айтамиз: ҳрамли феъл-атвор, референт гуруҳлар назарияси, кичик гуруҳлар назарияси ва бошқалар.

Бу назариялар инсон феъл-атворининг мустаҳкам механизмларини ҳар хил шароит ва ҳолатларда кўринишни аниқлашга ҳаракат қиласдилар. Нафакат ахлоқли назариялар балки фаолиятнинг турли ҳил турлари назариялари: меҳнат муносабатлари, қадриятли мослашни шакллантириш, ташкил қилиш ва бошқариш.

Эмпирик тадқиқотлар социологиянинг муҳим компоненти ҳисобланади. Дастребаки эмпирик тадқиқотлар XVII асрда ёқ ўтказилган эди, лекин фақатгина XX асрнинг биринчи чорагидан АҚШда оммавий равища ўрин олади.

Эмпирик тадқиқотлар тажрибали билишни англатади. Улар социал гуруҳлар, индивидлар, ташкилотлар, муаммоларни бевосита ўрганишни ўзининг асосий мақсади деб ҳисоблайдилар.

Эмпирик социологик тадқиқотларнинг обьекти—бу ижтимоий ҳаётнинг микрожараёнлари, инсонларнинг харакатлари, тафаккур тарзи, фикри ва муносабатларидир. эмпирик тадқиқотларларни социологик фаннинг муҳим бир бўлаги сифатида эмпиризм концепцияси билан солишириш мумкин эмас, чунки эмпиризм концепция сифатида назарий социологик билимларни тўлиқ инкор этади. Эмпиризм хиссий

идрокни бевоситалигини фаннинг асоси деб ҳисоблайди.

Эмпирик тадқиқотларнинг вазифаси сезгилар майдонига билимларни олиб чиқиши эмас, аксинча бу билимларни ривожлантириш, эмпирик фактлар йиғиш, реал жараёнларни тадқиқот қилишлиги билан муаммоларни кўндаланг кўйиш ва ҳал қилишликдир. Эмпирик тадқиқотлар ҳудди бошқа фанлар танлаётган каби билимнинг маълум бир воситаси, даври ва даражасидир. Эмпирик социологиянинг обьекта микрожараёнлар булса, предмет сифатида такомилланишнинг турли муаммолари муносабатлар уйғунлашуви, фаолиятнинг сермаҳсуллиги, шахснинг социал ҳусусиятлари турли хил институт ва ташкилотлар намоён булишлари мумкин. Эмпирик социологиянинг обьекти ва предметининг ҳусусияти маҳсус методология ва методни ишлаб чиқиши талаб қиласи. Буни англаш эса бирдан юз бермади. Дастрлаб эмпирик методни ишлаб чиқиш аниқроғи социал жабҳалар учун табиий фанларнинг методларини қайта ишлаб чиқиш ғояси етарлидир деган фикрлар вужудга келди ва бу қайта ишланган услублар билан эмпирик тадқиқотларни муваффақиятли ўtkазиш мумкин деган ҳулоса пайдо бўлди. Аммо тез орада маълум бўлди, эмпирик тадқиқотларни ўtkазиш чоғида кўплаб методологик ҳарактерга эга бўлган муаммолар: социал фактнинг моҳияти, назарий билимнинг эмпирик маълумотлар билан ўзаро муносабатлари, сўров, кузатиш ва ўtkазилаётган маълумотларни ташкил қилиш жараёнида субъектив омилнинг роли кабилар пайдо бўлди. Социологияда билимнинг субъектив аслекти масаласи методологик муаммоларнинг энг марказийларидан ҳисобланади. эмпирик социологиянинг тадқиқотида эмпирик методлар: сўров, кузатиш, ҳужжатларни ўрганиш ва эксперимент усулларн шаклланиб жорий этилди. Бу методларнинг ҳар бирини ҳусусияти жараённинг томонларини ҳудди шу метод билан таҳлил қилишлик билан белгиланади. Масалан, энг оммабоп метод — сўров методи асосан инсонларнинг субъектив дунёсини: қарашлари, муносабат билдиришлар, жуда тез ривожланишлик ва ўзгарувчанликларга йўналтирилгандир. Бундан ташқари, социолог томонидан олинган маълумотларга унинг муносабат билдириши, интерпретация (таҳлил қилишлик), тушуниши билан тус берилади. Шу туфайли эса эмпирик тадқиқотлар методологияси шундай принцип ва йўналишлар ишлаб чиқилиши керакки, у орқали эмпирик маълумотларининг обьективлиги ва ҳаққонийлиги таъминланисин, социолог ва респондент ўзаро ҳаракатларининг мураккаб аспектлари тўлиқ мажмуасини назарда тутадиган тадқиқот воситалари, мантилий масалалари ва даври муаммоларни ҳал қилсин.

Шундай қилиб, эмпирик социология бу билимнинг йирик бир соҳасидир-у ўзининг таркибида эмпирик методлар билан бир қаторда

методология, маълумотлар тамини ва эмпирик маълумотларни қайта ишлаш системасини ўзида мужассамлаштиради. Шу сабабли эмпирик тадқиқотлар одатда ҳар ҳил мутаҳассисликнинг тадқиқотчилари: психологлар, методологлар, математиклар жамоасининг ўзаро ҳамкорлиги остида ўтказилади.

Емпирик тадқиқотлар асосан статистик маълумотларга таянган ҳолдаў. Ривожланган мамлакатларда информацион таъминот эмпирик тадқиқртнинг муҳим манбаси ҳисобланади.

Емпирик тадқиқотларнинг ривожланиши учун асосий муаммо — бу техник воситалар таъминоти билан боғлиқдир, чунки тадқиқотлар натижалари ҳамда қайта ишланиши зарур. Шунингдек, сўров ва кузатиш учун ҳам маълум техник воситалар талаб қилинадики, шунинг учун эмпирик тадқиқотлар анчагина қиммат тадбир ҳисобланади.

Социологиянинг ривожланиш жараёнида секин-аста маҳсус ва тармоқ йўналишлар вужудга кела бошладилар.

Хўш, маҳсус ва тармоқ йўналишларнинг ўзи нима маънога эга?

Маҳсус деб институционал социологияни, шахс социологиясини гурухи жамият, социал ҳаракат ва социал муносабатлар социологиясини эътироф этамиз. Бундан ташқари яна шаклланиб бўлган деб тараққиёт социологияси, ўзаро ҳаракат, социал структура ва бошқаларни ажратиб кўрсатишимиз мумкин. Институционал социология ўзаро ҳаракатнинг мустаҳкам шаклларини тадқиқ қиласди. Тараққиёт социологияси жамият тараққиётининг манбаси шакли, йўналишлари ва унинг таркибий қисмларини ўрганади. Социал ҳаракат назарияси эса инсонийнг социал фаолиятини сабаблари, турлари ва аҳамиятини аниқлашга ҳаракат қиласди.

Социологиядаги маҳсус йўналишлар социал реалликни социологиянинг обьекти сифатида қабул қилишда назарий мушоҳада қилишлик ва бир обьектнинг асосий элементларини аниқлаш асосида вужудга келади. Айрим назариялар социологиянинг асосчилар томонидан ишлаб чиқилган бўлсада, аммо тадқиқот йўналиши сифатида XX асрнинг биринчи ярмида, неопозитивизм негизида яратилади. Маҳсус йўналишлар социология фанининг юз йиллик тараққиёт йўлининг маҳсулидир. Юқорида қайд этилганидек, маҳсус йўналишлар неопозитивизм негизида шаклланди, лекин ўзининг келгуси ривожини бошқа назарий йўналишлар туфайли топди.

Нима учун буларни бир маҳсус йўналишлар деб атамиз, ваҳоланки социал институтлар, шахс ва гуруҳлар, социал муносабатлар ва жараёнлар бошқа фанлар томонидан ҳам ўрганиладики гап шундаки, социология ҳодисаларни яхлит ижтимоий структура элемент сифатида тадқиқ қиласди, бинобарин худди шу вақтда бошқа ижтимоий фанлар институтларни, муносабатларни ва гуруҳларни ўзларининг предметидан

келиб чиқиб, ўз соҳалари доирасида ўрганадилар, масалан, сиёсатшунослик сиёсатида, психология севги-эмоционал соҳада, юридик фанлар ҳуқуқ соҳасида ва ҳокозо. Ушбу фанлардан ўлароқ социологиянинг вазифаси — бу социал муносабатлар, социал институтлар, социал ҳаракатларнинг умумий назариясини яратишидир. Ўз навбатида бу масалаларни ўрганиш учун социология бошқа фанларнинг тадқиқотларига ҳам таяниши керак. Жамият тараққиётига тааллуқли ушбу муаммоларни ечиш масаласи кўндаланг қўйилар экан, социология томонидан бошқа ижтимоий фанлар учун методологик аҳамиятга эта бўлган назария яратилади.

Ҳақиқатдан ҳам ижтимоий ҳодисаларнинг қайси бири ўрганилмаган, улар институционал, социал муносабатлар ва ҳаракатлар шакллари, шахс, гуруҳ характеристи ва тафаккур тарзи нуктаи назаридан тадқиқ қилинади. Махсус йўналишлар фанининг марказий қисмини ташкил қиласи, чунки у ўзини тадқиқотнинг бошқа барча йўналишлар: фундаментал, тармоғи эмпирик йўналишларни мужассамлаштирган бўлади.

Махсус йўналишлардан ташқари социологияда яна тармоқ йўналишлари қўйидагилар; шаҳар социологияси, саноат социологияси, оила социологияси, девиант ҳулқ-атвор социологияси, жамоатчилик фикри социологияни шаклланган. Кенг ривожланган ушбу йўналишлар ижтимоий ҳаётни маълум бир томонлари, ҳар хил тизимчалар, тафаккурнинг маълум бир элементини ўрганиш натижасида вужудга келдилар. Энг ривожланган йўналишлар бу—девиант ҳулқ-атвор социологияси, индустрисал социологияси, жамоатчилик фикри-социологияси. Бу йўналишлар ҳуқуқдирлар, чунки улар XIX аср охири, XX аср бошларида вужудга келди. Масалан, девиант ҳулқ-атвор социологиясининг асосчиси э. Дюргейм ҳисобланади. Илк бор у девиант ҳулқ-атворнинг тури бўлмиш ўз-ўзини ўлдириш муаммосини таҳлил қиласи, бунда ўз-ўзини ўлдиришни психологик паталогия эмас, балки социал ҳодиса деб эътироф этди. Лекин кўпгина тармоқ йўналишлар XX асрнинг биринчи чорагида, Америкада эмпирик тадқиқотлар негизида шаклана бошланди. Бу вақтда жамоатчилик фикри, саноат социологияларининг марказлари вужудга кела бошлади. Тармоқ йўналишлар эмпирик тадқиқотларнинг кенг қамровли амалиётининг негизида шаклана бошлади, лекин улар социологиянинг бошқа йўналишлари билан ҳам боғлиқд

Тармоқ социологияси амалий тадқиқотлар учун базис бўлиб хизмат қиласи, чунки олинган маълумотлар асосида ташкилотларнинг, корхоналарнинг ва муассасаларнинг фаолияти такомиллашади. Тармоқ йўналишлари ижтимоий ҳаётининг турли томонларини тадқиқ қила бориб, хусусий ва махсус назарияларни ривожига ёрдам беради ва

шунингдек фундаментал социология ривожига ҳам таъсир кўрсатади. Тармоқ йўналишлари асосида айирбошлиш назарияси, референт гурухи назарияси, етакчилик (лидер) назарияси ва бошқа назариялар яратилди. Тармоқ йўналишлар ривожи фундаментал социология олдига жамиятнинг яхлит структурасида турли хил ижтимоий тизимчаларнинг роли ва ўрни ва уларни ўзаро ҳаракатлар турлари, тараққиёти асосларининг масалаларини қўяди.

Тармоқ социологиясининг мақсади айрим ижтимоий структуранинг: моддийлик, маънавийлик, меҳнатнинг сермаҳсуллиги назариясини яратиш, ишлаб чиқариш, оиласи муносабатлар ва бошқаларнинг фаолият кўрсатиш ва ривожланиш қонунларининг тўлиқ тасвирини яратишдан иборат. Тармоқ социологияси худди социологияга ўхшаб социал буюртма билан боғлиқдир, лекин жуда ҳам бевосита эмас.

Шунинг учун у нисбатан мустаҳкамдир. Тармоқ социологиясининг тараққиёти жамиятнинг турли хил тизимчаларининг ривожи, уларнинг тарихий шароитларининг турли даврларидағи аҳамиятининг кучайиши, янги структураларнинг пайдо бўлиши билан чамбарчас боғлиқдир.

АТАМАЛАР.

АНКЕТА (фр. enquête) ўз мазмун ва шаклига кўра тартибланган саволлар ва мулоҳазалар баён қилинган сўров варақаси.

АНКЕТА СЎРОВИ - социологик тадқиқотларда қўлланиладиган сўровларнинг асосий хилидан бири.

ИНДИКАТОР (лот. indicator - кўрсаткич) - обьектнинг ўрганса ва ўлчаса бўладиган хусусияти.

ИННОВАЦИЯ - ижтимоий амалиётда сезиларли ўзгаришлар туғдирадиган турли хил **янгиликлар** яратиш ва тадбиқ этиш.

МАДАНИЯТ (лот.kultura - қайта ишлаш) - инсон жамияти яратган ва жамият ривожининг маълум даражасини ифодаловчи моддий ва маънавий маҳсулотлар, қадриятлар мажмуи

МАКРОСОЦИОЛОГИЯ (юнон. makros - узун, катта социология) - катта ижтимоий гурухлар ва тизимларни (масалац, жамият, цивилизация ва х.к.) жараёнларни ҳаракатларни ва ҳодисаларни, шунингдек гурухларни ўрганишга қаратилган тадқиқот йўналиши.

МИКРОСОЦИОЛОГИЯ (юнон. micros - кичкина ва социология) - социологияда нисбатан катта бўлмаган ижтимоий тизимлардаги ижтимоий ҳодисалар ва жараёнларни тахлил қилишга қаратилган, алоҳида олинган ҳодисаларнинг микродаражадаги жараёнлар билан алоқасини эмпирик тасвирлаш билан чегараланадиган йўналиш.

Мавзу юзасидан назорат саволлари

1. Фанда структура тушунчаси ва унинг аҳамияти.
2. Социология структураси элементларининг ривожланиш динамикаси.
3. Фундаментал(асосий) социология.
4. Социология тарихида универсал назариялар.
5. Социологияда маҳсус ва тармоқ йўналишлар.
6. Макросоциология ва микросоциология.

3- Жамият яхлит тизим сифатида.

- 1.Жамият ва ижтимоийлик тушунчаси.
- 2.Жамият ва давлат социологияси.
- 3.Замонавий жамият турлари.

I. Жамият ва ижтимоийлик тушунчаси. Жамиятнинг ижтимоий тузилиши бу ижтимоий тизимлар ва уларнинг элементлари ўртасидаги ижтимоий алоқалар турини ташкил қиласди. Ижтимоий муносабатлар мафкурасини ифодалайди ҳамда турли ижтимоий гурухлар, меҳнат тақсимоти, ижтимоий институтлар характеристини акс эттиради.

Жамият, унинг тизимлари ўзига хос таркибий тузилишга эга бўлиб, уларнинг асосий компоненти инсон ҳисобланади. Кишилар ижтимоий ҳаётининг турли соҳаларида – иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий, оила турмушда фаолият кўрсатадилар. Уларнинг асосида эса ижтимоий таркиблар тузилади. Ижтимоий тизимларнинг мураккаблиги, таркибидаги элементларнинг сони қўплиги билан эмас, балки, асосан, бу элементлар ўртасидаги ўзаро алоқа ва муносабатлар характеристи билан белгиланади.

Ҳар қандай ижтимоий жараёнлар инсон фаолияти билан боғлиқ муайян ижтимоий бирлик сифатида уюшган кишиларнинг катта-катта гурухлари: (синфлар, миллатлар, миллий-этник, ижтимоий-демографик; нисбатан кичик тизимлар: ўқув-тарбиявий, оила-турмуш ва бошқа гурухлар; ижтимоий ташкилотлар, бирлашмалар, иттифоқлар) – жамиятнинг ижтимоий таркибини ташкил қиласди. Улар тарихий ривожланиш босқичларида турли ижтимоий асосларда шаклланадилар. Яшаш шароитига, ривожланиш хусусиятларига, ижтимоий эҳтиёжга, манфаатларга ва муайян мақсадга эга бўлади. Ижтимоий тизимлар занжирида турли ўзига хос ҳалқага эга бўладилар. Ички ташкилий тузилиши, характеристи, функционал ва ривожланиш даражаси, турмуш тарзи, фаолият шакли ва усувлари билан қадриятлар тизими, норма, ғоялари, қарашлари ва бошқа жиҳатлари билан фарқ қиласди.

Жамиятнинг ижтимоий таркибини конкрет – тарихий давр кесимида олиб қараш талаб қилинади. Чунки, турли тарихий даврлар ижтимоий таркиби ўзаро сифат ва хусусиятлари билан фарқ қиласди.

Жамиятнинг ижтимоий таркибини социологик жиҳатдан ўрганишда уни уч маънода: энг умумий, маҳсус кенг ва хусусий тор маънода олиб қараш зарур.

Умумий маънодаги ижтимоий таркиб – жамиятнинг бир бутун таркибини ташкил қиласди.

Иккинчи маҳсус кенг маънодаги ижтимоий таркибга ижтимоий-тарихий бирлик мажмуаси ва улар ўртасидаги алоқа, муносабатлар киради. Бу таркиб миллий-этник, ижтимоий-демографик, мутахассислик ва бошқа шу каби кишилар гурухларини ўз ичига олади.

Тор, хусусий маънодаги ижтимоий таркиб тушунчасига меҳнат жамоалари, худудий бирлик, нисбатан тез ўзгарувчан гурухлар киради.

«Социологиянинг умуназарий муаммолари» асарида америкалик социолог Т.Парсонс жамият таркибий тузилишининг функционал моделини ишлаб чиқди. Унга мувофиқ, ҳар қандай ижтимоий тизим қуйидаги тўртта

таркибий иерархик даражадан иборат:

1. «Бирламчи» ёки «техник» даража ижтимоий тизим элементларининг бевосита алоқадорлигини ифодалайди.

2. Бошқарув ёки «менеджериал» даража, бирламчи даражадаги ижтимоий тизимлар элементларининг ўзаро алоқадорлигини тартибга солиб туради. Бу даража ташқи таркибий алоқалар бўғинлари билан муносабатлар ўртасида воситачилик ролини бажаради. Ижтимоий тартибни назорат қилади, кузатади, кишиларнинг моддий жиҳатдан таъминотини бошқаради.

3. «Институтли», даража янада умумийроқ, масалалар билан шуғулланади. Бунга турли бошқарув институтлари ва раҳбарият, маъмурий идора органлари, уларнинг вакиллари киради.

4. Олий даражадаги, умудавлат даражасидаги жамият ташкилотлари. Бунга давлат, ҳокимиёт, ҳуқуқий ва бошқа ташкилотлар киради. Улар қуйи даражалар устидан назорат қилади ва уларни тартибга келтиради. Парсонс социологик мактаби қарашича, жамият ҳаётидаги функционал тизимлардан иборат. Бу мактаб вакиллари диннинг жамият ҳаётидаги функционал аҳамиятига ҳам баҳо берганлар. Дин – жамиятнинг «бир бутун» ҳолда бўлишига хизмат қилади- деб атеизмга жамиятнинг бир бутунлигини бузувчи, номутаносиблигини келтириб чиқарувчи омил сифатида қарашган.

Социологияда ижтимоий бирлик тушунчаси остида жамият ижтимоий таркибидаги барча тизим ва элементларни тушуниш мумкин. Улар ўзаро характеристи, ижтимоий қўлами ва жамият ҳаётида тутган ўрни билан фарқ қилади.

Социологияда жамият ҳаётини ўрганишда ижтимоий ташкилотлар, институтлар каби тушунчалардан ҳам фойдаланилади.

Жамият ва ижтимоий тизим тушунчалари.

Жамият – кишилар ҳаётий фаолиятининг тарихий ривожланиш шакли бўлиб, ўз тузилиши жиҳатидан мураккаб тизимни ташкил қлади. Бизнинг ҳозирда яшаб турган жамиятимизни социал тизимнинг муайян конкрет шакли сифатида, унинг функционал ва ривожланиш қонуниятини, ҳар бир бўлакчалариниг ўзига хос томонларини, ўзаро муносабатларини илмий жиҳатдан ўрганиб, тўғри бошқариш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, ўз вақтида кейинги оқибати олдиндан социологик асосда таҳлил қилинмаган ва олди олинмаган нуқсонлар жамият тараққиётининг салбий оқибатларига олиб келади.

Социология тарихда жамият – ўз ижтимоий эҳтиёжларини қондирувчи кишилар бирлиги сифатида тушунилган. Шу билан бирга, жамият айrim кишиларнинг бирлигига эмас, балки ижтимоий муносабатлар мажмуаси ҳамдир.

Социология жамият тўғрисидаги таълимот бўлиб, ижтимоий тизимлар ривожланиш ва функционал қонуниятлари, ҳаракатлантирувчи кучларини ўрганувчи фандир. У турли ижтимоий ҳодисалар, жамият ва табиат ўртасидаги алоқадорликни, шунингдек, шахс кишиларнинг ижтимоий ҳулқи, унинг элементлари ва ривожланиш қонуниятларини ўрганади.

Аввало биз жамиятни социологик нуқтаи-назардан қуйидагича

ўрганамиз:

1) Жамиятнинг тузилиши ва таркиби ўрганилади (яъни жамият қандай кишилардан иборат, улар қанча ва қандай синф ёки табақаларга мансублиги кўилади);

2) Жамиятда истиқомат қлаётган кишиларнинг ҳатти-ҳаракатлари нималардан иборат (яъни, уларнинг ўзаро муносабатларидағи характерлари кўрилади). Бунда биз жамиятда истиқомат қилаётган кишиларнинг фаолиятларини тасодифий эмас, балки айнан ўша жамият қонуниятлари асосида ривожланиб боришини таъкидлашимиз керак.

Жамиятдаги кишиларнинг қандай табақаларга тақсимланиши, ушбу жамиятнинг қандай кишилардан иборат эканлиги, жамият ички фаолиятида кишиларнинг ўзларини қандай тутишлари ва ўзаро муносабатларнинг қай даражада эканлиги, алоҳида бир кишиларнинг ҳатти-ҳаракатларини қандай кучлар бошқариб туришлиги –кишиларнинг ўзаро муносабатларидағи характерининг ўзагини ташкил этади.

3) Жамият тараққиёти унинг ривожланиши нуқтаи-назаридан ўрганилади. Дунёдаги барча ҳодисалар вактлар ўтиши билан ўзгаради. Тараққиётнинг мисли кўрилмаган суръатлар билан ривожланиб бориши жамиятдаги ўзга иккинчи ёки учинчи бир қадриятлар билан қоришитириб юбормоқда. Кечаги авлоднинг яшаш тарзи бугунги авлоднигига мос келмай қолмоқда, бугунги авлодники эса эртанги авлоднинг яшаш тарзига мос келмайди. Шунинг учун жамиятни тўлиқ тушуниш учун нафақат унинг тузилиши ва ривожланишини, балки унинг ўтмишини, яъни тарихини ҳам синчиклаб ўрганиш, бу жамиятнинг қандай таркиб топганлигини, қандай шаклланганлигини, ривожланганлигини билиш жамиятни тўлиқ тушунмоқликка имкон яратади.

Жамият ва давлат социологияси. Жамият ижтимоий ҳодисанинг умумий ва мураккаб системасидир. Ижтимоий фаолиятнинг белгиланган социал статусига эга бўлган, ўзида ижтимоий меъёр ва қадриятларни акс эттирган, индивидуал сифатларга /шахснинг ижтимоий белгиси, қизиқишилари, қадриятлар йўналиши, шахс мотивлари ва ҳоказо/ эга бўган шахслар жамиятнинг элементи ҳисобланади.

Жамият умумий табиий-тарихий тизим сифатида ўзида ишлаб чиқариш кучлари ва иқтисодий муносабатларнинг ижтимоий, мафкуравий, сиёсий структураларининг органик бирлигини ташкил этади. Кишиларнинг турли ижтимоий гурухларининг ўзаро бирлиги ёки жамият тизимининг табиий-тарихий характерини белгилашда муҳим омил ҳисобланади. Жамиятнинг ҳар бир соҳаси ишлаб чиқариш тараққиётида маълум бир функцияларни бажаради: иқтисодий муносабатлар – ижтимоийлашувини /социализация/, сиёсий муносабатлар – ижтимоий бошқарувни /элементлар назорати/, мафкуравий муносабатлар – маънавий ишлаб чиқариш функциясини ва б.

Социологик назария барча ижтимоий тизимларни 1) социеталь; 2) ижтимоий муносабатларда кўради. Социеталь тизимларга жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва мафкуравий муносабатлари киради. Уларнинг ҳар бири бир-бири билан алоқада бўлган аниқ бир структурага эга

бўлади. Жамиятнинг социеталь тизими – иерархик қарамликни ташкил этади, яъни иқтисодий муносабат бунда белгиловчи омил бўлиб, ижтимоий, сиёсий ва мафкуравий муносабатлар унинг ишлаб чиқраилувчиси бўлади.

Социеталь тизимлар ўз таркибига кўра қўйидагича жойлаштирилади: 1/ иқтисодий; 2/ ижтимоий; 3/ сиёсий; 4/ мафкуравий;

Социеталь тизимларнинг бир-бири билан ўзаро узвий алоқада бўлиши диалектик характерга эга. А.Смит «Дунёдаги барча нарсалар меҳнатнинг маҳсулидир, меҳнат тақсимоти натижасида ҳар бир индивид ўзи учун ишлайди ва бошқалар учун ишлашга ҳам мажбур бўлади, у бошқалар учун ишлаганда, аксинча, ўзи учун ҳам ишлайди» дейди. Шунинг учун айнан шу тизимда ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари, базис ва усткурма, ижтимоий онг каби фалсафий категориялар ишлатилади.

Социологик нуқтаи-назардан жамият – бу кишиларнинг, бирликда яшаш ва ўзаро бир-бири билан ижтимоий алоқада бўлиб, ўз фаолиятларида бир-бирига таъсир қўсатувчи уюшмасидир.

Жамият ташкил топиши учун энг камида икки киши бўлиши керак, бу жамиятнинг оддий кўриниши бўлиб, унинг мураккаб шаклларини шакллантириб боради, яъни оиланинг қурилиши бу оддий жамият, бу жамиятда А.Смит таърифи бўйича жамият аъзоси ҳам ўзи учун, ҳам ўзга бир кишилар учун ишлайди, мураккаб жамиятнинг шаклланишига ўз ҳиссасини ўз оиласи билан бирга қўшади. Бу мисолларни яна партиялар тузилишида, диний ёки замонавий гуруҳларнинг пайдо бўлишида кўриб боришимиш мумкин, қайсиdir бир диннинг ривожланиши натижасида диндорлар жамияти оддийликдан мураккаблик сари боради, партия ташкилотлари ва гуруҳлар тузилишида ҳам айнан шундай социеталь тизим муносабатларини кўриб боришимиш мумкин.

Жамиятнинг «ижтимоийлик» тизими унсурлар сифатли муносабатларини ҳодисалар ҳам жараёнларда акс эттиради. «Ижтимоийлик» тизимининг асосий унсурларини ижтимоий жамоалар ташкил этади, яъни булар синфлар, миллатлар, профессионал, демографик, худудий ва сиёсий гуруҳлардир. «Ижтимоийлик» тизимининг элементини кишилар ташкил этади. Бунда ҳар хил ижтимоий жамоаларга бирлашган кишилар бир-бирлари билан ўзаро алоқадорликда бўладилар. Ушбу алоқадорлик жараёнида кишилар маълум бир индивидга ва маълум бир меҳнатга таъсир ўтказадилар.

Жамиятни тушуниш ва жамият тўғрисидаги фикрлар О.Контнинг социологик назариясида ҳам акс эттирилган. О.Конт, Д.Юм, А.Смит, Руссо, Сен-Симонларнинг жамият тўғрисидаги назарияларини ривожлантириди. О.Конт социологияда психология, сиёсий иқтисод, этика, фалсафа тарихи фанларининг тушунча ва методологияси синтезлаштирилади.

Жамият – ўзаро муносабатда бўлган «заррачалар», «элементлар», «атомлар»нинг /автоматик/ ҳаракатда бўган механизми деб қаралади.

Индивид ҳатти-ҳаракатлари ва қизиқишлигини О.Конт абстракция деб хисоблайди.

Ижтимоийликнинг ажралмас унсури сифатида инсон эмас, оилани олиб, оила жамиятнинг ижтимоий организмининг бирлигини ташкил этади.

Бу ерда кишиларнинг ўзаро алоқдорлиги /«ассоциация» эмас, балки ажралмас бирлиги хукмронлик қиласи, деб Конт ўз фикрларини давом эттиради./

Жамият тўғрисидаги қарашларини Г.Спенсер /органицистик жамиятни табиатнинг организми аналоги деб қараб, ижтимоий ҳайти биологик қонуниятларнинг белгиси сифатида қараш/ таълимот нуқтаи-назаридан олиб қарайди. Жамиятнинг тараққиёти биологиянинг янги ютуқлари билан шаклланиб, ривожланиб боради. «Жамият аъзолари жамият фаровонлиги учун хизмат қилиши эмас, балки жамият жамият аъзолари фаровонлиги учун хизмат қилиши керак» деб Спенсер индивидуализм органицистик концепциясига ёндошади, - инсонни социологиянинг энг асосий муаммоси сифатида олиб қарайди. Жамият табиат феноменининг умумлашмаси сифатида, унинг тараққиёти /эволюция/ дифференциал бўлаклар ва функцияларнинг табиий жараёни сифатида қаралади. Индивидуализмнинг ахлоқий-ижтимоий муаммоси янги муаммо бўлиб, дифференциаллашган жамиятда индивид кам иштирок этади, эволюция унга туғилган муаммони ечишга рухсат этиб туради.

XIX асрда «жамият» тушунчаси янги маъно билан бойитилди. Жамият тараққиётининг механик структураси органик структураси билан биргаликда олиб қаралади. Муаммони ечиш йўлини социологлар жамиятнинг икки йўналишини тарихий нуқтаи-назардан ўрганиб, икки қарама-қарши тенденцияни: анъанавий ва замонавий жамият турларини бир-бири билан солиштириб ўрганадилар. Бундай жамият йўналишини Тённис ва Дюргейм «статус» ва «контракт» /шартнома/ дихотомик ғояларини илгари сурган ҳолда ўғаниб чиқадилар. Тённис ўзининг «жамоа» ва «жамият» дихотомиясида органицистик методологияни мужассамлаштирган. Унинг концепциясида индивиднинг умумийликка ёки индивидларнинг ички умумийликка муносабатлари тўғрисида сўз боради. Эркинлик ёки «моҳиятнан» ёки «сайланган» бўлиб, «моҳият эркинлиги» бирлиги /самостъ/, «организм ва органик бўлакларга хос» бирликни ташкил этади, ҳар бир ушбу бирликни акс эттиради ва жамоа геманшафт учун яшайди. Аксинча, ҳар бир ижтимоий муносабтлар юқори турувчи, қарамогида маълум бир куч ва имкониятларга эга бўлган сунъий индивидни намоён қилиб, натижада жамият ижтимоий умумийлик нуқтаи-назаридан фикр юритади. Жамиятни икки хил тушуниш тўғрисидаги дихотомияда, яъни кенг маънода «жамоа»ни жамиятга қўшиб ва тор маънода «жамоа» ни жамият таркибидан чиқарив, Тённис турли хил ижтимоий алоқа ва таълимотларни таҳлил қилди. Тённис давлат тушунчасини жамият билан ўзаро алоқадорликда кўради, тарихий тараққиёт жараёнида барча йирик ривожланган давлатлар «бирлик» тенденцияси сари интилиб боради деб қарайди. Бу башоратми ёки билишми, ҳар қалай ҳозирги кунда Европа иқтисодий иттифоқини тузиш учун ривожланган давлатларнинг ўзаро музокаралр олиб бориб, баъзи бир муваффақиятларга эришганини ҳисобга оладиган бўсак, бу нафақат Тённиснинг, балки социология фанининг жамиятни ўрганишдаги ҳақиқий ютуғи деб ҳисоблаш мумкин.

Мана шу дихотомияни Тённисдан кейин Дюркгейм ҳам қўллаб-кувватлаб, уни ривожлантириди. Агар Тённисни жамоанинг организм билан мос келмаслиги қизиқтириб, жамиятни тасаввур қилишда у ижтимоий бирлик дихотомиясига амал қилган бўлса, Дюркгейм ижтимоий алоқанинг органик ва механик турларини бир-бирига қарама-қарши қўяди ва жамиятни бир қадар ижтимоийликнинг табиий ва органик тури деб эълон қиласди. Дюркгейм жамиятдаги бирликни «тиник аҳлоқий ҳодиса» деб талқин қилиб, жамиятнинг аҳлоқий мустаҳкамлигини ўз тадқиқотларининг асосига, марказига қўяди. Механистик ва органистик бирликни фарқлаш учун икки хил хулосага келади: 1/ гурухларнинг барча аъзолари озми ёки кўпми маънода эътиқодлар ва ҳиссиётларнинг жамланмасини ташкил этади, натижада колектив турини ҳосил қиласди; 2/ жамият – бу турли маҳсус функцияларнинг тизимири.

Органик бирликнинг механик бирлиқдан фарқи шундаки, у меҳнат тақсимоти натижасида вужудга келади. Меҳнат тақсимоти ижтимоий бирликнинг олий функцияси сифатида аҳлоқий функцияларни вужудга келтиради, «шахс индивидуаллиги»нинг вужудга келиши ва ривожланишини таъминлайди.

Жамият ва унинг ривожланиш қонуниятлари тўғрисида кўпгина социологлар ўз таълимотларини яратганлар, жамият тўғрисидаги назарияларни бойитиб, ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшганлар. Булар Зиммель, Парсонс, Луми, Чикаго мактаби намояндалари ва бошқалар.

Социологияда жамиятнинг қуидаги йўналишлари мавжуд: 1/ механицистик. 2/ органицистик. 3/ культурологик.

1. Жамиятнинг механицистик йўналиши XIX асрда вужудга келди. Механицистик йўналишда классик механика концепцияси, оламни механик талқин қилиш, жамият ривожланиши қонуниятларини асосан физик ва механик қонуниятлар асосида деб билиш билан асосланарди. Механицизм тарафдорлари, Т.Керн жамият структурасини ва ундаги жараёнларни ноорганик олам билан солишириб, шунинг асосида жамият қонунларини яратишга ҳаракат қилдилар. Табиий фанларнинг ривожланиши натижасида механицизмда янги «энергетик» ва «термодинамик» деган терминлар пайдо бўлди. Механицизм намоёндалари асосан аниқликка риоя этишни ўз вазифалари деб билиб, миқдор ва статистик методларга суюниб жамият қонуниятларини белгилайдилар.

2. Жамиятнинг органицистик концепцияси XIX аср охири XX аср бошларида вужудга кела бошлаган. Бу таълимотга қўра, жамиятни организм билан айнан бир нарса деб қараш ташкил этади. Жамиятни унсурларнинг бўлаклардан агрегати деб қараб, организм, нисбий автономиялардан иборат бўлган, амма ягона тамойилларга асосланган жамият динамикасини яратади. Органицистик жамият концепциясининг намоёндалари О.Конт, Г.Спенсер, Э.Дюркгейм ва бошқалар.

3. Ижтимоий аҳлоқ нормалари ва қадриятларнинг тарихий мураккаблашиши натижасида ушбу ижтимоий тизим маданиятни вужудга келтиради. Маданият – ижтимоий-тарихий амалиёт жараёнида инсоният

яратган ва яратадиган, ҳамда жамият тараққиётида тарихан эришилган босқични характерлайдиган моддий ва маънавий қимматдорликлар мажмуи. Моддий маданият – техника ишлаб чиқариш тажрибаси, ишлаб чиқариш жараёни вужудга келтирилган моддий қимматдорлик мажмуидир. Маънавий маданият – фан, санъат ва адабиёт, фалсафа, ахлоқ, маориф ва бошқалар соҳасида маънавий қимматдорликлар мажмуасидир. Маданиятнинг вужудга келишини натуралистлар /табиатшунос/ инсониятнинг табиий табиатида деб биладилар. Бошқа бир гурӯҳ социологлар инсониятнинг ахлоқий тараққиётида, ахлоқий томонида бўлади деб билдилар. Маданият тушунчасидан келиб чиқсан ҳолда культурологик жамиятнинг вазифаси колективнинг мақсадли тузилиш даражасини қиёслаб, унинг динамикасини ёритиш, «ижтимоий» факт эканлигини кўрсатишдан иборатdir.

«Культурологик» жамият ҳар қандай ижтимоий фаолиятга асосланган мақсадли комплексларнинг аспектига диққат билан қарайди. Культурологик жамиятнинг функцияси ўзаро алоқадорликни системали равищда изоҳлаб, шарҳлаб беради. Культурологик жамият тўғрисида М. Вебер, Г. Зиммель, Ф. Тенбурк, В. Липп, Й. Вайс ва бошқалар ўз социологик қарашларида фикрлар билдирганлар.

Ижтимоий ҳаёт нисбатан мустақил, барқарор, функционал ва ривожланиш қонуниятларига эга бўлган ижтимоий тизимлар бирлигидан иборатdir.

Ижтимоий тизим – мураккаб ички тузилишга эга бўлиб, тартибли, бир бутун, ўзига хос ижтимоий алоқадорлик ва турли ижтимоий муносабатлар бирлигини ташкил қиласиди. Ҳар қандай ижтимоий тизим ўзининг таркибий тузилишига эга. Жамиятнинг айrim таркибий тизимлари, масалан: иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий, ижтимоий турмуш, фан ва бошқа шу каби соҳаларида, то алоҳида олинган инсонгача бўлган ижтимоий тизимлар шулар жумласидандир.

Ижтимоий тизимларнинг ривожланиши табиий-тарихий жараён тарзида боради. Ҳар бир ижтимоий тизим бошқасининг, юқори даражадаги тизимнинг таркибига киради. Ўзи эса қўйи, кичик тартибдаги тизимларни ўз такрибига олади. Жамият ҳаётида бирон бир ижтимоий тизим алоҳида равищда бошқаларидан, ижтимоий муҳитдан ажраган ҳолда яшай олмайди.

Ҳар бир ижтимоий тизим ўзгармас ва абадий эмас. Улар тарихий тараққиёти давомида доимо ўзгариб, ривожланиб боради. Ички, ташқи функционал ва зиддиятли муносабатда бўлади. Ҳар қандай ижтимоий тизим ўзининг таркиб топиш, ривожланиш, гуллаб-яшнаш ва таназзулига эга бўлади.

Ижтимоий тизимларга тарихийлик хос бўлиб, таркибидаги элемент ва майда тизимларнинг ўзаро алоқадорлиги, зиддиятлилиги – уларнинг ривожланиши моҳиятини белгилайди. Ташқи ўзаро алоқадорлик ҳам ижтимоий тизимлараро муносабатлар асосини ташкил қиласиди.

Алоҳида олинган инсон ва жамият ҳаётидаги барча ижтимоий жараёнлар тизими ўртасидаги муносабатлар ўзаро иерархик тузилишга эгадир. Ўзаро иерархик тузилиш уларни бошқариш имконини беради.

Ижтимоий тизимлар мақсадга йўналганлиги, мослашувчи, очик, ўзини қайта тиклаш, функционал ва ривожланиш каби ўзига хос хусусиятларга эга. Ҳар бир ижтимоий тизим ташқи ижтимоий муҳит билан доимий алоқадорликда бўлади. Кишилар, ижтимоий воқелик, жараёнлар ва ғоялар ижтимоий муҳит элементлари сифатида намоён бўлади.

Ҳозирги янги ижтимоий муносабатларнинг таркиб топиши жараёнида ижтимоий муҳит социологик жиҳатдан таҳлил қилиш масаласи муҳим илмий аҳамиятга эгадир.

Ижтимоий тизимлар ўзларининг ижтимоий вазифалари, функциялари билан ўзаро фарқ қиласди. Улар муайян иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий ва бошқа қонуниятлар асосида фаолият кўрсатадилар.

Парсонс фикрича, ижтимоий тизим, энг аввало, фаолиятли тизимдир. Масалан, иқтисод, сиёсат, хуқуқ каби ўзаро таъсирида бўлувчи ижтимоий тизимлар ахлоққа, маънавиятга фаол таъсир кўрсатадилар.

Ҳар қандай ижтимоий тизимларда икки типдаги функционал вазифа ва ривожланиш қонуниятлари амал қиласди. Уларнинг функционал ва ривожланиш хусусиятлари икки омил – ички ва ташқи омиллар билан белгиланади. Ички омилларга биринчи навбатда тизим ва унинг компонентлари, компонентларнинг ўзаро муносабати киради. Ташқи омилларга ижтимоий тизимларнинг ташқи муҳит билан алоқадорлиги киради.

Ижтимоий тизимларнинг ташқи муҳит билан ўзаро алоқадорлиги уларнинг асосий мавжудлик ва яшаш шарти ҳисобланади. Ташқи ижтимоий муҳит мувозанатини сақлаши ва ўзгаришини ҳисобга олиш бу ижтимоий тизимларнинг функционал вазифа ўзгариши ва ривожланишини социологик тадқиқ қилишда биринчи даражали аҳамиятга эга.

Демак, социологияда ижтимоий тизимларни ички ва ташқи жиҳатдан таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Жамиятнинг моддий ишлаб чиқариш жараёни бу – социологияда ижтимоий тизим сифатида олиб қараб ўрганилади. Моддий ишлаб чиқариш тизими – ижтимоий ҳаёт соҳаси бўлиб, кишиларнинг моддий неъматлар ишлаб чиқариш фаолият билан боғлиқ. Моддий ишлаб чиқариш – жамиятнинг иқтисодий асоси бўлиб, иқтисодиёт билан боғлиқ бўлган барча тизимлар ва улар ўртасидаги муносабатларни ўз ичига олади.

Сиёсий тизим – жамиятни бошқариш билан боғлиқ бўлган тизим ҳисобланади. Бу тизим таркибига барча сиёсий ташкилотлар: давлат, хукуқий органлар/ суд, прокуратура, милиция, қамоқхона ва бошқлар/, сиёсий муносабатлар киради.

Идеологик муносабатлар ҳам ижтимоий тизим сифатида маънавий ҳаёт қирраларини ўз ичига олади. Унинг таркибига маънавий муносабатлар ва улар билан боғлиқ бўлган ташкилотлар: маданий муассасалар, фан, мафкура, қадрияtlар киради.

Жамиятнинг ижтимоий тузилиши, социал стратификация ва социал мобиллик.

Жамиятнинг ижтимоий тузилиши бу ижтимоий тизимлар ва уларнинг элементлари ўртасидаги ижтимоий алоқалар турини ташкил қилади. Ижтимоий муносабатлар мафкурасини ифодалайди ҳамда турли ижтимоий гурухлар, меҳнат тақсимоти, ижтимоий институтлар характерини акс эттиради.

Жамият, унинг тизимлари ўзига хос таркибий тузилишга эга бўлиб, уларнинг асосий компоненти инсон ҳисобланади. Кишилар ижтимоий ҳаётининг турли соҳаларида – иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий, оила турмушда фаолият кўрсатадилар. Уларнинг асосида эса ижтимоий таркиблар тузилади. Ижтимоий тизимларнинг мураккаблиги, таркибидаги элементларнинг сони кўплиги билан эмас, балки, асосан, бу элементлар ўртасидаги ўзаро алоқа ва муносабатлар характери билан белгиланади.

Ҳар қандай ижтимоий жараёнлар инсон фаолияти билан боғлиқ муайян ижтимоий бирлик сифатида уюшган кишиларнинг катта-катта гурухлари: (синфлар, миллатлар, миллий-этник, ижтимоий-демографик; нисбатан кичик тизимлар: ўқув-тарбиявий, оила-турмуш ва бошқа гурухлар; ижтимоий ташкилотлар, бирлашмалар, иттифоқлар) – жамиятнинг ижтимоий таркибини ташкил қилади. Улар тарихий ривожланиш босқичларида турли ижтимоий асосларда шаклланадилар. Яшаш шароитига, ривожланиш хусусиятларига, ижтимоий эҳтиёжга, манфаатларга ва муайян мақсадга эга бўлади. Ижтимоий тизимлар занжирида турли ўзига хос ҳалқага эга бўладилар. Ички ташкилий тузилиши, характери, функционал ва ривожланиш даражаси, турмуш тарзи, фаолият шакли ва усуслари билан қадриятлар тизими, норма, фоялари, қарашлари ва бошқа жиҳатлари билан фарқ қиласидилар.

Жамиятнинг ижтимоий таркибини конкрет – тарихий давр кесимида олиб қараш талаб қилинади. Чунки, турли тарихий даврлар ижтимоий таркиби ўзаро сифат ва хусусиятлари билан фарқ қиласидилар.

Жамиятнинг ижтимоий таркибини социологик жиҳатдан ўрганишда уни уч маънода: энг умумий, маҳсус кенг ва хусусий тор маънода олиб қараш зарур.

Умумий маънодаги ижтимоий таркиб – жамиятнинг бир бутун таркибини ташкил қиласидилар.

Иккинчи маҳсус кенг маънодаги ижтимоий таркибга ижтимоий-тарихий бирлик мажмуаси ва улар ўртасидаги алоқа, муносабатлар киради. Бу таркиб миллий-этник, ижтимоий-демографик, мутахассислик ва бошқа шу каби кишилар гурухларини ўз ичига олади.

Тор, хусусий маънодаги ижтимоий таркиб тушунчасига меҳнат жамоалари, худудий бирлик, нисбатан тез ўзгарувчан гурухлар киради.

«Социологиянинг умуназарий муаммолари» асарида америкалик социолог Т. Парсонс жамият таркибий тузилишининг функционал моделини ишлаб чиқди. Унга мувоғик, ҳар қандай ижтимоий тизим қўйидаги тўртта таркибий иерархик даражадан иборат:

5. «Бирламчи» ёки «техник» даража ижтимоий тизим элементларининг бевосита алоқадорлигини ифодалайди.

6. Бошқарув ёки «менеджериал» даражаси, бирламчи даражадаги ижтимоий тизимлар элементларининг ўзаро алоқадорлигини тартибга солиб туради. Бу даражаси ташқи таркибий алоқалар бўғинлари билан муносабатлар ўртасида воситачилик ролини бажаради. Ижтимоий тартибни назорат қилади, кузатади, кишиларнинг моддий жиҳатдан таъминотини бошқаради.

7. «Институтли», даражаси янада умумийроқ, масалалар билан шуғулланади. Бунга турли бошқарув институтлари ва раҳбарият, маъмурий идора органлари, уларнинг вакиллари киради.

8. Олий даражадаги, умудавлат даражасидаги жамият ташкилотлари. Бунга давлат, ҳокимият, ҳуқуқий ва бошқа ташкилотлар киради. Улар қуйи даражалар устидан назорат қилади ва уларни тартибга келтиради. Парсонс социологик мактаби қарашича, жамият ҳаётидаги функционал тизимлардан иборат. Бу мактаб вакиллари диннинг жамият ҳаётидаги функционал аҳамиятига ҳам баҳо берганлар. Дин – жамиятнинг «бир бутун» ҳолда бўлишига хизмат қилади- деб атеизмга жамиятнинг бир бутунлигини бузувчи, номутаносиблигини келтириб чиқарувчи омил сифатида қарашган.

Социологияда ижтимоий бирлик тушунчаси остида жамият ижтимоий таркибидаги барча тизим ва элементларни тушуниш мумкин. Улар ўзаро характеристи, ижтимоий кўлами ва жамият ҳаётида тутган ўрни билан фарқ қилади.

Социологияда жамият ҳаётини ўрганишда ижтимоий ташкилотлар, институтлар каби тушунчалардан ҳам фойдаланилади.

Инглиз социологлардан бири А.Р.Радклифф-Браун жамиятни фаолиятдаги тирик организм сифатида қараб, унинг таркибий тадқиқи ижтимоий бирликлар функцияси тадқиқидан ажralmas, деб ҳисоблайди. У жамиятнинг қуйидаги асосий таркибий тузилишини бошланғич асос сифатида олиб қарайди:

1. Жамият мавжуд бўлиши ва яшаси учун унинг аъзолари ўртасида минимал бирдамлик бўлиши зарур; ижтимоий ҳодисаларнинг функцияси ижтимоий гурухлар ўртасида бирдамликни, ҳамжиҳатликни яратиш, тутиб туриш ва шунга хизмат қлишдан иборат.

2. Шундан келиб чиқиб, ижтимоий тизимларнинг қисмлари, элементлари ўртасида ўзаро муносабатларнинг минимал даражагача бирлиги ва мувофиқлиги сақланиши зарур.

3. Жамиятнинг ҳар қандай типи инсон фаолиятининг турли кўринишлари ва таркибий жиҳатларини намоён қилади, ҳамда уларнинг мувофиқлигини сақлаб туради.²

Радклифф-Брауннинг юқорида кўрсатилган концепциясини ҳар қандай кўринишдаги ижтимоий таркиб ва ижтимоий воқеликдаги тартибли тизимга тадбиқ қилиш имконияти бор.

Жамият ижтимоий таркибий тузилишини ўрганишга таркибий-функционал ёндашиш ижтимоий тизимларининг нафақат ошкора функцияларини, балки оддий муносабатларда кўзга ташланвермайдиган

² РАДКЛИФФ-БРАУННИНГИНИНГ КОНЦЕПЦИЯСИ. Ташкент. Узбекистон. 1987. 21 ўз

яширин, салбий характердаги функцияларини ўрганишни, уларни бартараф этиш йўлларини, нейтраллаштириш имкониятларини излаб топиш вазифасини ҳам ичига олади. Ижтимоий ривожланишнинг таркибий функционал зиддиятлагини аниқлаш, тадқиқ қилиш масаласи ҳам ижтимоий муносабатлар социологиясида муҳим ўрин тутади. Социологик тадқиқотлар орқали бундай зиддиятларини ҳал этиб бориш жараёнида олинган ҳар қандай социал объектнинг ички тузилишига путур етказмаслик, ижобий функцияларини сақлаб қолиш жуда ҳам муҳимдир.

Замонавий жамият турлари.

1. Фаровонлик (мўл-кўллик) жамияти. Ғарб социологиясида ҳозирги капиталистик давлатларнинг қиёфаси ифодалаб, «умумийроҳат-фароғат» ва «истеъмол қилиш жамияти» деган назарияси вужудга келди. Ушбу назарияга кўра иқтисодиётнинг ўсиши ва янги технологиянинг ишлаб чиқаришга тадбиқ натижасида жамиятнинг ижтимоий иқтисодий фаровонлиги ортиб боради, мўл-кўлчилик натижасида истеъмол маҳсулотларининг кўплаб реализация қилиниши натижасида жамиятдаги ҳар бир кишининг баҳтли ва низоларсиз ҳаёт кечириши таъминланади. Ҳозирги кунда шундай давлатлар фикримизча ривожланган капиталистик давлатларда, айниқса Скандинавия давлатлари ҳаётида аста-секин намоён бўлиб бормоқда.

2. Истемол қилиш жамияти. Унчалик назарий, эмпирик ва амалий аҳамиятга эга бўлмаган тушунча. Америка социологлари томонидан XX аср 40-50 йилларида жамиятнинг ҳар бир аъзосининг ҳаёт даражасини яхшилаш мақсадида пайдо бўлаётган тасаввурларнинг кенг ёйилиши натижасида вужудга келган назария. Моддий томондан кам таъминланган кишиларнинг ижтимоий жиҳатдан талаб муаммоларини қондириш учун ушбу назария ишлаб чиқилди. Индивидуал истеъмол ижтимоий онгда инсонпарварликнинг ёрқин ифодаси сифатида намоён боълди, ўз навбатида бу иқтисодни монополизация ва давлат томонидан бошқариб туришни мустаҳкамлади. Истеъмол қилиш тамойилининг тараққий қилиши натижасида капитализмнинг нафақат эволюцион томонларини, балки кўп миқдордаги истеъмол эҳтиёжларини ошира бориб, истеъмол қилиш тамойилига модалар рекламаси ва маркетинг муносабатларини ҳам киритди. Истеъмол қилиш тамойилига оммавийлашуви жаҳон миқёсида ҳарбий-сиёсий конфронтациянинг бир мунча барқарорлашувига ҳам ёрдам берди.

3. Очиқ ва ёпиқ жамияти. Социологияга К.Поппер томонидан киритилган бўлиб, тараққиётнинг турли босқичларида турли жамиятларнинг маданий-тарихий ва сиёсий тасвирланиши ифода этилади. Очиқ жамият-демократик жамият бўлиб, ташқи муҳит шароитларида осон ўзгарувчи ва мослашувчи, танқидни ёриб ўтмоқча мослашган жамият, ёпиқ, жамият эса догматик-авторитар режим асосида бўлиб, сеҳрли (магик) тафаккур, догматизм ва колективизм тамойиллари билан характерланади. Очиқ жамият оламни рационал англаш, критицизм ва индивидуализм тамойиллари билан характерланади. К.Поппер ёпиқ жамиятларга ўзининг сиёсий ва ижтимоий келиб чиқишидан турлича бўлган давлатларни киритади, буларга Спартак, Пруссия, чор Россияси, натсистлар Германияси, Совет Иттифоқини

киритади. Очиқ жамиятга қадимги Афина ва ғарб ривожланган давлатларини киритади. Очиқ ва ёпиқ жамият концепцияси ҳозирги замон давлатларининг идеологик сиёсий ва ижтимоий-психологик нуқтаи назардан ўрганиш учун асосий омиллардан бири ҳисобланади.

4. Индустрιал (саноат) жамияти. Анъанавий жамият категориясидан ажратиб турувчи, ғарб социологиясида ривожланган жамиятнинг келиб чиқиши ва табиати тўғрисидаги икки асосий категориянинг бири. Ушбу терминни биринчи бўлиб Сен-Симон ишлатган, уни О. Конт, Т. Спенсер, Дюркгейм ва бошқалар ривожлантирганлар, қайси жамиятда саноат ишлаб чиқариш иқтисодий ташкилотни бошқарувчи шакли бўлса, бу ташкилот хусусий шахслар қўлида бўлса, бу тадбиркор хусусий бошқарувчи бўлади, у меҳнат жараёни ва ишчиларни бошқариб боради. Саноат ишлаб чиқариш корхоналарини, менеджер-администраторлар назорат қиласидар. Социологлар ушбу тамойил бир неча хилда талқин қиласидар.

а) ҳозирги давр дунёсининг тарихий ўзгариши натижасида, яъни «анъанавий» аграр жамиятдан «индустрιал» саноат жамиятга ўтилиши ва машина саноати, меҳнат интизоми, эркин савдода миллий хўжалик системасининг ва умумий бозорнинг ташкил этилиши модернизация назарияси билан чамбарчас боғлиқдир.

6} индустрлашган жамиятларнинг қанчалик кўп бўлиши уларнинг шунчалик индустрлашган тартибининг қонунунига мувофиқ баҳслашиши рақобат қилиши кучаяди.

в) «Анъанавий» жамиятдан саноат жамиятига ўтилиши натижасида — тарихан прогрессив ҳаракат бошланади, яъни анъанавий наслий ирсият хусусиятлари йўқолади, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий хаётининг демократлашуви натижасида инсон қонунлари тенглашади, қобилият жиҳатидан генетик равишдагина инсонларнинг нотенглиги вужудга келади ва ҳоказо.

5. Постиндустрιал жамият. Америкалик социолог Д. Белл томонидан ишлаб чиқишиган концепция. Постиндустрιал жамият концепциясининг назариясига кўра жамият тараққиёти учта босқичда кўрилади:

Ж) индустрιал жамиятгача бўлган давр; 2) индустрιал саноат жамият даври; 3) постиндустрιал жамияти даври. Индустрιал жамиятгача бўлган даврда асосий омил қишлоқ хўжалиги муносабатлари, черков ва армия жамиятнинг асосий социал институти ҳисобланарди, бу даврдан индустрιал-саноат жамиятига ўтилгач, саноат корпорациялар ва фирмалар жамиятнинг асосий омили бўлиб қолди, постиндустрιал жамият даврида эса университетлар асосий жойи бўлган назарий-билимлар саноат ва ишлаб чиқаришнинг бир жойга тўпланиб. қолишида асосий рол ўйнайди. Бу жамиятда Д. Беллнинг фикрича, капиталистлар хукмронлиги йўқолиб, унинг ўрнина юқори билимга эга бўлган малакали хуқуқий элита эгаллайди. Хусусийлик жамиятнинг асосий мезони сифатида ўзининг маъносини йўқотади, унинг ўрнини таълим ва билимнииг юксак даражаси эгаллайди. Индустрιал жамиятда асосий низо меҳнат капитали орасида бўлса,

постиидустриал жамиятда асосий низо билим ва чуқур билимга эга эмаслик ўртасида боради.

Мавзу юзасидан назорат саволлари

1. Жамият тушунчаси.
2. Жамият ва ижтимоийлик тушнчаси.
3. Шарқ мутафаккирларининг жамият тўғрисидаги социологик қарашлари.
4. М.Вебер социологиясида тоталитар жамият.
5. Жамият ва давлат тушунчаси.
6. Т.Парсонс назариясида жамият тушунчаси.
7. Замонавий жамият турлари.
8. Анъанавий жамият.
9. Индустрисиал ва постиндустриал жамият.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. “Баркамол авлод орзуси” Тошкент Шарқ нашриёти 1999 йил.
2. Каримов И.А. “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз” Тошкент 2000 йил Ўзбекистон нашриёти.
3. Каримов И.А. “Миллий истиқлол мафкураси” Т. Ўзбекистон нашриёти 2000 йил.
4. Каримов. И.А. «Юксак маънавият-енгилмас куч” Тошкент. 2008 й.
5. Каримов И.А. «Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Тошкент. 2009 й.
6. Абу Райхон Беруний. Қадим халқлардан қолган ёдгорликлар. Тошкент; Танланган асарлар. Фан. 1970 й. 1 том.
7. Алиқориев Н.С. ва б. Умумий социология. Т. ТошДУ. 1999 йил
8. Бекмуродов М. “Социология асослари” Т. Фан. 1994 йил
9. Бекмуродов М “Ўзбекистонда жамоатчилик фикри” Т. Фан. 1999 йил.
10. Бекмуродов М, О.Отамирзаев, Н.Алиқориев ва бошқалар “Социология” Т. 2000 йил.
11. Бегматов А “Социологияга кириш” Андижон 1995 йил.
12. Носирхўжаев С. Бекмуродов М, ва бошқалар. Социология асослари. Маъruzalalar matni. Т. 2001 йил .
13. Социология. Дарслик муаллифлар жамоаси. Т. 2002 йил.
14. Холбеков А, Идиров У. “Социология” луғат Т. Ибн Сино 1999 йил.

4-МАВЗУ: СОЦИАЛ ГУРУХЛАР ВА СОЦИАЛ ИНСТИТУТЛАР. (2 СОАТ)

Режа:

1. Социал гурух тушунчаси.
2. Социологияда социал институт тушунчаси ва унинг белгилари.
3. Дин социологияси.

Социал гурух тушунчаси. Социал (ижтимоий гурух)- индивидлар мажмуи. Ижтимоий гурух мансуб индивидлар ушбу гурухга мансуб ҳар бир аъзонинг бошқаларига нисбатан мўлжали асосида ўзаро ҳаракат қиласи.

Гурух — бу хатти-ҳаракатлари расмий ва норасмий институтлар томонидан бошқариладиган маълум нўрма ва қадриятларга эга бўлган, бошқа бирликлардан ўзининг хусусиятлари билан фарқ қиласидиган, бир-бирлари билан ижтимоий муносабатлар системаси билан боғланган кишилар йифиндицидан иборат бўлган социал бирлиқdir.

Гурухда характерли хусусиятлар қўйидагилар: гурух сони, ички ташкилот яъни институтлар, назорат шакллари; фаолият намуналари; норма ва қадриятлар; фарқ қиласидиган хусусиятлари.

Гурух сони дейилганда, мавжуд бирликни хажм жихатидан ташкил этадиган аъзолар йифиндици тушунилади, ҳозирги кунгача социологияда аъзолар сони қанча бўлиши кераклиги хақида аниқ бир тўпламга келингани йўқ. Бутүғрисида гурух турлари хақида сўз кетганда гапириб ўтилади. Гурухлар энг аввало миқдор жихатидан катта ва кичик гурухларга бўлинади. Социология ва социал психология фанида катта социал гурухлар ўзининг аниқ таърифига эга эмас. Умуман, катта социал гурух деганда, аъзолар сони кўп бўлган кишилар гурухлари тушунилади. Катта социал гурухларнинг ўзига хос хусусиятлари қўйидагилардан иборат;

- 1) Аъзолар сони кўплиги;
- 2) ягона худуднинг мавжуд эмаслиги;
- 3) аъзолар ўртасидаги алоқаларни асосан оммавий алоқа воситалари орқали ўрнатилиши;
- 4) гурух структурасининг мураккаблиги, аниқроқ қилиб айтганда, бу гурухлар кўп расмий ва норасмий, уюшган ва уюшмаган гурухларни ўз ичига олади.

Катта гурухлар 2 гурухга бўлинади.

1 Тасодифий, стихияли пайдо бўладиган ва қисқа вақт мавжуд бўладиган гурухлар. Буларга оламон, халойик (публика), аудитория ва бошқаларни киритиш мумкин.

2. Тарихий ривожланиш натижасида вужудга келган ва жамият ижтимоий муносабатлар системасида маълум ўринган эга бўлган бирликлар. Бу турдаги гурухларга социал синфлар, турли этник гурухлар (элат, халқ, миллат), касбий гурухлар, жинсий ва ёшга оид гурухлар (ёшлар, аёллар, кексалар) ва бошқа гурухларни киритиш мумкин. Расмий ва норасмий социал гурухлар, гурухларни бундай тарзда турларга бўлиш биринчи бўлиб америкалик социолог Э.Мейо томонидан таклиф қилинган эди, гурухларни расмий ва норасмий гурухларга ажратишасосида гурух муносабатларининг структураси ётади.

Расмий гурухлар-бу хукуқий статусга эга бўлган социал институт, ташкилот қисми хисобланадиган мавжуд инситут, ташкилотдаги меҳнат доирасида аниқ,

мақсадга эга бўлган социал гурухлардир.

Расмий гурухларга қуидаги белгилар хос: аниқ ва изчил мақсад, маълум қоидаларга мувофиқ келадиган хуқуқ ва бурчлар, аъзолар ўртасидаги расмий муносабатлар, гурух фаолиятини назорат қиласидаги расмий институтнинг мавжуд бўлиши ва бошқалар.

Расмий гурухларда гурух мақсадлари, функциялари хатти – харакат қоидалари, хатто аъзолик шартлари маҳсус хужжатларда (дастур, инструкция, қонун ва бошқалар) қайд этилган бўлади.

Расмий гурухларга сиёсий партиялар, давлат, диний ва бошқа ташкилотлар, ишлаб чиқариш колективи, мактаб синфи, спорт командаси ва бошқаларни киритиш мумкин.

Норасмий гурух деб, гурух жипслигининг юқори даражаси, аъзолар алоқаларининг шахсий сифатлари, бошқа социал структуралардан мустақиллиги, гурух фаолиятининг аниқ бўлмаган мақсади, норасмий назорат системаси билан ҳарактерланадиган гурухга айтилади.

Бирламчи ва иккиламчи гурухлар. Шахснинг яқинлигига кўра кичик гурухлар бирламчи ва иккиламчи гурухларга бўлинади. Фанга бирламчи гурух терминини биринчи бўлиб американлик социолог Ч. Кули томонидан XX аср бошларида киритилган.

Бирламчи гурух термини яқинлик яхши кўришлиқ, бевосита алоқа тушунчаларига синоним сифатида ишлатилади. Шунга боғлиқ равища, бирламчи гурухларда муҳит самимий бўлади ва аъзоларининг сидқидилдан ўзаро муносабатлари билан белгиланади. Мана шу хусусияти билан бирламчи гурух бошқа гурухлардан фарқ қиласи.

Бирламчи гурухларнинг ҳарактерли белгилари қуидагилардан иборат: аъзолар сонининг камлиги, гурух аъзоларининг яқинлиги, бевосита самимий муносабатлар, яшашнинг узок давом этиши, мақсадларнинг умумийлиги, гурухга аъзо бўлишнинг эркинлиги ва аъзолар хатти-ҳаракати устидан норасмий назорат.

Иккиламчи гурухлар деб, бирор бир аниқ мақсадга эришиш учун тузилган ҳар қандай турдаги гурухларга айтилади. Уларда моддий алоқалар муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг фаолияти тартиб-интизом қоидалари билан бошқарилади. Умуман иккиламчи гурухлар-бу катта гурухлардир. Баъзан бирламчи гурухлар бўлиши мумкин. Иккиламчи гурухларга касбий, диний, сиёсий гурухларни киритиш мумкин.

Референт ва аъзолик гурухлар. Кичик гурухларнинг ўрганишнинг жихатларидан бири бўлиб, “Референт гурух” деб атладиган гурухларни таҳлил хисобланади. “Референт гурух” термини американлик социал-психолог Мустафо Шериф томонидан киритилган. “Референт гурух” термини (инглизча сўз, “мансуб бўлиш” деган маънони англатади) индивид онгли равища; кирадиган социал гурухларга (иктисодий, сиёсий, маданий, касбий) нисбатан ишлатилади.

Квазигурухлар- бу тасодифий, стихияли пайдо бўладиган ва қисқа вақт мавжуд бўладиган гурухлар. Буларга оламон, халойик (публика), аудитория ва бошқаларни киритиш мумкин. Оломон ҳам ўз навбатида қуидаги турларга бўлинади: фавқулодда олмон, шартли олмон, экспрессив олмон.

Социал институтлар.

Социологияда жамият ҳаётини ўрганишда ижтимоий ташкилотлар, институтлар каби тушунчалардан ҳам фойдаланилади.

Социал институт /лотинча – institutum, русча лугавий маъноси - установления/

ўзбекча маъноларда, биринчидан низом, қоидалар ёки уларнинг тўпламини, иккинчидан, маҳкама, муассасаларни билдиради. Социал институт тушунчаси социологияга хуқуқшунослик фанидан кириб келган. Юриспруденцияда социал институтлар дейилгандаги, ижтимоий-хуқуқий муносабатларни идора қиладиган хуқуқий нормалар /меросхўрлик, мулкка эгалик, оила ва никоҳ институтлари/ тушунилади.

Социал институтларни конкрет ташкилот ва гурухлардан фарқлаш лозим. Ўзаки кўринишда, социал институт муайян вазифани бажарувчи одамлар, муассасалар, идоралар мажмуи сифатида гавдаланади. Мазмунига кўра эса, социал институт шахсларнинг конкрет вазиятларда амал қиладиган мақсадга мувофиқ, расмий ва норасмий, барқарор, стандартлашган тамойил, нормалар, ўрнашмаларини билдиради.

Социал институт, қисқача таърифда, одамлар социал ташкиллашган ва регуляция қилинадиган фаолиятларини англатади. Социал структурага кирувчи ҳар бир социал институт муайян ижтимоий аҳамиятдаги вазифаларни адо этиш учун ташкил топади, ҳар бир социал институт фаолият мақсади, унга эришишни таъминловчи конкрет функциялар, ушбу институтга хос бўлган социал позиция ва роллар, шунингдек, мақсадга мувофиқ, керакли ҳатти-ҳаракатларни рағбатлантирувчи девиант /оғма/ ҳатти-ҳаракатларга қарши қаратилган тазийиқлар /санкциялар/ тизими тавсифланади.

Жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий, хукукий ва ҳалқаро соҳаларига хос бўлган социал институтларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Сиёсий институтлар муайян ҳокимият мавжудлигини, иқтисодий институтлар эса моддий неъматларнинг ишлаб чиқарилишининг тақсимланишини таъминлайди. Жамиятнинг муҳим институтларидан бири – оила ҳисобланади. Унинг фаолияти /ота-оналар, ота-оналар ва болалар ўртасидаги тарбия усуслари/ хукукий ва ижтимоий нормалар билан белгиланади. Бундан ташқари жамиятда бир қатор ижтимоий-маданий институтлар /маориф, соғлиқни саклаш тизимлари, маданий-тарбиявий муассасалар, фан, дин институтлари/ амал қиласи.

Социал институтлар социал муҳит билан ўзаро таъсирида бўлади. Бу ўзаро таъсири нормал тарзда, шунингдек, норманинг бузилиши шароитида ҳам бўлиши мумкин. Ҳар қандай реал жамиятда норматив тартиботга бўйсунмайдиган аномик ҳодисалар бўлиш табиийдир.

Амал қилиш доираси ва вазифаларига қараб социал институтларнинг қўйидаги кўринишларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

Реляцион институтлар. Бу институтлар жинс ва ёшдан тортиб то касб-машғулот тури ва қобилияти мезонларига асосан жамиятнинг ролга оид таркибини аниқлаб беради;

Интегратив /уйғунлаштирувчи/ социал институтлар. Бу институтлар бир бутун тузумга жамият манфаатларини қондиришга масъул бўлган социал ролларни ифодалайди;

Анъанавий социал институтлар. Бу институтлар одат, маросимлар ва қариндош-уругчилик томонидан қатъий белгиланган нормалар билан боғлиқдир.

Маданий социал институтлар. Дин, санъат, адабиёт билан боғлиқ;

Социал институтларнинг бажарадиган асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

- а/ жамият аъзоларини такрор ишлаб чиқариш, қайтадан тиклаш;
- б/ социализация /индивидуидга ижтимоий аҳамиятли бўладиган қадрият ва

нормаларни етказишининг турли хил шакллар/;

в/ тартибга риоя қилиш ва ахлоқни сақлаб туриш;

Жамият тараққиётнинг ҳар бир босқичи унга мос бўлган муайян социал институтлар амал қилишини тақазо этади. Ҳозирги замон цивилизацияси томон қадам ташлаётган мустақил мамлакатимизда янги мақомга монанд бўлган социал институтлар шаклланиши жараёни рўй бермоқда. Булар иқтисодий соҳада – бозор иқтисодиёти амал қилишига хизмат қиладиган социал институтлар, сиёсий соҳада – демократик ҳокимият турли бўғинлари фаолиятини таъминловчи социал институтлар, жамият барча жабҳаларига янги жамият тарзига ҳозирловчи турли хил социал институтлардир. Президент И.А.Каримов изчил тадбиқ қилаётган концепцияга мувофиқ, янги социал институтлар анъанавий социал институтларга мутлақо қарама-қарши қўйилмасдан, балки жамиятимизнинг ўтмиши, ҳозирги ва келажаги ворислигини таъминлашга хизмат қиладиган, жамиятдан бегоналашмаган, мамлакатимиз минтақасига мос келадиган социал институтлар фаолиятига йўл очиб берилмоқда.

Социал институтлари сингари социал тизим амал қилишини таъминлайдиган ижтимоий структуранинг асосий «хужайра» ларидан бири социал ташкилотлардир. Социал институтлардан фарқли равишда, социал ташкилотлар одамларнинг иш жараёнида муайян вазифаларни бажаришдаги ихтиёрий ёки мажбурий уюшмаси тушунилади.

Социал ташкилотнинг бошқа социал гурухлашувлардан фарқи уни ташкил этувчи индивидлар қатъий равишда муайян социал роль ва позицияларни ижро этишлари дадир. Социал ташкилотлар индивидларнинг эҳтиёж ва манфаатларининг маълум бир қатъий меъёрда қондирилишига хизмат қиласи.

Социологияда маҳсус йўналиш социал ташкилотлар икки бўлади: расмий ва норасмий ташкилотлар ажратилади. Расмий ташкилот маҳсус маъмурий аппаратга эга бўлади. Бу маъмурий аппаратнинг асосий вазифаси – ташкилот мавжудлигини таъминлаш. Бундай индивид биринчи навбатда шахс эмас, балки маҳсус социал ролни ижро этувчи ташкилотнинг бўлагидир. Ташкилот нечоғлик катта ва мураккаб бўлса, маъмурий аппарат ҳам шу даражада мурккаб вазифаларни бажаради. Ташкилотнинг бюрократлашув даражаси маъмурий муаммоларни ҳал қилиш учун сарфланадиган кучлар билан ташкилот мақсадига эришиш учун сарфланадиган кучлар миқдорларининг нисбатига боғлиқдир. Айрим ҳолларда маъмурий мақсадлар ташкилотнинг асл мақсадларини мутлақо четлаштиришлари ҳам мумкин. Бундай ҳол ташкилотда жамиятга эмас, балки ўз-ўзига хизмат қлишга «бепарволик»ка олиб келади.

Социал ташкилотларда қатъий бюрократик тамойилларга асосланган ташкилий иерархик /ташкилот аъзоларининг бир-бирига нисбатан босқичма-босқич расман тобеликда/ муносабатлардан ташқари норасмий муносабатлар ҳам мавжуддир. Бу муносабатлар қатъий маъмурий қоидалар тизими шароитида ташкилот самарадорлигини оширади ва қуйидаги ижобий вазифаларни бажаради: иш вазифасига кўра бўйсинувчи индивидлар ва мансабдор шахслар ўртасида вужудга келиши мумкин бўлган зиддиятларни юмшатади, ташкилот аъзоларининг бирдамлигини мустаҳкамлайди, шахсий қадр-қиммат ҳиссини сақлаб қолади.

Социологияда ташкилотларни таҳлил қилишда уч асосий ёндошоувни ажратиб кўрсатиш мумкин: рационал, табиий в нерационал ёндашувлар.

Рационал ёндашув нұқтаи назаридан ташкилот «ассоб» аниқ қўйилган мақсадларга эришиш воситаси деб қаралади. Ташкилот бу ҳолда бир-бирларини

алмаштиришлари мумкин бўлган, лекин бу билан ташкилотнинг бутунлигига, яхлитлигига дахл этмайдиган алоҳида мустақил бўлаклар йифиндиши, мажмуи деб қаралади. Рационал ёндашув кўп ҳолларда ташкилотда мавжуд бўлган норасмий муносабатларни инобатга олмайди.

Рационал ёндашув фарқли ўлароқ, табиий ёндашув тарафдорлари ташкилотни «табиий бутунлик», ўзига хос организм сифатида ўрганадилар. Бу организм учун табиий ўсиш, ўз мавжудлигини давом эттириш ва тизим мувозанатини сақлаб қолишга интилиш хосдир. Бу нуқтаи-назарга кўра, ташкилот қўйилган мақсадларига эришгандан кейин ҳам ўз мавжудлигини давом эттириши мумкин. Асосий вазифа ташкилотдаги мувозанатни таъминлашдир. Ташкилотга табиий ёндашувда норасмий муносабатларга кўпроқ эътибор берилади.

Ҳар икки ёндашувнинг ижобий томонларини қўшишга интилиш натижасида янги ёндашув – ташкилотнинг нерационал модели вужудга келди. Фарб социологиясида Блау, Гоулднер ва бошқалар рационал ва табиий ёндашувни қўшишни, ташкилодаги рационаллик ва норасмий муносабатларни уйғунлаштиришни ёқлаб чиқишиди.

Инглиз социологлардан бири А.Р.Радклифф-Браун жамиятни фаолиятдаги тирик организм сифатида қараб, унинг таркибий тадқиқи ижтимоий бирликлар функцияси тадқиқидан ажралмас, деб ҳисоблайди. У жамиятнинг қуидаги асосий таркибий тузилишини бошланғич асос сифатида олиб қарайди:

1.Жамият мавжуд бўлиши ва яшashi учун унинг аъзолари ўртасида минимал бирдамлик бўлиши зарур; ижтимоий ходисаларнинг функцияси ижтимоий гуруҳлар ўртасида бирдамликни, ҳамжиҳатликни яратиш, тутиб туриш ва шунга хизмат қлишдан иборат.

2.Шундан келиб чиқиб, ижтимоий тизимларнинг қисмлари, элементлари ўртасида ўзаро муносабатларнинг минимал даражагача бирлиги ва мувофиқлиги сақланиши зарур.

3.Жамиятнинг ҳар қандай типи инсон фаолиятининг турли кўринишлари ва таркибий жиҳатларини намоён қиласи, ҳамда уларнинг мувофиқлигини сақлаб туради.³

Радклифф-Брауннинг юқорида кўрсатилган концепциясини ҳар қандай кўринишдаги ижтимоий таркиб ва ижтимоий воқеликдаги тартибли тизимга тадбиқ қилиш имконияти бор.

Жамият ижтимоий таркибий тузилишини ўрганишга таркибий-функционал ёндашиш ижтимоий тизимларининг нафақат ошкора функцияларини, балки оддий муносабатларда кўзга ташланвермайдиган яширин, салбий характердаги функцияларини ўрганишни, уларни бартараф этиш йўлларини, нейтраллаштириш имкониятларини излаб топиш вазифасини ҳам ичита олади. Ижтимоий ривожланишнинг таркибий функционал зиддиятлагини аниқлаш, тадқиқ қилиш масаласи ҳам ижтимоий муносабатлар социологиясида муҳим ўрин тутади. Социологик тадқиқотлар орқали бундай зиддиятларини ҳал этиб бориш жараёнида олинган ҳар қандай социал объектнинг ички тузилишига путур етказмаслик, ижобий функцияларини сақлаб қолиш жуда ҳам муҳимдир.

Ҳар бир ижтимоий гуруҳ, айрим олинган шахс, ҳам жамият ижтимоий таркибида ўз ўрнига эга бўлади. Шахс ўзининг жинси, ёши, ижтимоий келиб чиқиши, маълумоти, мутахассислиги, оилавий аҳволи, миллати ва бошқа шу

³ ҲАММАТЛАГИДА-ҲАММАТЛАГИДАНИНГ ҲАММАТЛАГИДА. ҲАММАТЛАГИДА. 1987. 21 ҲАММАТЛАГИДА

кабилар билан муайян ижтимоий таркибига киради.

Жамиятнинг ижтимоий таркиби – ижтимоий гурухлар, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўз мавқеи билан фарқ қилувчи томонлари мажмуасидан иборатдир. Жуда қадим замонларда жамият турли гурухлардан иборат бўлган. Масалан, қадимги Ҳиндистонда жамият юқори табака – брахманлар, ўрта табака – кшатрийлар/жанги тоифаси/ ва шудралар /қора халқ/дан иборат гурухларга ажратилган. Қадимги юонон файласуфи Афлотун эрамиздан аввалги IV асрда жамият аъзоларини З гурухга ажратиб кўрсатган: файласуфлар /юқори табака бўлиб, давлатни бошқарувчилар сифатида/, ҳарбий жангчилар ва қуи табака – қуллар.

Дин социологияси

Социологиянинг асосчиси О.Конт таснифида инсоният ўз ривожида уч босқични босиб ўтади: теологик, метафизик ва илмий босқичлардир. Конт фикрига, ҳар учала босқичда ҳам дин муайян роль ўйнайди.

Диннинг ўзига хос белгилари:

1. Муайян эътиқод ва таълимотнинг мавжудлиги. Ҳар бир дин дунёни ўз нуқтаи назарига изохлайди ва ишонувчиларда муайян эътиқод шакллантиради.
2. Маросим ва расм-руслар. Ҳар бир дин ўзига хос маросим ва расм-русларга эга.
3. Диний маросим ва расм-русларнинг муайян қисми факат белгиланган жойларда жамоа бўлиб бажарилиши.

Дин социологияси XIX аср охири ва XX аср бошларида шаклланди. Дин социологиясининг шаклланиши М.Вебер номи ва илмий фаолияти билан боғлик. Макс Вебер дин ва жамият муносабатларини тахлил қиласиз экан умуман дин тўғрисида эмас, муайян даврдаги муайян дин ёки диний оқим тўғрисида фикр юритилади.

Макс Вебернинг фанидаги энг катта хизматларидан бири, унинг христиан динидаги протестантлик мазхабининг иқтисодий тараққиётга ўтказган таъсирини кашф этишидир. Унинг назариясига кўра, бойликни, бойлик орттиришга интилишни унга хушламайдиган христиан дини мазхаблари иқтисодий тараққиётга муайян даражада тўсиқлик қилганлар. Бойликни худонинг неъмати, унга интилишни эга бандаларнинг бурчи деб талқин қиласидиган протестантлик эса иқтисодий тараққиёт ва капиталистик муносабатнинг ривожланишига кучли туртки берди. Вебер талқинида, протестантлик капитализм вужудга келишидаги асосий сабаблардан бири эди.

М. Вебер динларни тахлил қилиш натижасида улар саноат капитализми ривожланишига гов бўлмоқда деган холосага келди. Молиявий муносабатларга чекловлар қўйиш, ижтимоий хаётга пассив муносабатни тарғиб қилиш орқали бу динлар, Вебер фикрича, ижтимоий тараққиётга тўскинлик қиласиз. Унинг талқинида христиан дини, айниқса протестантлик пассив кузатиб ўтирай, уни бартараф қилиш учун фаол курашга чақириш орқали ижтимоий тараққиётга катта туртки беррида.

Марказий Осиёда ақидапарстларнинг кескин хуружларидан бири XX аср бошларида юз берди. Хижоздан кириб келган ақидапараст оқимлар Марказий осиёда ижтимоий тангликни келтириб чиқардилар. Бидъатга қарши кураш ниқобида улар ижтимоий хаётда юз берган барча янгиликларни йўқ қилиш учун кураш бошладилар.

Ақидапарастларнинг ижтимоий тараққиётни ортга қайтариш учун қилган харакатларига қарши тараққиётпарвар маърифатчилар харакати вужудга келди.

Тарихда жадидчилик номини олган бу харакат намояндалари халқни илм-маърифатли қилиш диний эътиқодда мутаассиблиқдан мўътадиллик томон юз тутиш ғоялари билан чиқдилар.

ХХ аср ўрталарида социологияда “фуқаролик динлари” тушунчаси пайдо бўлди. Бу тушунча илохий кучлар ва ходисаларга эмас, ижтимоий турмушдаги нарса-ходисаларга сигинишни англатади.

Дин социологияси ижтимоий фикрда дин атамаси билан боғлиқ бўлган барча ижтимоий жараёнлар ва ижтимоий хулқни ўрганади.

ГУРУҲИЙ БИРДАМЛИК - шахслараро алоқаларнинг гуруҳ ҳаётий фаолиятининг ворисийлигини ва барқарорлигини таъминлашга хизмат қилувчи мустаҳкамлиги.

ГУРУҲИЙ МУТАНОСИБЛИК - гуруҳ ҳамжихатлиганинг ижтимоий-рухий кўрсатгичи бўлиб, унда гуруҳ аъзоларининг ўзаро низоларсиз муомала қилиши ва мувофиқлик имкониятлари акс этади.

ГУРУҲ МЕЪЁРЛАРИ - хар бир гуруҳ жорий этган амалдаги тартиб-қоида ва талаблар мажмуи бўлиб, у гуруҳ аъзолари хатги-харакатларини ташкил этишда, уларнинг ўзаро муносабатлари, харакатлари ва муомаласида муҳим ахамият касб этади.

ГУРУҲ ТУЗИЛМАСИ - ўзаро фаолият қатнашчиларининг мустаҳкам равишида қайтадан вужудга келишининг тартибланган тизими.

ДИАДА - икки кишидан иборат гуруҳ.

ЗАРДУШТИЙЛИК- хоразмда эрамиздан аввалги VII асрда пайдо бўлган якка худоликка асосланган дин.

КАТТА ГУРУҲ - катта миқдордаги аъзоларга эга бўлган, турли алоқалар хилларига эга бўлган ижтимоий гуруҳ.

СОЦИАЛ ИНСТИТУТ - (институт - лат. institutum -курилма) - ғарб социологиясида, айниқса структуравий функционализмда кўп ишлатиладиган тушунча. Социал институт инсон фаолиятини бошқарувчи ва социал тизим ясовчи роллар ва статуслар тизимини яратувчи турли расмий ва норасмий қоидалар, томойиллар, меъёрлар, қурилмаларнинг, қатъии мажмуини англатади. Социал институт социал гуруҳ социал ташкилотлардан фарқ қиласди.

СОЦИАЛИЗАЦИЯ (ИЖТИМОИЙЛАШУВ) - индивид томонидан мавжуд ижтимоий меъёрлар, қадриятлар ва билимлар тизимини ўзлаштириш жараёни.

Мавзу юзасидан назорат саволлари.

- 1. Социологияда социал гуруҳ тушунчаси.**
- 2. Социологияда социал институт тушунчаси.**
- 3. Социал институт тушунчаси.**
- 4. Дин социомаданий институт сифатида.**

5-Мавзу: Шахс социологияси ва девиант хулқ-атвор. (2 соат)

Режа:

1. Шахс социологияси.
2. Девиант-хулқ атвор социологияси.
3. Социал назорат.

Шахс социологияси.

Шахснинг жамиятдаги ўрни ва моҳияти социология фанининг муҳим ва бахсталаб соҳаларидан бири бўлиб келди. Инсон моҳиятини дастлаб ўрганган олимлар Хитойдаги Конфуций ва унинг издошлари эди. Милоддан аввалги 298-238 йилларда яшаган олим Сенъ-Цзи шундай деб ёзган эди: “Туғма хусусиятлар-бу самовий муносабатлар хосили бўлиб уларга таълим ёки уларни одамнинг ўзи яратиши воситасида эришиб бўлмайди. Инсон ёвуз табиатга эга. Инсондаги эзгулик манфаатлар учун ортирилган фазилатdir. Ҳозирги инсон туғилишидан бошлаб фойда олишга интилади. Бу шунга олиб келадики, кишилар ўзаро рақобатлашадилар ва бир-бирларига ён бермайдилар. Шунинг учун ҳам тарбия йўли билан инсон табиатини ўзгартириш, яратилган қоидалар асосида таълим бериб, уларни адолатлиликка ва масъулиятлиликка ўргатиш лозим⁴”

Инсоннинг муҳим хусусиятларидан бири унинг ижтимоий мавжудод эканлигидир. Инсон ўзининг эҳтиёжларини қондириш мақсадларида ўзи каби инсонлар билан бирлашишга интилади. Инсоннинг ижтимоийлашуви сунъий характер касб этиб, у шахс сифатида бошқа инсонлар ўртасидагина шакллана олади. Агар у инсоний муносабатлардан холи бўлса, ундаги ёвузлик ёки ҳайвоний табиатидан халос бўла олмайди.

Индивид инсон зотининг алоҳида олинган нусхаси, унинг вакилларидан биридир. Шахс эса у ёки бу инсон сифатида намоён бўлиб, у маълум ва бетакрор индивидуалликка эга бўлади. Индивиднинг жамиятга кириш жараёнлари унинг ижтимоийлашувини таъминлайди. Ижтимоий муносабатларга киришиши натижасида унинг жамиятдаги қадриятлар ва меъёрларни ўзлаштириб бориши учун замин яратади. Замонавий жамиятнинг пайдо бўлиши билан инсоннинг ижтимоий ва сиёсий муносабатларидаги ўрни юксалиб борди. Бу жамиятларда ўзаро муносабатларнинг бир-бирига таъсир этиш даражаси ва меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви-унинг даражаси секинлик билан юксак таълим тажрибага, шунингдек юқорий касбий малакага асосланиши, ижтимоий муносабатларнинг қонунлар, меъёрлар, шартномалар асосида мувофиқлаштириш расмий тизимининг шаклланиши, ижтимоий бошқарув такомиллашган тизимнинг яратилиши, диний давлат ва бошқарувдан ажратилиш, ижтимоий институтларнинг кўпайиши ва ривожланиши каби омиллар натижасида инсонлараро муносабатлар юксалиб, сиёсий институтларни назорат этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини химоя этиш, жамиятда тенглик ўрнатиш имконияти пайдо бўлди.

XIX аср охири ва XX аср бошларига келиб, иктисадий хаёт социологиянинг тадқикот объектига айланди. Худди шу даврда ишлаб чиқаришда инсон

⁴ Антология мировой философии. В4-х. т. Москва, 1969. Т. 1. Ч.1. с.230-230.

омилининг етакчилик роли англаб етилди ва бу борадаги тафаккур шаклланиб борди.

Хозирги даврда иктиносидий хаётни маълум бир концепцияларсиз, мафкуравий максадларга асосланмасдан тасаввур килиб булмайди. Шунга кура Президент Ислом Каримовнинг бозор иктиносидиётига утиш даври тамоилларидан бири булган «иктиносидиётнинг сиёсатдан устунлиги» тамоилии иктиносидий хаётнинг маъмурий буйруқбозлик мафкурасидан холи булишини, иктиносидиётни эркинлаштиришни кузда тутади.

Шахс ўзинг социал шарт-шароитига боғлиқ бўлган ва индивидуал суратда ифодаланган суратларига: Интелектуал, эмационал ва иродавий сифатларга эга бўлган одам. Шахсни илмий тушиниш инсон мөхиятини ижтимоий муносабатлар мажмуи деб таърифлашга асосланади. Психологияда ўзига хос индивидуал характерга интелект, эмационал хусусиятларига эга бўлган хар бир киши шахснинг психалогик хусусиятларига одамнинг характеристи, темпераменти, кисмларнинг утиш хоссалари киради.

Психик холатлар (кечинмалар, хатти-харакат мативлари ва бошқалар) узликсиз узгарганда шахснинг психалогик тузилиши ёки киёфаси маълум даражада доимий бўлиб қолади, бу эса турмуш шароитининг нисбий доимийлиги билан индивид нерв системасининг тепалогик хусусиятлари билан боғлиқдир. Шахс психалогик тузилишининг ўзгаришлари, инсон турмушкида содир бўладиган ўзгаришларнинг, ижтимоий тарбия процессининг натижасидир. Шахс инсоннинг ички хислатлари ва хусусиятларининг алоқадор мажмуи бўлиб, барча ташки таъсиrlар мазкур хусусиятлар орқали сингиб ўтади. Шахснинг фаоллик манбаи-инсоннинг хилма-хил шахсий ва ижтимоий эҳтиёжлаирдан иборат. Шахсдаги субъективлик (кечинмалар, онг эҳтиёjlари) инсон билан теварак атрофдаги вокелик ўртасида вужудга келадиган объектив муносабатлардан ажралмасдир. Шахснинг ривожланиш даражаси мазкур муносабатлар тарихан нечоғлик прогрессив эканлигига боғлиқ.

Жамият қоидалари хаётий фаолиятининг тарихий ривожланиш шакли бўлиб, ўз тузилиши жихатидан мураккаб тузилиш ташкил қиласи. Бизнинг хазирда яшаб турган фаолиятимизни социал тизимининг муайян конкрет шакли сифатида, унинг функционал ва ривожланиш қонуниятлари, ҳар бир бўлакчаларининг ўзига хос тамонларини, ўзаро муносабатларини илмий жихатдан ўрганиб тўғри бошқариш мухим аҳамиятга эгадир.

Бунинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимиз Республиkanинг ўзига хос турмуш тарзини, шарт-шароитлари ва хусусиятларини халқ анъаналари ва урфодатлари хар тамонлама хисобга олишга асосланганлиги соционал тадқиқотларда ўз аксини топмоғи зарур.

Ижтимоий тизим-мураккаб ички тузилишга эга бўлиб, тартибли бир бутун ўзига хос ижтимоий алоқаладорлик ва турли ижтимоий муносабатлар бирлигини ташкил қиласи. Ҳар қандай ижтимоий тизим ўзининг таркибий тузилишига эга. Жамиятнинг айрим таркибий тизимлари, масалан, иктиносидий, сиёсий, хуқукий, маънавий, ижтимоий турмуш фан ва бошқа шу каби соҳалардан то алоҳида олинган инсонгача бўлган ижтимоий тизимлар шулар жумласидандир.

Ижтимоий тизимларнинг ривожланиши табиий-тарихий жараён тарзида боради. Ҳар бир ижтимоий тизим бошқасининг юқори даражасидаги тизими таркибиға олади. Жамият хаётида бирон бир ижтимоий тизим алоҳида равишда, бошқалардан, ижтимоий мухитдан ажраган ҳолда яшай олмайди.

Сиёсий тизим жамиятни бошқариш билан боғлиқ бўлган тизим хисобланади. Бу тизим таркибига барча сиёсий ташкилотлар, давлат хуқуқий органлар (Суд, прокуратура, милиция, қамоқхона ва бошқалар), сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва улар билан боғлиқ бўлган сиёсий муносабатлар киради.

Мустақил Ўзбекистоннинг сиёсий тизимини социологик жихатдан ўрганиш сиёсий соҳада қилиниши керак бўлган куйидаги асосий вазифаларни ўз ичига олади: «Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд хокимияти ваколатларини ажратиш асосида миллий давлатчиликни барпо этиш, жамиятнинг сиёсий тизимини, давлат идораларининг тузилмасини тубдан яхшилаш, республика хокимияти билан маҳаллий хокимиятнинг ваколатлари ва вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш, адолатли ва инсонпарвар қонунчиликни вужудга келтириш лозим» бўлган вазифалардир.

(И.А.Каримов Ўзбекистон: Миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., 1993 й. 43-бет)

Девиант хулқ атвор ва унинг турлари

Девиация (лотинча четга оғувчи феъл-атвор деган маънони беради) кўпгина ҳолларда социал санкцияларга муҳтоҷ бўлади. Девиациянинг шундай кўринишлари борки, улар одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар нормаларининг бузилиши билан боғлиқ бўлиб, жамиятга жиддий зарар етказмайди. Улар ижтимоий фикр ва ўзаро муносабатлар қатнашчиларининг ўzlари томонидан бошқарилади.

Девиациянинг позитив ва негатив кўринишлари мавжуд. Позитив девиация ҳоллари нормалар эскириб, талабга жавоб бермай қолганда ва улардан оғиши тизимнинг ривожига, феъл-атворнинг мавжуд консерватив стандартларини ўзгартиришга ёрдам бериши мумкин бўлганда учрайди. Негатив девиация социал патологиядир ва унинг кўринишлари конкрет шахсга ва бутун жамиятга жиддий зарар етказади.

Буугунги кунда, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида административ бошқарув тизими томонидан юзага келтирилган ва кутилган натижаларни бермаётган илгариги феъл-атвор нормаларининг девальвациясига олиб келувчи сифатга хос ўзгаришлар рўй бераётган даврда девиация муаммоси долзарб масала бўлиб қолмоқда. Бозор муносабатларига ўтиш, эски иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий муносабатларининг бузилиши, одамларининг моддий аҳволида негатив акс этаётган ишлаб чиқаришнинг стабиль бўлмаган ривожланиши билан боғлиқ муаммолар, кутилган натижа ва реаллик ўртасида қарама-қаршиликларга, жамиятда жиддийликнинг ва одамларнинг ўз феъл-атвори ўзгартиришга ва мавжуд нормалар чегарсидан чиқишига мойиллигига олиб келди.

Девиациянинг қуйидаги классификацияси мавжуд: жиноятчилик, алкоголизм, гиёхвандлик, суицид, фохишабозлик.

Жиноятчилик франко-белгиялик олим математик статистик Л.А.Кетле ўзининг «социал-физика» (1835 йил) китобида шундай хulosага келадики, ҳар қандай социал тузум ўзининг ташкил топишига кўра келиб чиқувчи жиноятларнинг маълум бир миқдори ва тартибини белгилайди. Бу соҳада олиб борилган тадқиқотлар жиноятни бир қатор объектив ва субъектив факторлардан келиб чиқишидан кўрсатди: социал ўрин (мавқе), фаолият тури, маълумот даражаси, қониктирумайдиган моддий аҳвол, индивид ва социал гурӯх ўртасида муносабатларни пасайиши, маданий чегараларнинг йўклиги, социал назоратни талабга жавоб бермаслиги.

Жаҳон амалиёти кўрсатганидек, бозор муносабатларига ўтишда, айниқса, биринчи даврларда жиноятни кучайиши кузатилади. Жиноятчиликни аҳволига носоғлом конкуренция, ишга жойлашишга қийинчиликлари, инфиляция катта таъсир кўрстаади. Жиноят бу инсониятни барча нуқсонларини акс эттиришидир. Ҳеч қайси жамият уни йўқ қилишга эришгани йўқ. Шундай бўлсада, жамиятни мажбурий бўлган вазифаси ўсиш темпларини пасайишига эришиш ва жиноятчиликни социал чидамкорлик даражасида назорат устида ушлаб туришидир.

Алкоголизм (ичкилиkbозлик), байрам, тантанали маросимлар, оилавий тантаналарни ўтказишида, шунингдек, шахсий муаммоларни ҳал этиш йўлида спиртли ичимликлар ичиш мажбурий бўлиб қолганлиги анъанаси инсонлар ҳаётида алкоголни қаттиқ ўрнашиб қолганлигига асос бўлади. Лекин бу социал-маданий анъана жамиятга қимматга тушмоқда. Статистикага кўра, собиқ иттифоқ даврида майда безориликни 90%, тажавузкорликни 90%, бошқа жиноятларни қарийиб 40% ичкилиkbозлик билан боғлиқ бўлган.

Тарих гувоҳлик берадики, жамият алкогизмга қарши 2 йўл билан курашган:

1) Спиртли ичимликларни чегаралаш, уларни ишлаб чиқаришни ва сотишни қисқартириш, нархини ошириш, таъқиқ ва чегараларни бузганлиги учун жазони кучайтириш йўлидир.

2) Бу алкоголга эҳтиёжни камайтиришга қаратилган чора тадбирларни кучайтириш, ҳаётни социал ва иқтисодий шароитларини яхшилаш, умумий маданий ва маънавиятни ўсиши, алоҳида алкогиз феъл-атвор стереотипларини шакллантириш йўлидир. Иккинчи йўл мақсадга мувофиқдир, лекин бу алкогизмга қарши курашни административ йўлини рад этмайди. Бу 2 йўлни бирга онгли равишда мувофиқлаштириш лозим.

Гиёхвандлик (наркомания). Шахсга ва жамиятга бугун бузғунчи таъсир кўрсатувчи, оғир социал оқибатларига кўра гиёхвандлик асосий ўрин тутади. Социологик тадқиқотлар кўрсатишича, одамлар роҳат олиш, ўткир хиссиётларга киришиш учун гиёхванд моддаларга берилиб қоладилар. Гиёхвандлар асосан ёшлар ичидаги кўп учрайди. Тадқиқотлар яна шуни кўрсатадики, кўпчилик бошқа одамлар таъсири остида, асосан дўстлари, танишлари орқали гиёхванд моддаларга берилиб қолмоқдалар. Хавфли томни шундаки, наркотиклар қабул қилишни бошланиш этапларида одам ҳеч қандай ёмон таъсир, оғир сезмайди, аксинча гиёхванд моддани қабул қилганда кайфият кўтарилади. Жисм шундай роҳат оладики, буни кўпчилик соғлиқга яхши ёрдам беради, тинчлантиради деб ўйлайди. Жисмоний ва психик деградация босқичида эса, улар боши берк кўчага кириб қолганлигини англаб етадилар. Лекин бу одатдан вос кечишга кучлари етмайди, унга бўйсуниб қоладилар. Гиёхвандлик билан курашида социал, иқтисодий, маданий характердаги чора-тадбирлар ва шунингдек маҳсус медицинага оид, хуқуқий чора-тадбирлардан фойдаланилади.

Суицид (ўз-ўзини ўлдириш). Суицид бу одамнинг ўзини-ўзи ўлдиришга ҳаракат қилишдир. Кўп ҳолларда суицид четга оғувчи феъл-атвор сифатида ечилиши мумкин бўмаган муаммолардан, умуман ҳаётдан қутулиш усули бўлиб келади. Бундай ҳоллар кузатилиб, ўрганилиб, шундай хуросага келиндики, улар маълум даражада жинс, ёш маълумот, социал ва оиласадаги тутган ўрнига боғлиқ ҳолда келиб чиқади. Суицилар, асосан ривожланган давлатларда кўп учрайди ва бугунги кунда уларни кўпайиши кузатилмоқда. Эркаклар орасида содир этилаётган суицид ҳоллари аёл орасидагига қараганда кўпроқ оғир аҳволларга олиб келади. Ўз

жонига қасд қилиш 20 ёшгача ва 55 ёшдан ошганлар ичида учрайди. Ҳозирги ўз-ўзини ўлдириш ҳоллари 10-12 ёшли болалар ичида ҳам кучаймоқда. Жаҳон статистикасига кўра, суицид феъл-автор кўпинча шаҳарларда, ёлғиз яшовчи одамлар орасида кузатилади. Ўрта Осиёда 60-йиллардаёқ аёллар ичида ўз жонига қасд қилиш ҳоллари кузатилган. Асосан ўзини ёкиш кўпайган. Бунинг социал сабаби аёлларга бўлган нотўғри муносабатлар, уларга жамият томонидан бефарқ қаралганлиги турмушдаги қийинчиликлар, аёлларни ижтимоий ишлаб чиқаришга, ижтимоий-сиёсий хаётга жалб этишда зарур шарт-шароитни яратиш билан боғлиқ бўлган муаммоларни маҳаллий бошқариш органлари томонларидан нотўғри ҳал этилганлигидир.

Фоҳишабозлик. Бу термин лотинча «Prostitution» сўзидан олинган бўлиб, орномусни йўқотиш, хўрлаш, топташ деган маъноларни беради. Мехнат тақсимоти, шаҳарларни вужудга келиши жараёнида пайдо бўлган 2фоҳишабозлик капиталистик муносабатлар билан бир қаторда ривожланиб борди. XX асрнинг 20 йилларининг бошларидан Европада ҳам, Шимолий Америкада фоҳишабозликни камайиши кузатилмоқда. Бу анъанани сабаби тадқиқотчиларни фикрига кўра аёлларни иқтисодий аҳволини яхшиланиши, бировга қарам бўлиб қолмаслигидир. Собиқ иттифоқда фоҳишабозлик тўғрисида гапирилмас эди, яқиндан бошлаб тадқиқот натижалари очик матбуотда эълон қилина бошланди, қаерлардадир бу ҳаракатлар қонунийлаштирилган. 20-йилларда кўп аёллар бундай иш билан очлик ва етишмовчилик туфайли шуғулланишган. Улар асосан маълумоти паст аёллар эди. Бугунги кунда социал ва ёш базасини кескин кенгайиши кузатилмоқда. Аёллар бундай ишни очликдан, йўқчиликдан эмас, балки моддий аҳволини янада яхшилашга, «чиройли ҳаёт»га интилишлари туфайли қилмоқдалар. Фоҳишабозликка қарши турли сиёsatлар олиб борилган: прогибиционизм (таъқиқ), регламентация (рўйҳатга олиш ва медицинага оид қўрсатиш), аболиционизм (профилактика), тушунтириш-тарбиялаш ишлари. 1-2 формани етарлича эффектив эмаслиги маълум бўлди. Моддий манфаатдорликни ўсиши билан аёлларни ахлоқий ўсиши фоҳишабозликни бора-бора четга чиқишига ёрдам беради.

Ҳозирги кунда ўсмиirlар орасида девиант феъл-авторни ўсиши долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Ўсмиirlар кўпинча четга оғувчи ҳатти-ҳаракатларни онгиз равишда, беҳосдан қиласидар. Шунинг учун уларнинг кўпчилиги қилган ишларини моҳиятини англаб етмайди, ўз хатосини, айбини кўрмайди. Сўровлар натижасига кўра, ўсмиirlарни кўпчилиги ўз жиноий ишларини сабабини ташқи шарт-шароитлардан қидирадилар, ташқи дунёни айблайдилар, сўралганларни тўртдан бир қисми ўхшаш вазиятда ҳар бири шудай ҳатти-ҳаракат қилишини айтиб ўтганлар. Ўсмиirlарни ҳатти-ҳаракатида четга оғиши ҳолларини асосида социал-маданий эҳтиёжларни ривожланмаганлиги, маънавий дунёни етишмовчилиги ётади. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, ёшлар девиацияси-жамиятдаги социал муносабатларни акс эттишидир. Четга оғувчи феъл-автор сабабларини топиш, социал ёрдам тизимини ташкил қилиш, тушунтириш тарбия ишларини олиб бориш бўйича яхши ўйланган, мақсадли йўналтирилган ишлар қилиш керак.

Социал назорат.

Инсон тарбиясида энг биринчи ва энг муҳим ижтимоий назорат институти бу – оиладир. Фарзанд тарбиясида ва баркамол авлодни шакллантиришдан соғлом оила муҳитини ўрни каттадир. Қолаверса, инсон ҳатти-ҳаракати ва хулқ-автори, фаолиятини таълим муассасалари, маҳалла, меҳнат жамоаси, умумдавлат миқёсида эса қонунни ҳимоя қилиш органлари (суд, прокуратура, милиция) ҳам назорат

қилиб боради ва ушбу шахсга нисбатан ижтимоий назорат институтлари вазифасини бажаришади.

АДАПТАЦИЯ (лот. adaptatio - мослаштириш) - инсоннинг янга фаолият шароитларига, маълум бир ижтимоий гурухлардаги муносабатлар тизимида мослашуви.

АНЬАНАЛАР - узоқ вакт давомида авлоддан авлодга ўтказиб бериладиган ва маълум жамиятларда, ижтимоий гурухларда сақланиб борадиган ижтимоий ва маданий мерос элемениари.

АСОЦИАЛ ХУЛҚ (юонча - инкор ва socialis - ижгимоий)-алоҳида олинган шахс ёки одамларнинг ижгимоий-салбий сабаблар асосида юзага келадиган ижгимоий ҳаёти шакли бўлиб, бундаи ҳатти-ҳаракат бошқа шахс, ижгимоий гуруҳ ва ҳатто жамиятга нокулайликлар ёки зарар етказиши мумкин (масалан, ичқиликбозлик ёки жиноятчилик).

АХЛОҚИЙ-МАЪНАВИЙ МЕЪЁР - тўғри ёки нотўғри хулк-атвор ва ҳатти-ҳаракат ҳақидаги ғоялар ва қарашлар тизими бўлиб, у бир хил ҳаракатларни бажаришни талаб этади ва бошқаларини тақиқлайди.

АХЛОҚ - у ёки бу ижгимоий гурухлар ва жамиятдага ижгимоии муносабатларни назорат қилиш ва тартибга солиш вазифасини бажарувчи ижгимоий институт, меъёрлар, баҳолар, хулк-атвор намуналари тизими.

ДЕВИАНТ ҲУЛҚ-АТВОР (лот. deviatio - оғиши) - ижтимоий нормативлар ва меъёрлардан оғиб кетувчи ҳатги-ҳаракат.

НАРКОМАНИЯ- (юон. narke-карахтлик, mania-эхтирос) наркотик моддаларнинг истеъмол қилиш натижасида шахснинг рухий ва ижтимоий вояга этишининг сенилашуви ва ундан келиб чиқадиган муаммолар.

Мавзу юзасидан назорат саволлари.

- 1. Социологияда шахс тушунчаси.**
- 2. Социологияда девиация тушунчаси.**
- 3. Девиант хула-атвор тушунчаси.**
- 4. Социал назорат тушунчаси.**

6-Мавзу:Жамият социал структураси ва стратификацион жараёнлар.

Режа.

1. Социал структура тушунчаси.
2. Стратификацион тизимлар.
3. Социал динамика ва социал ҳаракатчанлик(мобиллик).
4. Ўзбекистонда мавжуд стратификацион тузилмалар

Социал структура тушунчаси.

Жамият ижтимоий таркибий тузилишини ўрганишга таркибий-функционал ёндашиш ижтимоий тизимларининг нафақат ошкора функцияларини, балки оддий муносабатларда кўзга ташланвермайдиган яширин, салбий характердаги функцияларини ўрганишни, уларни бартараф этиш йўлларини, нейтраллаштириш имкониятларини излаб топиш вазифасини ҳам ичига олади. Ижтимоий ривожланишнинг таркибий функционал зиддиятлагини аниқлаш, тадқиқ қилиш масаласи ҳам ижтимоий муносабатлар социологиясида муҳим ўрин тутади. Социологик тадқиқотлар орқали бундай зиддиятларини ҳал этиб бориш жараёнида олинган ҳар қандай социал объектнинг ички тузилишига путур етказмаслик, ижобий функцияларини сақлаб қолиш жуда ҳам муҳимдир.

Хар бир ижтимоий гурух, айрим олинган шахс, ҳам жамият ижтимоий таркибида ўз ўрнига эга бўлади. Шахс ўзининг жинси, ёши, ижтимоий келиб чиқиши, маълумоти, мутахассислиги, оиласвий аҳволи, миллати ва бошқа шу кабилар билан муайян ижтимоий таркибига киради.

Жамиятнинг ижтимоий таркиби – ижтимоий гурухлар, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўз мавқеи билан фарқ қилувчи томонлари мажмуасидан иборатdir. Жуда қадим замонларда жамият турли гурухлардан иборат бўлган. Масалан, қадимги Ҳиндистонда жамият юқори табақа – брахманлар, ўрта табақа – кшатрийлар/жангি тоифаси/ ва шудралар /қора халқ/дан иборат гурухларга ажратилган. Қадимги юонон файласуфи Афлотун эрамиздан аввалги IV асрда жамият аъзоларини З гурухга ажратиб кўрсатган: файласуфлар /юқори табақа бўлиб, давлатни бошқарувчилар сифатида/, харбий жангчилар ва қуи табақа – қуллар.

Стратификация (лот стратум - қатлам ва фасио - бажараман) - жамият тузилмаси, алоҳида қатламлари, ижтимоий табақаланиш белгилари тизими ва тенгсизликни ифосия этувчи социологик тушунчадир.

Социал стратификация - социологик тушунча бўлиб, жамият ва лининг айрира қатламлари тузиишини, ижтимоий табақаланиш, тенгсизлик белгилари тизимини ифодалайди, ёки бошқача айтганда жамиятнинг мулқ, мақом ва ҳокимият муносабатларидан келиб чиқадиган тизими бўлиб, у ижтимоий роллар ва вазифаларни ўзида акс эттиради. Социал стратификасия жамиятдаги меҳнат тақсимотида турли гурухларнинг ижтимоий дифференсиациясидан (табақаланишуви), шунингдек у ёки бу фаолиятнинг аҳамиятини ва ижтимоий тенгсизликни қонунийлаштирувчи қадриятлар ва маданий намуналар (стандартлар) тизимининг хусусиятидан келиб чиқади. Ижтимоий стратификациянинг асосий вазифаси - турли фаолият хиллари учун рағбатлантирувчи тизим ёрдамида ижтимоий ролларни мос равишда идрок этиш ва бажаришни таъминлашдир.

Социал стратификацияда маълумот, майший шароит, машғулот даромад,

рухий, дин ва шу каби белгилар асосида жамият «юқори», «ўрта» ва «қуи» синфлар ҳамда страт (қатиам)ларга бўлинади. Тенгиззлик хар қандай жамиятда бор. Социал стратификация тизимида кишиларнинг ўз қобилияtlари ва куч-ғайратларига мувофиқ мақомларни ўзгартиришлари (социал мобиллик) эса жамиятнинг барқарорлигини таъминлайди ва синфий курашни «ортиқча» қилиб қўяди (Марксистик тадқиқотлар ижтимоий синфлар назариясига асосланиб келинган).

Хар бир ижтимоий гурӯх, айрим олинган шахс ҳам жамият ижтимоий таркибида ўз ўрнига эга. Шахс ўзининг жинси, ёши, ижтимоий келиб чиқиши, маълумоти, мутахассислиги, оиласвий аҳволи, миллати ва бошқа шу кабилар билан муайян ижтимоий таркибга киради⁵.

Жамиятнинг ижтимоий таркиби - ижтимоий гуруҳлар, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўз мавқеи билан фарқ қилувчи томонлари мажмуидан иборат. Олдинги замонларда ҳам жамият турли гуруҳлардан ташкил топган. Масалан, қадимги Ҳиндистонда жамият қўйидаги касталарга бўлинган:

- а) брахманлар (жамиятнинг олий табақаси)
- б) кшатрийлар (ҳарбийлар, савдогарлар ва х.)
- в) вайшлар (дехқонлар, ҳунармандлар ва бошқа шу кабилар) г)
шудралар (қора ҳалқ - қуллар)

Қадимги юнон файласуфи Афлотун ҳам (ер.аввал 4-аср) жамият аъзоларини 3 гурухга ажратган:

- а) файласуфлар (юқори табақа бўлиб, давлатни бошқарувчи синф);
- б) ҳарбий жангчилар; в)
қуллар - қуи табақа;

Фарб социологиясида жамият ижтимоий таркиби социал стратификация тушунчаси асосида ўрганилади. Демак стратификация ғарб социологиясининг асосий тушунчаларидан бири бўлиб, жамият ижтимоий таркибининг ижтимоий табакаларга, гуруҳларга ажратилганини, жамиятдаги ижтимоий тенгиззликни ифода қиласди.

Социал стратификация назарияси марксизм социологиясининг синфлар ва синфий кураш назариясига зид бўлиб, жамиятнинг синфларга бўлинишининг асосий сабаби мулкий муносабатлардаги ҳолатни табиий-тарихий қонуният сифатида қарайди. Бу синфларни ижтимоий қатламлар ва гуруҳларнинг маълумоти, психологик жиҳатлари, турмуш шароити, ижтимоий бандлик, даромади ва бошқа хусусиятлар билан фарқ қиласди.

АҚШийк социолог Т.Парсонс: «Стратификация - ижтимоий тизим таркибий зиддиятининг асосий юзага келтирувчиси» деб, уни ривожлантирди.

Ғарб мамлакатлари социологлари жамиятни «юқори», «ўрта», «қуи» синф ва қатламлардан иборат деб талқин қилишади. Масалан, Ғарбий Германиялик социолог Р.Дарендорф жамиятни бошқарувчи ва бошқарилувчилар тоифасига бўлади. Ўз навбатида бошқарувчилар тоифаси 2 гуруҳдан: а) мулкдор бошқарувчилар ва б) мулкдор бўлмаган бошқарувчилар - маъмурий бюрократ менеджерлардан иборат дейди. Бошқарилувчилар тоифаси ҳам 2 га: юқори - «ишли аристократияси» ва қуи - малакаси паст даражада бўлган ишчилардан иборат бўлиб, бошқарувчилар ва ишли аристократиясининг қўшилишидан шаклланмоқда, деб фикр билдиради.

⁵ Узбекистан Республикаси Конституцияси. Т.: Узбекистан, 1999, 7-бет.

Юқорида таъкидлаганимиздек, америкалик олим У.Уотсон жамиятнинг социал стратификасияси моделини ишлаб чиқсан. У қуйидаги қўринишгаега:

Олий олий синф

Умуммиллий корпорасияларнинг бош бошқарувчилари, обрўли фирмаларнинг эгалари, олий ҳарбий амалдорлар, федерал судялар, биржа эгалари, йирик архитекторлар, архиепископлар

Олий синф

Ўртача фирманинг бош бошқарувчиси, муҳандис-механик, газета чиқарувчи, хусусий амалиётга эга бўлган шифокор, амалиётчи юрист, коллеж ўқитувчиси.

Олий ўрта синф

Банк кассири, муниципиал коллеж ўқитувчиси, ўрта бўғин бошқарувчиси, ўрта мактаб ўқитувчиси

Ўрта ўрта синф

Банк хизматчиси, тиш доктори, ўрта мактаб ўқитувчиси, корхонадаги смена бошлиғи, суғурта компанияси хизматчиси, универсам бошқарувчиси, малакали дурадгор

Қуий ўрта синф

Автомеханик, сартарош, бармен, жисмоний меҳнат билан шуғулланувчи малакали ишчи, меҳмонхона хизматчиси, почта ишчиси, полисиячи, юк машинаси ҳайдовчиси

Ўрта қуий синф

Такси ҳайдовчиси, ўрта малакали ишчи, бензин қуювчи, официантка, эшик оғаси, идиш -товоқ юувучи, уй хизматкори, боғбон, эшик қоровули, кончи, кўча супиравучи, ахлат ташувчи.

Худди шунингдек, академик Т.И.Заславская ҳам ҳозирги Россия жамиятининг социал таркибини қўрсатиб берган. Унга кўра, бу таркибий тузилиш қуйидаги қўринишга эга: Юқори, ўрта, базавий ва қуий.

Юқори қатламга асосан элита гуруҳлари мансуб бўлиб, улар давлат бошқаруви, иқтисодий соҳалардаги юқори мансабларни эгаллаган кишилар ҳисобланадилар. Ўрта қатламга эса, ўрта ва кичик тадбиркорлар, ўрта корхоналар менежментлари, катта офицерлар тегишли ҳисобланадилар. Базавийга эса, зиёлиларнинг асосий қисми, техник хизматчилар, савдо ва хизмат қўрсалиш соҳалари ходимлари ҳамда деҳонларнинг кўпчилик қисми киради. Куий табақага асосан кексалар, паст маълумотлилар, соғлиги унчалик яхши бўлмаганлар ҳамда айрим қочоқлар киради.

О.Конт социологиясида социал динамика жамият ҳодисаларини ўрганишдаги муайян ёндашувни билдиради. Аслида, динамика механиканинг жисмлар ҳаракатини ва ҳаракат билан уни юзага келтирувчи куч ўртасидаги боғланишларни ўрганадиган бўлимдир. Социал дифференсиасия ва социал интеграсияни социал мобиллик ва ўзгартиришлар оқибати деб қарашиб мумкин. Социал дифференсиасия тушунчаси биринчи бўлиб Г. Спенсер томонидан кўлланилган. Унинг фикрича, ижтимоий эволюция бир вақтнинг ўзида дифференсиасия (бир хилликдан кўп хилликка ўтиш: меҳнат тақсимоти, маҳсус социал институтлар пайдо бўлиши) ва интеграсия (органларининг бир-бирларига тобора мувофиқлашиб бориши, оддийдан мураккабга ўтиш, умумий алоқадорлик такомиллашуви), ижтимоий тартибот мукаммалашувидан иборатdir.

Е.Дюргейм социологик тизимида ҳам жамиятдаги дифференсиасия ва интеграсия жараёнларига эътибор берган. У дифференсиасияни аҳоли зичлигининг

ошиши ва шахслараро ва гурухлараро мулокатлар суръатига боғлаб тушунтирган. Одатда, дифференсиасия тушунчаси «тафовут» сўзининг синоними сифатида ишлатилади. Бу ҳолда у роллар, статуслар (мақомлар), институт ва ташкилотларни турли мезонлар ёрдамида классификация қилишга ёрдам беради.

Структуравий функционализм ва системали ёндашув тарафдорлари (Парсонс, Этцони ва б.) социал дифференсиасия билан социал системанинг ўз-ўзини сақлаши шарт деб қарайдилар. Бунда социал дифференсиасиянинг яхлит жамият, унинг ости тизимлари, гурухлари даражасида кўринишлари қатъий фарқланади. Уларниг фикрича, қуйидаги ҳаётий муҳим вазифалар - муҳитга мослашиш, мақсадларини қўя билиш, ички ихтилофларни бартараф этиш (интеграсия) ва ҳоказолар бажарилгандагина муайян тизим мавжуд бўла олиши мумкин. Бу вазифалар эса фақат озми-кўпми маҳсуслашган институтлар томонидангина бажарилиши мумкин. Демак, бунга мувофиқ социал тизимлар озми-кўпми дифференсиасиялашган (табақалашган) бўлади. Социал дифференсиасия ўсиши билан фаолиятлар ҳам маҳсуслашиб боради, шахсий ва оиласий алоқалар ўз ўрнини борган сари одарнлар ўртасидаги шахссиз нарсавий муносабатларга бўшатиб беради. Бу муносабатлар қўпроқ рамзий воситалар билан бошқарилади (масалан, иқтисодий муносабатлар учун бундай воситачи асосан - пул).

Социал интеграсия (лат. Интегратио - тщлдирилиш, тикланиш; интегер яхлит, бутун) социал дифференсиасияга нисбатдош тушунчадир. Ҳозирги замон социологиясида тизимлар назариясидаги интеграсия тушунчасидан фойдаланилади. Унга кўра, интеграсияда алоҳида дифференсиасиялашган қисмларни бир бутун қилиб турувчи алоқа ва шу ҳолатга олиб келувчи жараён тушунилади. Интеграсия турли хил социал субъектлар - индивидлар, ташкилотлар, давлатлар ва ҳоказолар ўртасида ихтилофсиз муносабатлар бўлишини кўзда тутади. Социал тизимлар интеграсиясининг даражаси ва механизми тўғрисидаги қарашлар тарихан ўзгариб келган.

Бажарадиган вазифалари, соҳаларига қараб социал динамиканинг қуйидаги турларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- Репродуктив динамика. Социал динамиканинг бу тури туғилиш, ишлаб чиқариш, экологиянинг социал жиҳатларини ўз ичига олади. Аҳоли сонининг ўсиши, туғилиш миқдори, уларни белгиловчи омиллар репродуктив социал динамика соҳасига киради. Ишлаб чиқариш, экология ва социал субъектлар репродуктив ўрнашмаларга алоқадор бўлади.

Мақом (статус) социал динамика. У ўз ичига хизмат лавозимларида кўтарилиш ёки пасайишни, турмуш даражаси ва сифати кабиларни қамраб олади.

Худудий социал динамика. Аҳоли кўчишлари суръати ва миқдорларининг социал жиҳатлари, катта шаҳар вужудга келиши билан пайдо бўлган социал муаммолар, ишлаб чиқаришнинг жойлаштирилиши, унинг социал оқибатлари худудий (территориал) социал динамика объектлариdir.

- Маннавий ҳаёт динамикаси манфаатлар, қадриятлар, фикрлар, нормалар ҳаракати, ўзгариши ва ривожланиши бу соҳа доирасида бўлади.

- Сиёсий динамика жамият социал-синфий таркиби, ҳокимият шакллари ўзгаришини англаатади.

- Фан - техника динамикаси. Фан-техника тараққиётининг социал жиҳатлари, ишлаб чиқариш воситалари ўзгаришларининг ижтимоий субъектлар

ҳаётига таъсири, ахборот ва коммуникасия билан боғлиқ социодинамик ўзгаришлар фан-техника динамикасига киради.

Социал динамика абстракт, мавхум қонуният ифодаси эмас. Ҳар бир минтақа, ижтимоий тузумда ўзига хос социодинамикани кўришимиз мумкин.

Социал динамика вертикал (юқори ва пастга) ва горизонтал (яни, параллел томонга) ёъналишда рўй бериши мумкин. Юқорида келтирилган барча социал динамика турларини вертикал ва горизонтал ёъналишда текшириш мумкин. Жумладан, социал-синфий структура элементлари ҳаракати социал стратификасия ёндашуви асосида қаралганда буни яққол кўришимиз мумкин. Социал стратификасия (лот. стратҳ - тузилма, қатлам) социологик тушунча бўлиб, бу тушунча умуман жамиятнинг, айрим социал гурухларнинг таркибини, уларнинг турли-туман белгиларига: даромади, малакаси, маълумоти ва бошқа даражаларига қараб, одатда, иерархия (юқори ва қуий) тарзда жойлашган ижтимоий қатларнларга бўлинишини тавсифлайди. Функционализм нуқтаи назаридан, социал стратификасия тизими жамиятдаги социал рол ва мавқеларнинг дифференсиасияси бўлиб, у ҳар қандай жамиятнинг объектив эҳтиёжидир. Жамиятнинг турли соҳаларида страталардан страталарга ҳаракатни кўриш мумкин. Масалан, иқтисодиёт соҳасида бар бир одам миллионер бўлиши мумкин; сиёсатда йирик сиёсий мансабга эришиш мумкин; армияда ҳар бир аскар генерал бўлиши мумкин; диний фаолият соҳасида - олий диний мартабага эришиш мумкин; фан - бу, фаолиятнинг нисбатавон зое кетадиган соҳаси бўлиб, бироқ бунда илгарилаш мумкин; никоҳ орқали фойдали никоҳ воситасида жамиятнинг энг юқори поғоналарига ғоят тез кўтарилиш мумкин. Кишиларнинг социал зинапоядаги юқорига қараб силжишга интилиши - ижтимоий тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучидир. Одам бир вақтнинг ўзида бир неча стратага кириши мумкин. Бу страталар институсионал, маданий, норасмий мезонлар асосида ажратиб кўрсатилиши мумкин ва уларга мос бўлган социодинамика ҳам мавжуд. Социал стратификация назарияси ҳозирги замон социологиясида дифференциациянинг мураккаб таркиби ва тизимларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

Жамиятнинг ижтимоий таркиби турли ижтимоий бирликлар ўртасида ўзаро муонсабатларни ҳам ифодалайди. Масалан, ижтимоий-синфий, гурухлараро /синфлар, ижтимоий гурухлар табақалар, қатламлар/, ижтимоий-демографик /ёшлар, ўрта ёшлилар, кексалар, аёллар, эркаклар/, ижтимоий-этник /миллатлар, ҳалқлар/, ижтимоий-профессионал /касбга қараб: ўқитувчилар, инженерлар, тиббиёт ходимлари, темирчилар, косиблар ва шу каби/ ва ижтимоий-худудий /минтақа, шаҳар, қишлоқ, туман, маҳалла аҳолиси/ шулар жумласидандир.

Жамият ижтимоий таркибидаги ижтимоий гурухлар ўзаро моддий неъматларнинг тақсимоти ва истеъмол қилиш даражаси билан фарқ қиласиди. Бу даражаларни социология доирасида ўрганиш давлатнинг ижтимоий сиёсат юритишида муҳим аҳамият касб этади. Улар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга хизмат қиласиди.

Демак, социологияда ижтимоий гурухлар ҳудудий, тармоқли /соҳа/ ва ижтимоий мавқе каби йўналишларда тадқиқ қилинади. Масалан, марказий шаҳарларда, пойттахтда яшовчи аҳоли турмуш шароити туман марказлари ва қишлоқ шароитида яшовчи аҳоли турмуш шароитидан кескин фарқ қиласиди. Шу жиҳатдан, айрим марказий шаҳарлар аҳолисининг турмуш даражаси, истеъмол даражаси, маданий ва майший имкониятлари айрим вилоят шаҳар ва қишлоқларининг аҳолисининг турмуш даражаси юқори. Ўз навбатида, ҳар бир

худудий бирликда яшовчи аҳоли таркиби ҳам ўзаро соҳа ва мавқеи даражаси, истеъмол даражаси, маданий ва майший имкониятлари билан фарқ қиласи. Юқори қатламдагиларнинг турмуш даражаси қуи қатламдагилардан баланд бўлади. Бу эса кишиларнинг, ижтимоий гурухларнинг қуидан юқори даражага табиий онгли интилишига олиб келади.

Шу ўринда фарб социологиясида кенг ўрганиладиган социал мобиллик тушунчаси хусуида тўхталиб ўтиш талаб этилади.

Социал стратификация назариясига асос солган ва уни янада ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшган, юқорида номлари келтирилган фарб социологлари социал мобиллик тўғрисида ҳам ўз фикрларини билдирганлар.

П.Сорокин ўзининг “Инсон. Цивилизация. Жамият” асарида алоҳида бобни социал стратификация ва социал мобилликка бағишлаган. “Социал мобиллик” тушунчаси социологияга биринчи бор 1927 йилда П.А.Сорокин томонидан киритилган. Унинг қарашича, социал мобиллик кишиларнинг ижтимоий поғоналардан икки йўналиш бўйича ҳаракат қилишидир. Биринчиси, вертикал йўналишда бўлиб, унда юқори ва паст даражаларга қараб, иккинчиси эса горизонтал йўналишда бўлиб, унда бир ижтимоий даражадаги ўзгаришни англатади. Француз социологлари П.Берту ва Р.Бурдонлар ҳам социал мобилликнинг жамият ҳаётининг ривожланишидаги муҳим аҳамиятини кўрсатиб берганлар. Кейинги йилларда рус социологларидан академик Т.И.Заславская ва профессор Р.В.Ривкиналар ҳам социал мобилликнинг Россия ижтимоий ҳаётидаги аҳамиятини тадқиқ қилмоқдалар.

Социал мобиллик деб айрим шахс ёки гурухларнинг жамият таркибидаги ўз ўрнини, мавқеини ўзгартиришига айтилади.

Социал мобиллик ижтимоий ривожланиш қонунларининг амал қилиши билан боғлиқ бўлиб, айрим шахс ва гурухларнинг ижтимоий мавқеининг қуига ёки юқорига ўзгариб боришини ифодалайди.

Социал мобиллик вертикал ва горизонтал тартибда бўлиши мумкин. Вертикал социал мобиллик – ижтимоий мавқе тизимида юқори ёки пастга қараб ўзгариб боришидир. Горизонтал социал мобиллик – индивид ёки гуруҳнинг ижтимоий даража бўйлаб ўзгаришини ифодалайди. Социал мобиллиқда асосий ва асосий бўлмаган, иккинчи даражали зарурий ва тасодифий, оммавий ва хусусий каби кўринишлар ва йўналишлар мавжуд.

Ёшлар социологияси XX асрнинг 20-йилларида Олмонияда, АҚШда ва Францияда шаклланди. 1928 йилда К.Мангеймнинг «Авлод муаммоси» асари босилиб чиқди. Бу асар ёшларнинг социологик муаммолари илмий асосда ўрганилган дастлабки асарлардан эди.

XX асрнинг 60-йилларида ёшлар муаммоларини таҳлил қилишга ва ечишга қаратилган асарлар кўплаб чоп этила бошланди. Олмонияда ёшлар социологияси бўйича Г.Шельскийнинг «Скептик авлод» (1957), Ф.Тенбрюкнинг «Ёшлар ва жамият» (1962); Венадаги социологик институт директори Л.Розенмайрнинг «Эмпирик социал тадқиқот бўйича қўлланма» (1969), Америка социологи Д.Кембеллнинг «Социализация бўйича справочник» (1969), Америка социологи С.Эйзенштадтнинг «Авлоддан авлодга» (1966) асарлари ёшлар социологиясининг кенг ривожланишига таъсир кўрсатди.

Хозирги давр ёшлар социологияси доирасида ёшлар ҳаётини илмий-социологик ўрганишнинг асосий тамойиллари қуидагилардан иборат:

1. Ёшлар муаммосини ўрганишда тарихий ёндошиш лозимлиги. Ёшларнинг

ижтимоий қарашларига, ҳулқига, қизиқишига ва бошқа жиҳатларини тадқиқ этишда муайян тарихий давр, шарт-шароитларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб баҳо бериш талаб қилинади. Масалан, ҳозирда, шаклланиб келаётган бозор муносабатлари шароитида ёшларнинг ижтимоий қарашлари, қизиқишилари ва юзага келаётган муаммолар аввалги давр, ижтимоий-иктисодий тузумдагига нисбатан ўзгариб, янгича мазмунга ва хусусиятларга эга бўймоқда.

2. Ёшларнинг ўзига хос турмуш тарзини таҳлил қилиш ва ўрганиш. Бунда ёшларнинг ижтимоий ҳолати, ҳаёт кечириш тарзи ва унинг ривожланишини назарий ва эмпирик жиҳатдан ўрганиш.

3. Ёш авлодни ҳар жиҳатдан ривожланиб боришини таҳлил қилиш. Мавжуд ижтимоий-иктисодий шарт-шароитнинг, мұхитнинг ўзгариши оқибатида авлодлар ўртасида доимо муайян ривожланиш рўй беради. Шу сабабли, кекса авлод билан ёшлар ўртасида ўзаро зиддият вужудга келади. Кўпинча, ёшларнинг манфаат ва қизиқишилари, фаолияти, ташқи қўриниши (мода) кекса авлодда норозилик, эътиroz туғдиради.

4. Ёшларга табақавий жиҳатдан ёндашиш. Бу методологик тамойил ёшларни турли табақалардан иборат гурухларга ажратиб ўрганишни билдиради. Бозор муносабатларининг таркиб топа бориши билан ёшлар ўртасида ҳам табақаланиш янада кучайиши табиийдир. Ҳозирданоқ уларнинг турли ижтимоий табақаларга ажралиш жараёни рўй бермоқда. Бир томондан, жамият ижтимоий ривожланишига салмоқли таъсир кўрсатувчи ёшлар гурухлари: талабалар, ёш олимлар, ишчилар, фермерлар, ишбилармон ёшлар, санъаткорлар, савдогар ёшлар каби гурухлар салмоғи ортиб бораётган бўлса, иккинчи томондан эса ёшлар, бекорчи-саёқ, гиёҳванд, жиноятчи каби ёшлар жамият ҳаётида салбий, дисфункционал аҳамият касб этмоқда. Масалан, ҳозирда Ўзбекистон миқёсида жиноятчиликнинг 85 фоизга яқини 25 ёшгача бўлган ёшлар томонидан содир қилинаётганлигини эътиборга олсан, ёшлар социологиясининг жамият ҳаётида нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини англаш мумкин бўлади.

Социологияда ёшлик болалик давридан сўнг улғайиш давригача бир неча босқичларга ажратилиб кўрсатилади. Масалан, ёшликтининг дастлабки, қуйи чегараси 14-16, юқори чегараси эса 25-30 ёшларни ўз ичига олади. 20 ёшгача бўлган ёшларда асосий муаммо, уларнинг касб танлаши, маълумот олиши ва ҳаётга мустақил қадам қўйиши билан боғлиқ вазифалари ўз ичига олади.

Социологиянинг бу маҳсус назарияси жамиятнинг барча ижтимоий соҳаларидаги ёшлар билан боғлиқ муаммоларни ўрганади. Жамиятнинг ижтимоий-иктисодий шарт-шароити ва ёшлар муаммоси; ҳалқ хўжалиги, фан ва маданиятнинг ёш мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжи; таълим тизими ва ёшларни мустақил меҳнат фаолиятига тайёрлаш; демографик жараёнлар ва ёшларни иш билан таъминлаш; ёшларнинг маълумот олиши ва касб танлаши муаммоси; ёшларнинг касб танлаши ва социал мобиллик; ёшларни касб танлашида миллий, худудий ва минтақавий хусусиятлар; ёшларнинг маълумот олиш имкониятларини олдиндан прогноз бериш; ёшларда меҳнат малакасини шакллантириш масалалари; шаҳар ва қишлоқ ёшлари ҳаёти; ёшларнинг турмуш даражаси каби масалалар шулар жумласидандир. Ушбу маълумотлар бўйича эмпирик ва назарий жиҳатдан социологик тадқиқот олиб бориш, уларнинг статик ва динамик хусусиятларини ўрганиш мухим ҳисобланади.

Ёшлар социологиясининг ўзига хос қийин, мураккаблиги ҳам, унинг кўп қирралигидадир. Айниқса, бозор муносабатларига ўтиш жараёнида ёшларни иш билан таъминлаш муаммоси долзарб масалалардан биридир. Бу муаммони ҳал этиб борилиши ёшлар билан боғлиқ бўлган кўплаб масалаларнинг ечимини топишга сезиларли таъсир кўрсатади. Бу борада, вилоятларда ёшларни иш билан таъминлаш борасида «Уста ва шогирд» тизими асосида кўплаб ишлар қилинмоқда. Бундан асосий мақсад, ёшларни миллий ҳунармадчиликка, қадриятларга, анъаналарга хурмат ва эъзоз билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш ҳамда уларни моддий жиҳатдан таъминлашни яхшилашдан иборатдир..

Янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг таркиб топа бориши, айниқса, ёшларнинг ижтимоий қарашларида жиддий ўзгаришлар ясамоқда. Шунинг учун ёшларнинг келажак ҳаёти режаларини, уларнинг қизиқишлигини аниқлаш максадида эмпирик-социологик тадқиқотлар ўтказиш ва назарий хулосалар чиқариш ёшлар социологиясининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозим, ёшларнинг келажак ҳаётини режалаштириш энг аввало оиласдан бошланади. Бу жиҳатдан ёшлар социологияси оила социологияси билан узвий боғлиқ бўлади.

Ёшларнинг касб танлаши, иш жойларига эга бўлиши ишлаб чиқаришнинг интенсив равишда ривожланиши ва юксак технологик такомиллашув жараёнида кўп жиҳатдан таълим тизимининг сифат даражасига ҳам боғлиқ. Бу жиҳатдан эса ёшлар социологияси таълим, илм-фан социологияси билан яқин алоқададир.

Президентимиз Ислом Каримов ўзининг қатор асарларида, сўзлаган нутқларида ҳозирги даврда мамлакатимизда ёшлар ҳаёти ва фаолиятига доир қатор муаммоларни кўрсатиб ўтган.

Ўзбекистон ёшлар мамлакати. Юртимизда истиқомат қиласиган жами аҳолининг 60 фоизидан ошиғини 24 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Демографларнинг тадқиқотларига қараганда, мамлакатимиз аҳолисининг юқори суратларда ўсиши яқин чорак асрда ҳам давом этади. 2015 йилга келиб Ўзбекистон аҳолиси 1,5 баробарга ортиб, жами 36 миллион 330 минг кишидан ортиши кутилмоқда. Шу давр мобайнида меҳнатга яроқли аҳоли сони ҳам икки баробарга ошади ва 2015 йилда қарийб 20 миллион нафар кишини ташкил этади.

Бу рақамлар фақат юртимиз аҳолисининг сон жиҳатдан ўсишинигина кўрсатиб қолмай, у навқирон миллат сифатида катта интеллектуал имкониятларга эга эканини ҳам намоён этади. Ана шу боис ҳам мамлакатимиз Президенти И.Каримов истиқлолнинг ilk йилларида ёк «Ўзбекистон келажаги буюк давлат» деган ғояни илгари сурди.

Миллий мафкурамизнинг муҳтасар шиорига айланган ушбу сўзлар нафақат рухлантирувчи даъват, балки амалий натижага айланиш учун давлат жамиятнинг энг фаол қатлами бўлган ёшларга асосий эътиборни қаратмоқда. «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши, «Камолот», «Умид», «Мирзо Улуғбек» жамғармаларининг тузилиши, ёшлар муаммолари институти фаолиятининг йўлга қўйилиши, «Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисидаги Конуни», «Кадарлар тайёрлаш миллий дастури»нинг қабул қилиниши ва ҳаётга жадал жорий этилаётганлиги, телевидение ва радиода ёшлар каналининг ташкил этилиши юқоридаги фикрларнинг амалий исботидир.

АТАМАЛАР.

БАНДЛИК (аҳолининг бандлиги) - аҳолининг ижгиомий ишлаб чиқаришга жалб этилганлигини ифодалувчи ижгиомий-иктисодий категория.

БОШҚАРУВ-ташкилотнинг маҳсус органининг функцияси бўлиб энг кам воситалар (вақт, куч, захиралар) сарфлаб энг юқори натижага эришиш бўйича аниқ ташкил этилган фаолиятдир.

БЮРОКРАТИЯ - тўрачилик, ўз фаолиятига кўра ролларнинг погонали тарздага (юқоридан қўйига) тартибига ва катый қоида-маросимларга асосланувчи бошқарувнинг кўриниши.

БЎШ ВАҚТ - инсон, ижтиомий гурӯҳ ва умуман жамиятда зарурий равишда сарфланадиган вақт захираларидан ортиб қоладиган, яъни иш вақтидан ташқаридағи вақт қисми.

ДЕМОГРАФИЯ - (*грекча demos* - халқ ҳамда grapho ёзаман: халқ ҳақидаги ёзувлар), - аҳолишунослик тўғрисидаги фан. Демография аҳолининг барча табақа ва гурӯҳларини сон ва сифат жиҳатидан ўрганади. Бу ерда асосан туғилиш, ўлим, никоҳ, ажрим, миграция жараёнлари ҳамда уларга таъсир қилувчи омилла ўрганилади.

ЕТАКЧИ (ингл. leader-бошловчи, раҳбар) гурӯхнинг хал қилувчи вазиятларда унинг учун масъулиятли қарорлар қабул қилиш ҳуқуқини тан олган аъзоси; бирор бир жамоада катта обрў эътибор ва таъсирга эга бўлган шахс; сиёсий партия. жамоат ташкилоти ва х.к. нинг бошлиғи, раҳбари.

ЕТАКЧИЛИК – индивиднинг ҳатти-ҳаракатининг гурӯҳ етакчиси ролига мос келувчи қобилиятлари, сифатларнинг намоён бўлиши. Етакчи хили эса ижтиомий тузум табиати гурӯҳ хусусияти ва муайян тарихий вазиятга боғлиқ.

ИЕРАРХИЯ (юнон *hieros* - мукаддас ва *arche* - ҳокимият) маълум бир яхлийтлик қисмлари ёки элементларининг юқоридан қўйига қараб жойлашиш тартиби. Социологияда бу тушунча жамиятнинг ижтиомий тузилмасини, айниқса бюрократияни белгилашда кўлланилади.

МЕНТАЛИТЕТ (лот. *mens* - ақл, тафаккур) - индивид ёки ижтиомий гурӯхнинг, миллатнинг ўзига хос тафаккур тарзи, воқеликни маълум бир тарзда тушуниши ва биргалиқда ҳаракат қилишга тайёрлиги ва мойиллиги.

СОЦИАЛ МАҶОМ (СТАТУС) (лот. *status* - ҳолат) индивиднинг ижтиомий муносабатлар тизимидағи ҳолати аҳволи.

СТАТИСТИКА - ижтиомий воқеа ва ходисаларнинг миқдорий жиҳатларини маҳсус ўрганувчи фан.

СТАТУС - 1. Муайян тизим, тарғибот, ҳамда иерархиянинг ҳолати, даражаси ва мавқеи. 2. Бирор шахс, давлат органи ёки ҳалқаро ташкилотнинг ижтиомий мавқеини ифодаловчи бурч ва мажбуриятлар мажмуи.

СТРАТИФИКАЦИЯ - жамиятнинг тузилмаси ва алоҳида қатламларини, ижтиомий табақаланиш белгилари тизимини, ифодаловчи социологик тушунча.

УРБАНИЗАЦИЯ-(лот.*urbanis*-шаҳар) жамият ривожида шаҳарлар мавқеи ва ролининг ошиб кетиш жараёни.

Мавзу юзасидан назорат саволлари.

1. Социал стратификация тушунчаси.
2. Қуллик ва синф.
3. Социал мобиллик тушунчаси.
4. Социал динамика ва унинг турлари.

7-мавзу: Социал муносабатлар.

Режа.

1. Социал муносабат структураси ва тушунчаси.
2. Бирдамлик ва таназзул.
3. Бегоналашув ва унинг турлари.

Социал муносабат структураси ва тушунчаси. Социология фани тизимида социал муносабатлар жуда муҳим ўрин тутади. Чунки у орқали жамият аъзолари бир-бирлари билан маълум бир муомала ва ижтимоий ҳамкорликка интиладилар. Социология даги бу маҳсус соҳа ўзининг ўта долзарблиги ва муҳимлиги билан бошқа муаммо ва масалалардан ажралиб турсада, у ҳали мутахассислар томонидан тўлиқ илмий ва системали равишда ўрганилмаган ҳамда илмий адабиётларда етарли даражада ёритилмаган. Бу салбий йўлнинг асосий сабабларидан биринчиси, аввало, собиқ Иттифоқ фалсафий - социологик адабиётларида бу масаланинг бир ёқлама талқин қилинганлиги бўлса, иккинчиси эса, илғор ғарб ижтимоий адабиётларининг, бу соҳаси бўйича тўлиқ тадқиқот маълумотларининг бизда йўқлигидир.

Муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг бир хусусий кўриниши деб талқин қилинади. Мавжуд адабиётларни чуқурроқ таҳлил қилинадиган бўлса, шундай хulosага келиш мумкинки, юқорида кўрсатилган фикрларда қимматли асослар борлигини билса бўлади.

Социал муносабатлар тушунчаси кўпгина адабиётларда 2 хил даражада: кенг ва тор маънода талқин қилинган. Кенг маънода тушуниш - социал муносабатларни бутун бир ижтимоий муносабатлар тизими билан тенглаштиришdir ва улар орасидаги фарқларга қўп эътибор бермаслик билан боғлиқdir.

Тор маънода социал муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг бир муҳим элементи ва тури деб интерпретасия қилинади. Социал муносабатлар кенг маънода қўйидагича таъриф билан белгиланган.

Социал муносабатлар - бу, табиат ҳодисаларидан ўлароқ бўлиб, унда ижтимоий муносабатларнинг бутун бир тизими мужассамлашгандир.

О. Конт ўзининг позитивистик таълимотида социал муносабатлар муаммоларини худди биологик ҳодисалар усули билан ўрганиш принципларини кенг тарғиб қиласди. Позитивистик-натуралистик ёналишнинг ашаддий рақиби бўлган феноменологик социология социал ҳаёт ва социал муносабатларни бундай усулда талқин этганлиги учун О. Конт ва унинг издошларини кескин танқид қиласди. Натурализмнинг ва жиддий камчилик ва хатоликларини бартараф этиш учун феноменологик социология, инсон онгининг фаоллиги бу муаммолар йечимининг асосий омилидир, деб исботлашга интилади. Бу ёналиш вакилларининг фикрича, фақатгина инсон ва унинг тафаккури туфайли социал воқеликни ҳамда социал муносабатларни конструкциялаш (яратиш) мумкин. Чунки социал реаллик ва социал муносабатлар инсоннинг интерпретасион фаолияти орқалигина вужудга келади. Феноменологик социологиянинг таникли вакилларидан бири Д. Сильверман юқоридаги ғояларни асослаш учун позитивистик

социология назариясини танқид қиласы.

Албатта, бу ижтимоий фикрлар вужудга келгандан бери анча вақтлар ўтди, янги жуғрофий-сиёсий мақомлар пай до бўлди. Энг муҳими эса, тоталитар тузум барҳам топиб, янги давлатлар вужудга келди, янги жамиятда бир партиявийлик ҳукмронлиги йемирилди ва мустақил суверен давлатлар барпо бўлдилар. Энди эса жамиятдаги жараёнлами, жумладан, социал муносабатлар муаммоларини кенг плюралистик принсип орқали тадқиқ қилиш даври келди. Бу тамойил орқали, социал муносабатларнинг муаммо ва вазифаларини турлича таҳлил қилиш имконияти туғилди. Ушбу ижобий имкониятларнинг ҳосили сифатида республикамизда социал муносабат муаммолари жаҳон илмий тафаккурининг ҳархил ёналиш натижалари асосида тадқиқ қилинаётганлигини ажратиб қўрсатиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, социал муносабатлар муаммосини янги, юқори илмий даражада тадқиқ қилиш имкониятлари вужудга келди. Энди бу муаммони конкрет социологик тадқиқот билан ўрганиш жоиздир. Чунки Социология нафақат бу муаммонигина эмас, балки бутун ижтимоий ҳаёт жараёнлами кенг қамровда комплекс характерда ва амалий натижалар асосида чуқур тадқиқот қиласы.

Бирдамлик ва таназзул. Социал бирдамлик тушунчаси социал муносабатлар тизимида муҳим ўрин тутади. Чунки бирдамлик - бу, кўпгина маънавий омилларнинг мажмуасидан ташкил топган социологик категория бўлиб, у ижтимоий ҳаётда фаолият кўсатаётган инсонламинг ижтимоий тараққиёт масалаларини ҳал қилишларидаги ҳамкорлиги кўринишидир. Аввалом бор шуни таъкидлаб ўтишимиз жоизки, Социология фанига бу атама социал жисплашувни билдирадиган тушунча сифатида биринчи бўлиб О.Конт томонидан киритилган эди. Бу муаммога кўгина мутафаккилар ўзларининг кенг этиборларини қаратганлар. Айниқса э.Дюргейм, Г.Спенсерлар бу муаммони чуқур таҳлил қилганлар, лекин улар ўз тадқиқотларини турли хил ёналишларда олиб борганлар. Э.Дюргеймнинг фикрича, социал бирдамлик, бу ахлоқий принсип ва олий универсал қадрият бўлиб, у жамиятнинг ҳар бир аъзоси томонидан тан олинади. О.Конт ва Г.Спенсерламинг тадқиқотларида социал бирдамликнинг асосини иқтисодий мафаатлар ташкил қилиши марказий ўринни эгаллайди. Г.Спенсер ўзининг бирдамлик таълимотида мажбурий ва кўнгилли бирдамликни ажратиб қўрсатади. Унинг фикрича, кишилик жамияти ўз ривожланиш ёълида иккита ҳарбий ва саноат даврларига бўлинади. Бутун ҳаёт бу йерда интизомга асосланган. Саноат туридаги жамият эса осойишта ижтимоий ҳамкорликнинг эркин шаклларини ифода этади. Муаммонинг иккита жиҳатга ажратиб таҳлил қилинишини Д.Дюргеймнинг ҳам илмий фаолиятида кўриш мумкин. У ўз таълимотини механик ва органик бирдамликка ажратади. Ривожланмаган ва эски жамиятларда ҳукумронлик қиласиган бирдамликни Дюргейм, механик бирдамлик, деб атайди.

Механик бирдамлик - бу, «жамоа туридаги» бирдамлик бўлиб, у бу жамоадаги индивидларнинг ўхшашликлари билан белгиланади ва улар томонидан ижтимоий вазифалар бир хил турда бажарилади. Жамиятда ижтимоий меҳнатнинг тақсимлашиши туфайли индивидлар махсус вазифаларини бажарадилар ва бу хислатлар сабабли жамият жонли организмни эслатади. Шу жамиятда вужудга келган янги турдаги бирдамликни Дюргейм, органик бирдамлик, деб атайди. Меҳнатнинг тақсимланиши индивидларда ўзларига хос қобилияtlарнинг ривожланишига омил бўлади. Энди ҳар бир индивидларнинг ўзи эса бир-бирларига

боғлиқ бўладилар ва улар социал муносабатларнинг ягона тизими орқали бирдамлик туйғуларига эришадилар.

Кўпгина ғарб олимлари ижтимоий мулкка асосланган кооперасиянинг сермаҳсуллигини инкор этиб келадилар. Уларнинг фикрича, бутун жамият билан ишлаб чиқариш воситаларини гурухлар мулки қилиб бериш керак. Агар ишлаб чиқариш воситалари ижтимоий мулк хусусиятига эга бўлса, «маммурият» халқдан ажralиб қолади ва шу сабаб туфайли бюрократ бошқарувчилар ташкилоти вужудга келиши мумкин. Ўз-ўзидан, табиийки, бу жараёнлар натижасида ишчилар ўз меҳнатларидан мафаатдорликни ҳис қилмайдилар.

Мазкур тахминларнинг аксарияти ўз исботларини топдган. Айниқса, ярим мустамлакачилик даврида, бизнинг диёрда соҳта бирдамлик асосидаги кооперасиялаштириш кўплаб салбий оқибатларни келтириб чиқарди. Мехнатнинг ижтимоий тақсимоти ва кооперасия ниқоби остида худудимиз хомашё йетиштирадиган республикага айланди. Жамиятимизда туб маънодаги бирлашма жараёни фаолият кўрсатмади.

Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаб кўрсатганларидек, "Ўз-ўзини бошқаришнинг халқимиз анъаналари ва қадриятларига жуда хос боиган усули — маҳаллалар тизими сўнгги йилларда жуда катта нуфузга эга бўлиб бормоқда... энг адолатли мухит, энг адолатли ижтимоий шароит, вазият факат маҳаллада бўлиши мумкин. Ҳеч бир корхона, ҳеч бир давлат идораси ёки жамоат ташкилоти бу борада маҳалла билан тенглаша олмайди⁶".

Жамият ижтимоий таркибида ҳар бир шахс қайси ижтимоий гурухга ва ундаги ҳудудий, тармоқ (соҳа) ва ижтимоий мавқе ёналишига мансублиги билан характерланади. Булардан ташқари яна, шахс жинси, ёш жиҳати, оммавий аҳволи, ижтимоий келиб чиқиши, миллий мансублиги, маълумоти, илмий даражаси каби мезонлар билан ҳам ўрганилади. Ҳозирги бозор муносабатларига ўтиш даврининг иқтисодий қийинчиликлари ижтимоий гурух ва айrim шахслар қанчалик моддий имкониятга эгалиги, жамғарма маблағи миқдори каби томонларни ўрганишни ҳам талаб этади. Ҳозирда ижтимоий муносабатларда жамиятимиз учун мутлақо янги бўлган асослар яратилмоқда. Ҳусусий мулкчиликка асосланган кўп укладли, дунё сари очиқ юз тутган иқтисодиёт пайдо бўлаётir. Шунинг учун ҳам янги иқтисодий ва тақсимот муносабатлари социологиясини ишлаб чиқиши Социология фанининг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Ҳозирда меҳнатнинг мазмунини чукур ва ҳар жиҳатдан ўзгартирмай туриб, жамиятимиз ижтимоий таркибида сифат ўзгаришига эришиб бўлмайди. Бунинг учун, энг аввало, меҳнатга янгича муносабатни таркиб топтириш, янги технологияни яратиш, фанни янада тараққий эттириш, муносиб малакали кадрлар тайёрлаш, маорифни тубдан янгилаш каби кечиктириб бўлмайдиган вазифалар амалга оширилмоғи лозим.

Иқтисодиёт социологияси ишлаб чиқариш ва меҳнат жараёнини, тақсимот муносабатлари, моддий таъминот, аҳолининг моддий турмуш даражаси ва шу каби жамиятнинг иқтисодий ривожланиш соҳасидаги қонуниятларни ўрганади.

Жамиятнинг ижтимоий ривожланиши, энг аввало, унинг иқтисодий асослари билан боғлиқ боиади. Ижтимоий ривожланиш даражаси қанчалик юқори бўлса, ижтимоий ҳаётдаги бошқа соҳаламинг ривожланиш даражаси ҳам шунга мос равиша тараққий қилиб боради. Масалан, АҚШ, Япония, Жанубий Корея, Европа

⁶ Каримов И.А. «Биздан озод ва обод Ватан қолсин». Т.2. - Т.: «Узбекистан», 1996, 281-бет.

мамлакатларининг иқтисодий ривожланганлиги ва аҳолининг турмуш даражаси маданияти, хизмат кўрсатиш соҳаларининг тараққиётини белгилаб беради.

Иқтисодий муносабатларни ўрганишда асосий эътибор: меҳнатнинг ижтимоий муаммолари, меҳнат фаолияти ва тақсимот муносабатларига қаратилади.

Жамият аззолари томонидан яратилган моддий бойликлар улар ўртасида қандай тарзда ва қай миқдорда тақсимланишидаги фарқ ижтимоий гурухлар ўртасидаги фарқни келтириб чиқаради. Хусусий мулкнинг қонуний деб эълон қилиниши билан жамиятимиз ижтимоий таркибидаги текисчилик аста-секин ўз ўрнини ижтимоий мавқеи жиҳатидан ва етиштирилаётган моддий неъматларнинг тақсимоти жиҳатидан фарқ қилувчи ижтимоий гурух ва табақаларга бўлиниши ортиб бормоқда.

Республиканинг аста-секин бозор муносабатларига ўтиб бориши даврида Президент И. А. Каримов томонидан белгиланган беш тамойилга асосланган тарзда сиёsat юргизилмоқда. Буларнинг биринчиси-иқтисодиётнинг сиёsatдан устун бўлиши, уни ҳар қандай мафкуравий тазииклардан озод қилиш лозимлиги.

Иккинчиси - иқтисодиётни бошқаришда, айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида, янги тузум барпо этилаётганда давлат бошқарув тизимини қўлдан чиқармаслиги, яъни давлат асосий ислоҳотчи бўлмоғи лозимлигидир.

Учинчиси - қонунларга барча баравар риоя этишини таъминлаш, яъни қонун устиворлиги.

Тўртинчиси - кучли ижтимоий сиёsat юритиш.

Бешинчиси - бозор иқтисодиётига шошқалоқликка йўл қўймай, босқичма-босқич ўтиш зарурлиги.

Тақсимот муносабатлари социология предметига тааллуқли бўлиб, унинг таркибига ишлаб чиқариш қуроллари тақсимоти, жамият аззоларининг ишлаб чиқаришнинг турли тармоқлари бўйича жойлашуви ва жамият томонидан ишлаб чиқарилган моддий неъматлар, ишлаб чиқариш қуроллари ва истемол моллари киради. Моҳият эътибори билан тақсимот муносабатлари мавжуд ишлаб чиқариш муносабатлари характеристига мос келади.

Алоҳида кишилар ва ижтимоий гурухларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаолияти моҳияти тақсимот муносабатлари характеристи билан белгиланади. Ижтимоий гурухлар, табақалар ва алоҳида олинган кишиларнинг реал даромадлари даражаси бу даромадларнинг ўзгариши ва ривожланиши истиқболлари уларнинг ижтимоий-сиёсий позисияларини белгилайди.

Совет тузуми даврида ижтимоий гурухларнинг моддий даромадларини тенглаштириш сиёsatи юргизилган. Натижада кишиларнинг меҳнатга муносабати сусайиб, ижодийлик, омилкорлик, ишбилармонлик, тадбиркорлик, моддий манфаатдорлик каби ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим стимуллари ёъқала борган.

Демак, тақсимот муносабатлари жамият ҳаётини, айниқса, унинг иқтисодий жиҳатдан ривожланишида муҳим ўрин тутади.

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш муносабати билан, Ўзбекистонда мулкчилик турли шаклларининг жорий қилиниши ва уларнинг давлат ҳимоясига олиниши тақсимот муносабатларида тубдан ўзгаришларга олиб келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, жамият иқтисодий ривожланишини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон ўз миллий пулига эга бўлиши муносабати билан иқтисодий ва

тақсимот муносабатларига сезиларли таъсир кўрсата бошлади. Ўзбекистон ички бозорини тўлдириш — давлат сиёсати даражасида олиб борилмоқда. Аммо ҳозирда ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий интеграсиянинг вақтинча бузилганлиги оқибатида юзага келган иқтисодий тақчиллик, айниқса, халқ истемоли моллари танқислиги иқтисодий ва тақсимот муносабатларига сезиларли таъсир кўрсатди. Унинг оқибатида кишиларнинг турмуш даражаси анча пасайди.

Ўзбекистон давлатининг бу соҳадаги сиёсати "миллий бойликнинг кўпайишини, республиканинг мустақиллигини, одамларнинг муносиб турмуш ва иш шароитларини таъминлайдиган қудратли, барқарор ва жўшқин ривожланиб борувчи иқтисодиётни барпо этишдан иборат буюк мақсадни кўзламоқда.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодиёт ва тақсимот муносабатлари Социология фани доирасида тадқиқот обьекти сифатида муҳим ўрин тутади.

Жамиятнинг ижтимоий таркибида ижтимоий-синфий муносабатлар ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Совет социологиясида синфий муносабатлар, синфий кураш масалаларига жуда кенг ўрин берилиб, бу муносабатлар ижтимоий таркибдаги бошқа барча элементлар, муносабатлар ичида энг муҳим ва белгиловчи ҳисобланган. Бунинг сабаби, унда жамиятнинг иқтисодий таркиби бошқа ижтимоий гурухлардагига нисбатан тўлароқ ва аникроқ акс этади, - деб кўрсатилган.ҳақиқатдан ҳам, давлат социализм даврида мавжуд ишчилар ва дехқонлар синфи жамиятнинг энг кам таъминланган, қуи даражадаги синфларни ташкил қилди. Интеллигенсия ижтимоий қатлами эса моддий таъминланганлик жихатидан улардан унчалик фарқ қилмаган. Ўтган даврда, асосан, икки синф — ишчилар ва дехқонлар синфи ва интеллигенсия қатлами мавжуд деб кўрсатилиб, жамият ижтимоий таркибидаги бошқа гурухлар (масалан, юқори табака чиновниклари, мафия гурухлари ва шу кабилар)нинг аҳамияти мутлақо тилга олинмас эди.

Ишчилар синфи кўп қиррали ижтимоий бирлик ҳисобланади. Унинг ички таркиби демографик (жинси ва ёши билан), профессионал — тайёргарлиги билан (мехнатнинг мазмунни ва ҳарактери билан), худудий (ижтимоий-худудий бирлик билан), этник (миллий фарқи) ва маданий-мальумоти билан фарқ қилувчи таркибий тузилишга эга.

Ҳозирда Ўзбекистон давлати миқёсида миллий ишчилар синфминг таркиб топиши учун шарт-шароит яратилмоқда. Жаҳон талабларига жавоб бера оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун моддий замин тайёрланмоқда. Чет эл фирмалари билан қўшма корхоналар яратилмоқда. Эндиликда, юқори технологияга асосланган саноат ишлаб чиқаришининг малакали ишчи - муҳандислар гурухи шакллана бошлади.

Ишчилар синфи ривожланиш истиқболларига эришиш учун уларни миқдорий жихатдан кўпайтириш билангина эришиб бўлмайди. Аввало меҳнатнинг интеллектуал мазмунини бойитиш, замонавий автомат-технология билан жиҳозланган иқтисодий шарт-шароитларни барпо қилиш зарур. Амалга оширилиши керак боиган бундай тадбирлар бевосита қишлоқ хўжалиги дехқонлари ҳамда интеллигенсия қатлами учун ҳам тааллуклидир.

Иқтисодиётни интенсив равишда ривожлантириш ижтимоий-таркибий алоқаларга кучли таъсир этади. Шунингдек, ижтимоий таркибдаги иқтисодий ва тақсимот муносабатларининг ижобий ривожланиши мамлакат табиий ресурслари, худудий ўзига хос хусусиятлар, сиёсий барқарорлик, миллатлар ўртасидаги муносабатларга кўп жихатдан боғлик бўлади.

Мамлакат қишлоқ хўжалиги соҳасида банд бўлган, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишириётган дехқонлар ҳам ижтимоий таркибида синф сифатида ўрин тутади. Ўзбекистонда аҳолининг 60 фоиздан ошиғи қишлоқ жойларида яшайди. Миллий даромаднинг 44 фоиздаи кўпроғи қишлоқ хўжалигидан олинади Мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатимиз бўйича меҳнатга яроқли кишиларнинг 39,3 фоизи чорвачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида меҳнат қиласди. Баъзи туманларда бу кўрсаткич 80-90 фоизни ташкил этди⁷.

Булардан кўриниб турибдики, жамиятимиз ижтимоий таркибида дехқонлар синфнинг ўрни катта.Хозирда мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон ҳукумати дехқонлар мавқенини кўтаришга алоҳида эътибор бермоқда. Уларнинг турмуш даражасини оширишда катта ишлар олиб борилаяпти. Уй-жой қуриш учун бепул ер ажратилди Моддий ёрдам кўрсатилмоқда. экинзор ерлар ижарага берилмоқда. Фермерларнинг сони ортмоқда. Етиширган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини шаҳарга олиб келиб сотиш учун имкониятлар яратилди. Уларнинг оладиган йиллик даромадлари бир неча бор ортди.

Дехқонлар синфи ичида ҳам табақаланиш жараёни тез суръатлар билан бормоқда. Уларнинг таркибида ишбилармон, тадбиркор фермерлар пайдо бўлди. Ижаравчилар гурухи ҳам борган сари қишлоқ хўжалигига муҳим аҳамият касб этмоқда.

Янги иқтисодий муносабатларнинг таркиб топиши билан қишлоқ ишчилар синфи шаклланишига моддий замин тайёрланмоқда. Бошқача айтганда, қишлоқка саноат кириб келмоқда. Бу эса қишлоқ хўжалигига мавжуд ортиқча ишчи кучини иш билан таъминлаб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтирмоқда.

Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаб ёзадики, «Ўзбекистон иқтисодиётининг бир томонлама - хомашёвий йўналишига қаттий барҳам бериш республика ички сиёсатининг энг муҳим стратегияси ҳисобланади. Фақат хом ашё етиширувчи ва сотувчи ўлка сурункали ночорликка гирифтор бўлади⁸».

"Дастлабки ҳисоб-китоб шуни кўрсатадики, агар биз республикада бор хом ашё ва чала маҳсулот ишлаб чиқаришни тугал жараёнга етказиб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйсак, республикамизда ялпи миллий маҳсулот ишлаб чиқаришни икки баробардан зиёд, миллий даромадни эса тахминан уч баробар кўпайтиришимиз мумкин". "

Жамият ижтимоий таркибида зиёлилар қатлами ҳам салмоқли ўрин тутади. Интеллигенция ақлий меҳнат мутахассислари бўлиб, ижтимоий-профессионал гурухлардан таркиб топмоқда. Жамият ижтимоий таркибида интеллигенция ақлий меҳнатнинг жисмоний меҳнатдан ажralиб чиқиши оқибатида шаклланди.Хозирда фан, илмий техника тараққиётининг жадал бориши билан интеллигенциянинг профессионал малакаси янада мураккаблашмоқда. Унинг таркибига илмий, ишлаб чиқариш-техник, маданият, маърифат, тиббиёт-ҳарбий ва бошқарув аппарати ходимлари кириб келди.

Зиёлилар таркибини яна шаҳар ва қишлоқ, ижтимоий бандлик соҳалари бўйича (ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида) меҳнатнинг ижодий

⁷ Каримов И.А. «Узбекистан: миллий истиклол, иктисол, сиёсат, мафкура. Т.1. - Т.: «Узбекистан», 1996, 68-т.

⁸ Уша жойда, 74-бет

⁹ Каримов И.А. «Узбекистон миллий истиклол, иктисол, сиёсат, мафкура». Т.1. - Т.: «Узбекистан», 1996, 117-б

характери даражаси билан, малака ва бошқа жиҳатлари билан фарқлаш мумкин.

Собиқ совет даврида зиёлилар сон жиҳатидан ортди-ю, аммо унинг сифат даражаси анча паст бўлиб қолаверди. Чунки зиёлилар қатлами, аввалам бор, меҳнат характери билан белгиланади, Ўтган даврда олий маълумот олган қанчадан-қанча кишилар ҳозирда ишчи бўлиб ёки тижорат ва бошқа соҳаларда ишламоқдалар. Улар зиёлилар таркибига кирмайди.

Социологияда миллий муносабатлар иқтисодий, сиёсий ва маънавий-мағкуравий муносабатлардаги ўзаро узвий алоқадорлик назарда тутилган ҳолда конкрет этник мухит доирасида, ижтимоий жамоалардаги, оиласидаги, худудий тартибдаги муносабатлар доирасида олиб қараб ўрганилади. Шунингдек, миллатлараро муносабатларнинг жамият ижтимоий ҳаётига таъсири ва уларнинг ижтимоий оқибатлари тадқиқ этилмоқда.

Собиқ Иттифоқ даврида муайян иқтисодий-сиёсий ва идеологик режим асосида ушлаб турилган, бошқарилган миллий муносабатлар эндиликда аста-секин тикланмоқда. Шу жиҳатдан, Ўзбекистоннинг кўп миллатли давлат бўлганлигини эътиборда тутган ҳолда, унда истиқомат қилаётган миллатлар ва халқларнинг ижтимоий турмуши, ўзаро алоқаси ва шу каби муносабатлами социологик тадқиқ қилиш мухим аҳамиятга эга.

Яқин ўтмишимизда содир бўлган Фарғона, Андижон, Ўзган воқеалари қайта тақрорланмаслиги учун Ўзбекистонда бундан кейин ҳам миллатлараро ҳамдўстликни ривожлантириш, ўзаро аҳил, бир оила бўлиб яшаш талаб этилади. Президентимиз И.А.Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон ҳукуматининг асосий мақсади ҳам Марказий Осиё ҳудудида ҳар қандай миллий низоларнинг олдини олишдан иборат.

Социология доирасида ҳам ижтимоий-этник муносабатлар илмий таҳлилга муҳтоҷ бўлади. Айниқса, ижтимоий-иқтисодий, психологик жиҳатларини тадқиқ қилиш мухимdir. Шунинг учун ҳам бу масалалар социология, этнопсихология ва бошқа ижтимоий, гуманитар фан соҳаларида кенг ўрганилиши шарт.

Бегоналашув ва таназзул ҳамда ижтимоий оқибатлар

Хозирги жамият ҳаётида қуйидаги бегоналашув турларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- 1.Иқтисодий.
2. Сиёсий.
3. Маданий.
4. Ижтимоий.
5. Руҳий.

Бу бегоналашув турлари ўзларининг маълум бир шаклларига эгадирлар. Масалан, иқтисодий бегоналашув учта шаклга эга: 1. Фаолиятдан бегоналашув. 2. Фаолият бошқарувидан бегоналашиш. 3. Фаолият натижаларидан бегоналашиш. Сиёсий бегоналашиш сиёсий ҳокимиятдан бегоналашишдан; маданий бегоналашиш мулоқатдан, инсонларнинг бир-биридан; психологик бегоралашув ўз-ўзидан бегоналашишдан иборат бўлади.

Бегоналашув жараёни ва таназзул бир-бирларига боғлиқ ҳодисалардир. Агар жамиятда ишлаб чиқариш суръатлари кескин пасайса, хўжалик алоқалари узилса, пулнинг қадри тушиб кетиб, нархлар тез суръатларда ошиб кеца, бошқарув тузилмалари издан чиқса ва сиёсий тангликлар вужудга келса, биз жамиятнинг ҳамма соҳалари таназзулга учраган, деб фикр юритишимиз мумкин.

Бу чуқур таназзул инсонларнинг кучли бегоналашув оламига салбий таъсир қилиши, баъзи тартиблар киргизиши аниқ. Ўз навбатида бегоналашув жараёни қанчалик кенгайса, таназзул ҳам шунчалик, чуқурлашиб бораверади. Масалан, ишлаб чиқариш жараёнида меҳнатнинг тақсимланиши рўй беради. Бу эса

тараққиёт учун қўйилган улкан қадамдир. Лекин шу билан бирга ижтимоий мулкчиликка асосланган ижтимоий муносабатларнинг шундай бир тури - ишлаб чиқариш муносабатлари шаклланадики, унинг асосида бевосита ишлаб чиқарувчи ишлаб чиқариш воситаларидан узоқлашиб, аста-секинлик билан ўз меҳнати натижасида бегоналашиб боради. энди бу ишлаб чиқарувчи шахс учун меҳнат унумининг ҳам қизиги ёъқ. Марксизм таълимоти бўйича хусусий мулк ижтимоийлаштирилгач, ишлаб чиқариш воситаларига энди бевосита ишлаб чиқарувчилар умумий эгалик қилишлари керак эди. Лекин ижтимоий амалиётда эса бунинг акси бўлиб чиқди. Сиёсий ҳокимиятни босиб олган пролетариат ишлаб чиқариш воситаларини давлат мулкига айлантириди. Социалистик революсия мантиғига кўра, бу тадбирлар бегоналашув жараёни илдизига болта уруши керак эди. Лекин 70 йиллик тарих давомида бизга уқтириб келинган ижтимоий мулк давлат мулки эди. Бу мулк эса хусусий мулкнинг энг жирканч, адолатсиз тури бўлиб чиқди. Чунки давлат мулки ўзининг реал эгасига эга эмас. У бир мавхум тушунча эди. Меҳнат кишиси эса у ана мулкдан бегоналашди. Давлат мулки эса давлат аппаратининг хусусий мулкига айланиб, бу номенклатурани «янги» синфга айлантириди. Бу салбий жараёнлар натижасида ишлаб чиқариш ўзининг ҳақиқий эгасини топа олмади.

Маданий соҳадаги бегоналашув ҳам анчагина чукур салбий оқибатларга олиб келадиган маънавий таназзулни келтириб чиқарди. Жамиятда соғлом мухитни яратишда маънавият ва маданиятнинг ўрни ўзгача. Чунки, улар индивидларнинг баркамол бўлиб шаклланишларига катта таъсир кўрсатадилар. Агар жамият аъзолари ўз маънавиятлари, бой маданий меросларидан узоқлашиб кетиб, ундан бегоналашсалар, улар энди ўзларининг келиб чиқишлидан тортиб, то ўз миллатларининг ҳам миллий урф-одатлари, аньяналарини ҳам инкор қила бошлайдилар. Агарда яқин ўтмишимизга, унинг тирихига мурожаат эцак, ушбу сатрларимизнинг яққол исботини кўрамиз. Масалан, бой маданий меросимиздан бегоналашувимиз бизларни атоқли адиб Чингиз Айтматовнинг таъбирича, манкуртларга айлантирай деди, яъни биз ўз халқимиз тарихи, миллий озодлик ҳаракатлари ва уларнинг саркардалари, динимиз ва ўзлигимиздан узоқлашиб қолдик. Давлатимиз мустақиллигига эришиб, маданий бегоналашувни бартараф этишини бошладик. Социологиядаги мухим бегоналашув ҳисобланган социал бегоналashiш инсонларни мулоқотдан, бир-бирларидан узоқлашишлари натижасида юзага келади. Инсон ўз моҳиятига кўра, ижтимоий хусусиятга эгадир. Ўзаро фаолият туфайли пайдо бўлган эҳтиёжлар асосида доим инсонлар бир-бирлари билан муносабатларда мулоқотларда бўладилар. Мулоқотнинг ижтимоий маъноси шундаки, у маданият шакллари ва ижтимоий тажрибаларни узатиш воситаси бўлиб химат қилади. Лекин иқтисодий таназзул кўпгина инсонларни қийин иқтисодий аҳволга солиб қўяди. Натижада жамият аъзоларининг аксарияти бозор иқтисоди муносабаларига кўникишлари қийин кечади. Оқибатда инфляциядаги эҳтиёжлар тизимининг чекланиши ва нормаллаштириш инсонларда агрессивлик кайфияти, жоҳиллашиш фуқароларда аньана ва урф-одатлар, маънавий қадрятларни йўқотишга олиб келади. Шу каби салбий омиллар инсонларнинг бир-бирларидан бегоналашувларини кучайтиради ва ҳамма ўз ҳолича деган норасмий қонун пайдо бўлади.

Руҳий бегоналашув - бу, инсоннинг ўз моҳиятидан узоқлашишдир. Ушбу муаммони немис мутаффакири эрих Фромм жуда яхши ишлаб чиқсан. Унинг фикрича, инсон моҳияти доим ўзига душманлик кайфиятида бўлган социал

тузилма таъсири остидаги инсон ўз-ўзидан бегоналашувининг ҳар бир даражасига маълум бир социал характер - дунёпарастлик, эксплуататорлик, рецептив (андозалик, қолип), бозорга оидлик хосдир.

Замонавий жамиятни Э. Фромм инсон моҳиятини «машиналаштириш», «компьютерлаштириш» ва «роботлаштириш» жараёнлари ёрдамида бегоналашув унинг даражасининг бир маҳсули деб таърифлайди. Бозорга йўналтирилган социал ҳаракат пайдо бўлиб, унда истеъмолга интилиш, иккиланишлар ҳиссиёти, яккаланиб қолишлик ва бошқа салбий ҳолат, ҳиссиётлар марказий аҳамият касб этади.

Худди шу ерда психологик ва социал бегоналashiш бир-бири билан жуда уйғунлашиб кетишини кўриш мумкин. Инсонлар бир-бирларидан муносабатда, мулоқотда бегоналашсалар, ўз-ўзларидан бегоналashiш ҳам юз беради, чунки инсонларнинг бир-бирларидан бегоналашувлари оқибатида улар яккаланиш, зерикиш ва ҳаётга қизиқишлиари сўниши вужудга келиши мумкин. Бунинг натижасида инсон ўз келажагига, орзу-ниятларига ишончи йўқолиб, у ўзини бегона деб ҳисоблайди ва бу жараён кўпинча салбий оқибатларга олиб келади.

Мавзу юзасидан назорат саволлари.

1. Социал муносабатлар ва уларнинг турлари.
2. Бардамлик ва унинг турлари.
3. Бегоналашув тушунчаси.
4. Таназзул ва унинг салбий оқибатлари.

8-МАВЗУ. ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТ СОЦИОЛОГИЯСИ РЕЖА:

- 1.Ижтимоий тараққиёт тушунчасининг мазмун-моҳияти.
- 2.Эволюцион, революцион ва реформистик тараққиётлар.
- 3.Социал реформалар ва уларнинг турлари.
- 4.Социал бошқарув тушунчаси.

Ижтимоий тараққиёт тушунчасининг мазмун-моҳияти.

Ижтимоий тараққиётнинг моҳияти - маданиятни қайта ташкил этиш: шахсан анъанавий тур, қотиб қолган ижтимоий формаларни ўзгарувчан, жошқинликни ифодаловчи тузумлар ва муносабатлар билан алмаштириш зарурлигини белгилаб беради.. Субъектив социологлар андозаларида шахс, асосан ҳаракатга келтирувчи куч сифатидагина эмас, шунингдек, ижтимоий ҳаётнинг ўлчови ҳамdir.

Ижтимоий тараққиётнинг олий мақсади шахснинг ҳар томонлама камол топиши учун хизмат қиласиган муносабатларни яратишдан иборат.

Конт нуқтаи назарига кўра, социология позитив моҳиятга эга фандир. «Позитив усул» илмий кузатишлир, эксперимент ва таққослаш усули ёрдамида тўпланган эмпирик маълумотларни назарий таҳлил қилишни ифодалайди.

О. Конт томонидан 1839 йилда «Позитив фалсафа рухи» асарининг учинчи томи нашр этилганлиги натижасида биринчи маротаба у жамиятни илмий асосда ўрганиш сифатида социология атамасини қўллади ва бу социологиянинг шаклланиши ва ривожланишига олиб келди.

Кейинчалик социология ижтимоий муносабатларни назарий анализ қилишни социал фактларни эмпирик тадқиқ қилиш билан қўшиб олиб борувчи мустақил фанга айланди. О.Конт социологияни 2 қисмга ажратади: а) социал статистика ва б) социал динамика. Социал статистикада ижтимоий тизимларнинг шарт-шароити ва функционал қонуниятлари ўрганилишини кўрсатади. Унда ижтимоий институтлар: оила, давлат, дин кабилар тадқиқ этилади. Социал динамикада эса О.Конт ижтимоий тараққиётни назарда тутиб, жамиятнинг маънавий ва ақлий ривожига инсоният тараққиётининг ҳал қилувчи омили, деб қарайди. Бу тамойил ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. О.Конт: «Ҳар қандай билим тафаккур маҳсулидир ва у инсоният манфаатларига хизмат қилиши керак, акс ҳолда бу билимлардан ғаразли мақсадларда фойдаланилса, жамиятга катта зарар келтирилади», деган эди.

О.Контнинг таъбирича, социология инсон ақлини ва психикасини ижтимоий ҳаёт таъсирида такомиллашиб боришини ўрганиб борадиган ягона фандир. Бу фикрни Конт бутун бир таълимотга айлантиради ва унга мувофиқ индивид абстракциясидир, жамият эса воқелик бўлиб, у табиий қонунларга бўйсунади.

Эмпирик социология жамият таркибини алоҳида тизимий бўлинмалар тарзида тадқиқ этишни асослаб берди. Гарчи, эмпирик социология тарафдорлари стратификацион дифференсиацияни абсолютлаштириб, ижтимоий интеграция жараёнларини эътибордан соқит қиласиган.

Бу оқимлар умуминсоний қадриятларга асосланувчи қонуниятларга, илмий

назарияларга асосланилса, шубҳасиз, муҳим аҳамиятга эга бўларди.

4. Структуравий функционализм оқими. (Т.Персонс, Р.Мертон ва бош.). Бу оқим ижтимоий тизим интеграцияси ва яхлитли принципига асосланади.

5. Индустрисал жамиятдан сўнгги жамият концепция. (Дж.Белл, Дж.Гелбройт, Э.Бзжезинский, О.Тоффлер ва бошқалар).

6. Ахборотга асосланган жамият назарияси (Япония, АҚШ, Европа). Улар жамиятнинг ахборатлашуви ва компьютерлашуви ғоясини илгари суради.

Ҳозирги пайтда ривожланган мамлакатлар социологиясида жамиятда бир-бирига зид, қарама-қарши бўлган 2 модел мавжуд:

1. Мувозанатли интеграцион модел. Бу моделни АҚШ олими Р.Аппелбаум ишлаб чиқкан. Унинг таркибий элементлари:

а) ҳар қандай жамият ўзини ташкил этувчи уйғун, мукамал интеграцион элементлар йиғиндисидан иборат;

б) жамият ҳар бир элементи унинг иш юритишига шароит яратади;

в) ҳар бир жамият ўз аъзоларининг фаоллиги, янгилигига таянади.

2. Жамиятнинг конфликтли модели (немис тадқиқотчиси Р.Дарендорф ишлаб чиқкан). У:

а) ҳар бир жамият исталган пайтда ижтимоий ўзгаришларнинг доимийлиги билан ҳарактерланади;

б) ҳар бир жамият исталган пайтда доимий ижтимоий конфликтларга эҳтиёж сезиб туради;

в) жамият ҳар бир элементи ўзгариб боришга шароит тұғдиріб туради;

г) ҳар бир жамиятта ўз аъзоларининг бир қисми иккинчи қисми томонидан тазийк остида бўлиши табиий ҳолдир, деб билади.

Шу боисдан ҳам Ғарб мамлакатларида ўтказилаётган социологик тадқиқотлар зиддиятларни бартараф этиш мақсадларига ҳам қаратилгандир.

Инсон иқтисодий фаолияти маълум бир услублар, назариялар, амалиётлар, институт, ташкилотлар орқали бошқарилиб келинса, ижтимоий жараён, ҳодисалар ва муносабатлар эса ҳали унчалик бошқарилиш даражасига ўтгани йўқ.
«Ижтимоий бошқарув» фанига XX аср бошларида Тейлор, М.Вебер, А.Фаёл каби олимлар асос солдилар. XX аср ўрталаридан бошлаб системали ёндашув усули кўлланила бошланди.

Ижтимоий жараёнларни башорат қилиш ва бошқариш қуйидаги асосий вазифаларни кўзлади:

истиқболни баҳолаш, жамият ижтимоий тараққиётининг муҳим қўрсаткичларини аниқлаш ва унга оқилона етишишнинг самарали воситаларини белгилаш.

мөъёрларни аниқлаш, истиқболдаги асосий ижтимоий талаб ва уни қондириш имкониятларини белгилаш.

таҳдидларни тахминлаш, жамият ижтимоий тараққиётига акс таъсир этиш мумкин бўлган ўзгаришларни аниқлаш ва таҳлил этиш.

Ижтимоий башорат турлари:

Истиқболдаги ҳолатларни башорат қилиш: ўтган, ҳозирги ва келгуси замон ҳамда истиқбол анъаналарини башорат этиш.

Меъёрий башорат - ижтимоий ҳаётга мос меъёрларни топиш, аниқлаш.

Таҳдидлар башорати - ижтимоий тараққиёт издан чиқиши ҳолатининг таҳлилига асосланилади.

Ижтимоий башорат ўзаро мантиқий боғланган 4 босқичда амалга оширилади:

Биринчи босқич - башорат объекти бўйича маълумотлар манбанини ва кўрсаткичларини аниқлаш, башорат дастурини ишлаб чиқиши, башорат мақсади масалаларини белгилаб олишдан иборат бўлади.

Иккинчи босқич - башорат қилинувчи объектнинг динамик моделини ишлаб чиқишини ўз ичига олади.

Учинчи босқич - башорат қилинувчи жараён моделига кирувчи бошқарув кўрсаткичларини белгилаш, уларнинг ўзгариш тенденсияларини ва чегараларини аниқлаб олиш, турли тахминий варианtlарини аниқлаш.

Охирги босқич - кўп вариантили башоратни амалга оширишни асослаш ва таҳлилий хуносаларни ишлаб чиқишдан иборат.

Ижтимоий башорат масаласини ечишда математик моделлаштириш ва экспертиза усуллардан фойдаланилади.

Ахборот жамият фаолиятининг ижтимоий жиҳатдан ўзига хос тамойилларини ифодалайди ва унинг ёрдамида ижтимоий бошқарув амалга оширилади. Ижтимоий ахборотнинг ўзи гурухларга ажратилади.

Биринчи гурухга ижтимоий гурухлар тузилмаси ва ҳолати ҳақидаги ахборотлар киради.

Иккинчи гурух одамларнинг меҳнат ва турмуш шароити ҳақидаги ахборотлардан ташкил топади.

Учинчи гурух одамларнинг ҳаёт фаолияти, турмуш тарзи ва бошқа ахборотлардан иборат.

Бошқарув нуқтаи назаридан ижтимоий ахборот:

ташкилий;

назорат – ҳисобга олиш;

натижавий ахборотлардан иборат.

Ташкилий ахборотлар ижтимоий бошқарув объекти ва субъекти ўзаро боғланиши, бошқарув жараёни, бошқарув қарорларининг бажарилиши ҳақидаги маълумотларни ташкил этади.

Назорат - ҳисобга олиш, ахборотлар, ижтимоий жараёнларни бошқаришнинг бориши ва унинг бошқарув қарорларига мослиги ҳақидаги маълумотлардир.

Натижавий ахборотлар - белгиланган бошқарув тадбирлари, талаблари, қоида ва нормалари ҳақидаги ахборотларни ўз ичига олади.

Ижтимоий бошқарув: сифат ва миқдор кўрсаткичлари орқали амалга оширилади.

Сифат кўрсаткичлари - ижтимоий ҳодиса ва жараённинг таърифий хусусиятлари ва таркибий тузилиши кўринишлари ҳақидаги маълумотлардир.

Миқдор кўрсаткичли ахборотлар – ижтимоий ҳодиса ва жараённинг миқдорий ўлчов шаклида аниқланган катталикларидан иборат. Бу ахборотлар ЭҲМга асосланган ҳолда математик моделлаштиришни ва у орқали ижтимоий башорат қилишни, таҳлил қилиш ва баҳолашни амалга оширишга имкон беради.

Хозирги даврда иқтисодий ҳаётни маълум бир концепцияларсиз, мафкуравий мақсадларга асосланмасдан тасаввур қилиб бўлмайди. Шунга кўра, Президент Ислом Каримовнинг бозор иқтисодиётiga ўтиш даври тамойилларидан бири бўлган «иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги» тамойили иқтисодий ҳаётнинг маъмурий- буйруқбозлик мафкурасидан холи бўлишини, иқтисодий ҳаётнинг эркинлаштиришни кўзда тутади.

Иқтисодий ҳаёт инсон маънавий ҳаёти билан узвий боғлиқдир.

Президент И.Каримов таъкидлаганлариdek, «Бизнинг бозор муносабатларига

ўтиш моделимиз республиканинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини, анъаналар, урф-одатлар, турмуш тарзини ҳар томонлама ҳисобга олишга, ўтмишдаги иқтисодиётни бир ёқлама, бесўнақай ривожлантиришнинг мудҳиш меросига барҳам беришга асосланади».

Иқтисодий ҳаёт сотувчи ва харидор ўртасида маданий, маънавий муносабатларсиз мавжуд бўлмайди. Агар ишчининг мафаатлари, эҳтиёжлари инобатга олинмаса, уларнинг мақсади ва интилишларига шароит яратилмаса, ҳеч кандай техник ва технология муаммоларини ҳал қилишга имконият бермайди.

XIX аср охири ва XX аср бошларига келиб, иқтисодий ҳаёт социологиянинг тадқикот обьектига айланди. Худди шу даврда ишлаб чиқаришда инсон омилининг етакчилик роли англаб етилди ва бу борадаги тафаккур шаклланиб борди.

Хозирги даврда иқтисодий ҳаётни маълум бир концепцияларсиз, мафкуравий максадларга асосланмасдан тасаввур килиб булмайди. Шунга кура Президент Ислом Каримовнинг бозор иқтисодиётига утиш даври тамойилларидан бири булган «иктисодиётнинг сиёsatдан устунлиги» тамойили иқтисодий ҳаётнинг маъмурий буйруқбозлик мафкурасидан холи булишини, иқтисодиётни эркинлаштиришни кузда тутади.

Иқтисодий ҳаёт инсон маънавий ҳаёти билан узвий боғлиқдир.

Президент И.Каримов таъкидлаганлариdek, «Бизнинг бозор муносабатларига утиш моделимиз республиканинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини, анъаналар, урф-одатлар, турмуш тарзини ҳар томонлама ҳисобга олишга, ўтмишдаги иқтисодиётни бир ёқлама, бесунакай ривожлантиришнинг мудҳиш меросига барҳам беришга асосланади».

Иқтисодий ҳаёт сотувчи ва харидор уртасида маданий, маънавий муносабатларсиз мавжуд булмайди. Агар ишчининг мафаатлари, эҳтиёжлари инобатга олинмаса, уларнинг максади ва интилишларига шароит яратилмаса, ҳеч кандай техник ва технология муаммоларини ҳал қилишга имконият бермайди.

Гарб давлатларида XX аср 60-йилларида иқтисодий социология фанининг ижтимоийлашуви тенденцияси кучайди. Иқтисодий социологияни бугунги кунда глобал ва хусусий масалаларни ҳал килувчи фан сифатида тасаввур килиш мумкин.

Иқтисодий ҳаётни ижтимоий талкин этишга биринчи бор гарбда Ф.Тейлор эътибор берди. У ишчиларнинг меҳнатга булган кизикишини урганди ва 1894 йили меҳнатга ҳак тулаш тизимиға асосланган назарияни ишлаб чиқди. Бу гоя «иктисодий одам» концепцияси асосида шу нарсаларга эътибор берилди:

1. Энг киска вактда ишчи канча куп хажмда иш бажарса, унга шунча ҳак тулаш.

2. Ишнинг хажмини эмас, балки самарадорлиги ва яхшилигини рагбатлантириш.

3. Ишчиларга кам иш хаки бериш ва куп бериш баравар заарлидир.

4. Ишловчидаги юксак ҳак олувчи булишга интилиш хиссини уйготиши, юксакликка интилиб яшаш.

Тейлор концепцияси Америка саноатида Форд томонидан ишлаб чикишига тадбик этилди, конвейер ишлаб чикиши шароитида меҳнатнинг самарадорлиги рагбатлантирилди. Собик СССРда иктиносод моддий рагбатлантириш урнига тенглик тушунчасини майдонга ташлади. Натижада мулкнинг давлат ва кооператив шакли мутлоклаштирилди. Бу эса ишчини меҳнатдан, мулқдан бегоналашувга олиб келди. Кам иш хаки олувчиларнинг иш хаки юкори малакали мутахассисларни рагбатлантирумасди.

Хозирги социологлар ва иктиносодчилар жамиятнинг куйидаги куринишларини тадқик этмоқдалар:

- 1. Анъанавий жамият.**
- 2. Индустрисал жамият.**
- 3. Пост индустрисал жамият.**

1. Анъанавий жамиятда ерга булган мулкчилик асосий уринни эгаллайди. Бойлик ташки манбалар асосига курилиб, табиат манбааларини эгаллаш, узлаштириш кучаяди.

2. Индустрисал жамиятда мулкнинг барча куринишларига булган муносабат шаклланади. Йирик машина ишлаб чикиши кул меҳнати урнига келиб юксак меҳнат унумдорлигига асосланган ишлаб чикишни изохлади. Автоматик ишлаб чикиш вужудга келади. Оммавий ишлаб чикиш белгига айланади. Ишлаб чикишда юксак малакали ишчиларнинг роли ортиб боради, улар мутахассислашадилар. Натижада машина ёрдамида стандартлашган операциялар бажарилади. Хужалик соҳасида саноат ва молиявий капитал устунлик килади. Махсулот бозор учун мулжалланган булади. Индустрисал жамиятни иктиносодий жамият деб аташ хам мумкин. Чунки реал боғлик иктиносодга картилган булади. Натижада эркин халкаро иктиносодий хамкорлик мамлакат давлатлари каторига кушила боради. Урбанизациялашув таълим тизимига янгича ёндашувни, оммавий маданиятни вужудга келтира боради.

3. Пост индустрисал жамиятда интеллектуал мулқ, инсоннинг аклзаковати, билими асосий уринга чикиб колди. XX аср урталаридан катор гарб давлатлари жамиятнинг учинчи боскич – пост индустрисал жамиятга ута бошлади. Социологияда бу жамият номи хар хил, жумладан «информацион» жамият, инсон билими ва информация захираларига кура жамиятнинг асосий манбай булиб колади. Замонавий микроэлектроника ва компьютер техникасига асосланмоқда. Булар оммавий ахборотларни вужудга келтиради ва кайта ишлаб чикаради. Коммуникация тизимида хужалик тизими тубдан узгаради. Табиат манбаларидан, ишлаб чикиш, металургия, кишлок хужалиги кискаради, машина кулами кенгаяди, ахоли деярли 50 фоиз шу соҳани ташкил этади. Пост индустрисал жамият - майший хизмат килиш жамияти деб хам юритилади. Ишлаб чикиш (молиявий, банк, сугурта, савдо, илмий маслаҳат, дастур) ва ноишлаб чикиш соҳаларида хизматлар (фан, таълим ва бошка) усив боради. Бунда урбанизация жараёни индустрисал жамиятга нисбатан тескари равища юз беради. кишлокка саноат кириб боради.

Тейлор фикрига кура интеллектуал омил биринчи уринга чикади. Инсон юксак капитал эмас, балки уз мохиятини, билим ва иктидорини, кадриятларини намоён килувчи ижтимоий қучга айланади.

Хулоса килиб шуни айтиш мумкинки, анъанавий жамиятда иктиносидий масалалар инсоннинг табиатга бевосита муносабати оркали хал килиган булса, индустрисал жамиятда инсон томонидан яратилган сунъий ишлаб чикариш воситалари иктиносиднинг асосини ташкил этади. Шу боисдан хам бу жамият иктиносидий жамиятдир. У иктиносидий муносабатларни белгилайди. Хозирги иктиносидиёт ижтимоийлашиб бормокда. Интеллектуал салохият асосий уринга чика боради.

Ижтимоий бошқарув фанига XX аср бошларида Ф. Тейлор, Макс Вебер, А. Файола каби олимлар асос солдилар. XX аср ўрталарига келиб бошқарув муаммоларини ечилишида системали ёндашув усули қўлланила бошланди. Хозирги даврда ташкилот ва корхоналарни унумли бошқариш давр талабдан келиб чиқиб, самарали бошқарув механизмларини яратишни ва жорий этишни тақазо этади. Ижтимоий бошқарувни такомиллашув истиқболлари Ўзбекистонда барча ислоҳотларни янада тезроқ ва самаралироқ амалга ошириш, демократик жараёнларни чуқурлаштириш, ўз-ўзини бошқариш тизимларини такомиллаштириш ва охир оқибатда ахолии турмуш даражасини ошириш имконини яратади.

Мавзу юзасидан назорат саволлари.

- 1. Ижтимоий тараққиёт тушунчаси.**
- 2. Ижтимоий тараққиётнинг шакллари.**
- 3. Прогресс ва регресс.**
- 4. Тараққиётнинг революцион ва эволюцион кўринишлари.**
- 5. Социал реформалар ва уларнинг турлари.**
- 6. Социал бошқарув тушунчаси.**

9-мавзу: Эмпирик социологик тадқиқот ва унинг методлари. Режа

1. Социологик тадқиқот дастури.
2. Социологик тадқиқот турлари.
3. Социологик тадқиқот натижаларини умумлаштириш.
4. Хулоса ва амалий тавсиялар бериш.

Эмпирик социологик тадқиқот, унинг асосий босқичлари.

Социология фанини эмпирик социологик тадқиқот жараёнисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Эмпирик сўзи қадимги юононча бўлиб, тажриба маъносини англатади. Эмпирик социологик тадқиқот – ягона дастур ва услубиёт билан амалий асосда ижтимоий ҳаёт ҳодиса ва жараёнлари тўғрисида олинган. Эмпирик маълумотларни таҳлил қилиш, умумлаштириш, зарур амалий таклифлар, тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Эмпирик социологик тадқиқотда ижтимоий фактларни излаш, тасниф қилиш, тўплаш муҳим аҳамиятга эга.

Ижтимоий факт деганда, илмий асосланган, муайян вақт давомида реал ижтимоий воқеликнинг алоҳида жиҳадларини тасниф қилиш орқали олинган маълумотларга айтилади.

Ҳозирда, бозор муносабатларига ўтиш жараёнида жамият ҳаётида рўй берадиган муҳим ўзгаришларни, кишилар ўртасидаги муносабатларни амалий социологик тадқиқотларсиз илмий асосда ўрганиб бўлмайди. Жамиятни илмий бошқариш доимо амалий социологик тадқиқот натижаларига таянмоғи зарур.

Мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал этиб боришда, жамиятни ижтимоий ривожлантиришда ва уни режали прогноз бериш билан илмий асосда бошқаришда амалий социологик тадқиқот натижалари муҳим вазифаларни бажаради.

Социологик тадқиқотларнинг сифат даражасини ва самарадорлигини ошириш учун эмпирик маълумотларнинг ишончли эканлигини, илмий асосланганлигини таъминлаш учун, унинг методологик асосига алоҳида эътибор қаратилмоғи лозим.

Амалий социологик тадқиқот жараёнини 4 асосий босқичга бўлиб кўрсатиш мумкин. Бу босқичларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга ва муҳим жиҳатларга эгадир. Булар қуйидагилардан иборат:

I Босқич Социологик тадқиқотни тайёрлаш ва ташкил қилиш:

- 1.1. Амалий социологик вазифани белгилаш ва тадқиқот предметини танлаш;
- 1.2. Социологик тадқиқот ўтказиш бўйича буюртма қабул қилиш ва уни ўтказиш бўйича шартнома тузиш;
- 1.3. Бажариладиган ишлар бўйича календар режа, техник вазифаларни ва бюджет /сарф қилинадиган харажатлар сметасини/ тузиш;

1.4. Дастур ишлаб чиқиш;

1.5. Тадқиқот услубиёти, техникаси ва воситаларини ишлаб чиқиш.

II Босқич. Асосий бўлиб, амалий тадқиқот ишлари олиб бориш жараёнини ўз ичига олади:

1.1. Социологик тадқиқот танловини ўтказиш;

1.2. Пилотаж;

1.3. Дастребки социологик маълумотларни йифиш;

1.4. Эмпирик маълумотларнинг сифат ва аниқлик даражасини назорат қилиш;

III Босқич. Эмпирик маълумотларни қайта ишлаш:

3.1. Олинган эмпирик маълумотларни гурухларга ажратиш;

3.2. Тақсимий жадвал тузиш;

3.3. Эмпирик маълумотларни компьютерларга киритиш ва моделлаштириш;

IV Босқич. Якунловчи босқич бўлиб, олинган маълумотларни таҳлил қилиш, умумлаштириш, улардан илмий хulosалар чиқариш ва амалий таклифлар, тавсиялар ишлаб чиқиши ўз ичига олади:

8.1. Тадқиқот маълумотларининг дастребки таснифи ва назарий жиҳатдан фаҳмламоқ;

8.2. Илмий назарий хulosалар, муайян илмий-амалий таклифлар, тавсиялар ва тадбирлар ишлаб чиқиш;

8.3. Берилган вазифа бўйича илмий матнлар, хисоботлар тайёрлаш.

I босқич: амалий тадқиқотни тайёрлаш ва ташкил этиш босқичи.

1.1. Эмпирик тадқиқот мақсадини аниқлаш ва белгилаш;

1.2. Эмпирик тадқиқот ғоясини ишлаб чиқиш;

1.3. Эмпирик тадқиқот жараёнини ташкил этиш;

1.4. Аналитик муолажа тайёрлаш;

II Босқич. Асосий босқич: эмпирик тадқиқот ва эксперимент ўтказиш;

III Босқич. Олинган эмпирик маълумотларни қайта ишлаш ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш. Бу босқичда қуидаги вазифалар бажарилади:

1.1. Олинган эмпирик тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлаш;

1.2. Назарий жиҳатдан қайта ишлаш;

1.3. Олинган натижаларни амалиётда қўллаш.

Ҳар қандай тадқиқот бирон-бир муаммонинг қўйилишидан бошланади. Бундай муаммо ташқаридан, буюртмачи томонидан берилиши ёки жамият ҳаётида ўзининг илмий ечимини кутаётган муаммо бўлиши мумкин. Шулардан келиб чиқиб, социологик тадқиқотларни ташкил қилишнинг асосий шакллари:

1. Давлат буюртмаси; 2. Хўжалик шартномаси асосида; 3. Жамоатчилик; 4. Аralash тартибда бўлиши мумкин.

Эмпирик социологик тадқиқот обьекти бўйича ўтказилган дастребки таҳлилилар асосида мавжуд муаммони тадқиқ қилиш дастури ишлаб чиқилади. Илмий дастур ҳар қандай амалий ва назарий социологик тадқиқотнинг дастребки зарур ҳужжати хисобланади. Дастур социологик

тадқиқот обьекти бўйича ишчи фаразни текширишга қаратилган, шунингдек, тадқиқот бўйича илмий фараз, бажариладиган асосий вазифаларни ва социологик тадқиқот методологик асосининг баёнидан иборат. Дастур мазмуни ҳақида қисқача маълумот берилиши аннотация деб аталади.

Ҳар қандай эмпирик социологик тадқиқот дастурининг умумий талаблари мавжуд. Буларга: 1. тадқиқотнинг асосий мақсади ва вазифаларини аниқлаш; 2. ишчи фаразни ишлаб чиқиш; 3. дастурни ишлаб чиқиш жараёнида компьютер техникасидан фойдаланиш кабилар киради.

Социологик тадқиқот дастури ички тузилиши жиҳатидан қўйидаги қисмлардан иборат бўлади:

I. Назарий-методологик қисм:

- 1.1. Социологик муаммони ишлаб чиқиш, тадқиқот мақсади ва вазифасини белгилаш.
- 1.2. Тадқиқот обьекти ва предметини белгилаш.
- 1.3. Асосий тушунчаларни ишлаб чиқиш.
- 1.4. Тадқиқот предметининг дастлабки тахминий таҳлили.
- 1.5. Ишчи фаразни ишлаб чиқиш.

II. Амалий социологик тадқиқот иш жараёни қисми:

- 2.1. Тадқиқотнинг умумий режаси.
- 2.2. Асосий амалий иш жараёнлари.
- 2.3. Танлов ишлари
- 2.4. Дастлабки олинган социологик маълумотларни таҳлил қилиш усулларининг таснифи
- 2.5. Тадқиқот натижаларини умумлаштириш назарда тутилган йўналишлар.

III. Хulosा қисми:

- 1.1. Тадқиқот натижаларини мазмунан таснифи.
- 1.2. Буюртмачига тадқиқот натижаларини тақдим қилиш шакллари /асосий хulosалардан иборат ҳисобот, амалий таклифлар, тавсиялар ва тадбирлардан иборат/.

Тадқиқот мақсади ва вазифаси. Дастурнинг ушбу қисмида социологик тадқиқот буюртмачиси ва бажарувчилар ўртасидаги муносабат ўзаро келишиб олинади. Тадқиқот учун сарф қилинадиган ҳаражатлар: молиявий ва меҳнат ресурслари ҳисоблаб чиқилади.

Социологик тадқиқот мақсади турлича бўлиши мумкин. Масалан, муайян ишлаб чиқариш корхонасида меҳнат унумдорлигини кўтариш муаммосини социологик тадқиқ қилиш зарур бўлса, бунда асосий мақсад меҳнат унумдорлигини пастлигининг биринчидан, асосий сабабларини аниқлаш, иккинчидан, мавжуд яширин иқтисодий имкониятларни қидириб топиш ва учинчидан эса мавжуд шарт-шароитни ўзгартиришдан иборат бўлади. Тадқиқотнинг асосий вазифаси эса белгилаб олинган мақсадни мазмунан, услубий ва ташкилий жиҳатдан янада ойдинлаштириб олишдан иборат бўлади.

Тадқиқот предмети ва обьекти. Тадқиқот предмети – мавжуд социологик муаммонинг асосий масалаларидан бири ҳисобланади. Бир хил муаммоли

холатда ягона эмпирик тадқиқот обьекти бўйича тадқиқот предмети бўладиган бир неча йўналишлар бўлиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, тадқиқот предмети танланганда, мавжуд муаммони ечиш йўллари бўйича илмий фараз тузилади, шу билан бирга, социологик тадқиқот ўтказиш усуллари ва шаклларига таъриф берилади.

Социологик тадқиқот обьекти деганда, социологик тадқиқот йўналтирилган ижтимоий ҳодиса, жараён ва тузилмалар тушунилади. Ҳар қандай социологик тадқиқот обьекти тизимли хусусиятга, асосан, вақт, макон, имконият ва миқдорий ўлчов чегарасига эга бўлади. Эмпирик социологик тадқиқот дастурининг назарий-усулбий даражасида обьектини танлаш муҳим аҳамиятга эга. Ҳал қилиниши зарур бўлган муаммо характеристи, унинг долзарблиги, тадқиқот мақсади ва вазифаси, тадқиқот обьектининг қандай бўлишларини белгилайди. Агар тадқиқот обьекти унчалик катта бўлмаса, социологик жиҳатдан уни тўлалигича қамраб олиш имконияти бўлса, бир бутун ҳолда тадқиқот обьекти қилиб олиш мумкин. Баъзан эса мураккаб социологик тадқиқот обьектини тўлалигича қамраб олиш имконияти бўлмайди. Шунинг учун бундай вазиятда тадқиқот обьектининг нисбатан аниқ чегараси белгилаб олиниши шарт.

Дастурда аниқ кўрсатилиши зарур:

1/ эмпирик тадқиқот обьекти; 2/ социологик тадқиқот обьектни тўлалигича қамрайдими ёки унинг айрим жиҳатларини танлаб оладими? 3/ танлов асосида олиб бориладиган социологик тадқиқот асоси /рўйҳат тузиш, картотека, социологик харита кабилар/.

Социологик тадқиқот фарази. Мавжуд муаммо бўйича илмий фараз ишлаб чиқиши эмпирик социологик тадқиқотни назарий жиҳатдан тайёрлашнинг якунловчи қисми ҳисобланади. Тадқиқот фарази – ўрганилаётган ижтимоий ҳодиса таркиби ёки унинг таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик характеристи тўғрисидаги илмий фараздан иборат бўлади. Илмий фараз тадқиқ этилаётган обьект тўғрисидаги мавжуд маълумотларга асосланган ҳолда ишлаб чиқлади.

Фараз – бу, тадқиқот учун бошланғич нуқта бўлиб, кейинги олиб бориладиган амалий социологик тадқиқотларда илгари суриладиган фаразга боғлиқ бўлади. Шуни таъкидлаш лозимки, фаразни ишлаб чиқиши – эмпирик маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилишдаги мантиқий асосни ишлаб чиқиши демакдир.

Агар тадқиқотчи томонидан илмий фараз ишлаб чиқилган бўлса, эмпирик маълумотлар ва тадқиқот натижалари шу ишчи фаразнинг тўғри эканлигини текширишга, уни тасдиқлашга ёки бекор қилишга хизмат қиласи. Эмпирик тадқиқот фарази бўлмаса, унда социологик тадқиқотнинг илмийлик даражаси паст бўлади.

Дастур таркибидаги амалий қисмнинг муҳим жиҳати – эмпирик тадқиқот услубиёти, техникаси, жараёни ва усулларини асослашдан иборат.

Социологик тадқиқот услубиёти – хусусий социологик усуллар мажмуи фойдаланилади. Метод /усул/ тушунчаси кенг маънода билимлар тизимини юзага келтириш ва асослаш усули, воситаси демакдир. Социологияда усул

сифатида умумсоциологик принциплар ҳам, ижтимоий воқеликдаги жараёнлар ва ҳодисаларни билишдаги хусусий принциплар ва конкрет усуллар – математик-статистик усуллар, социологик ахборотни йиғиши усуллари: кузатиш, сўроқлар, эксперимент ва хужжатларни ўрганиш усули ва бошқалар тушунилади.

Социологик тадқиқот техникаси – маҳсус усулларининг бирлигини англатиб, у ёки бу усулдан унумли ва ўз ўрнида фойдаланишни ифода қиласди.

Социологик тадқиқот жараёни – тадқиқотни ташкил этиш усули, воситаси, барча билиш ва ташкилий фаолиятнинг тартиб билан бориш жараёнини англатади.

Амалий социологик тадқиқот олиб бориш жараёнида конкрет тадқиқот усулларининг аҳамияти катта. Улар ёрдамида дастлабки эмпирик маълумотлар йиғиб борилади. Улар кузатиш, сўровлар, хужжатларни ўрганиш ва эксперимент усуллариидир.

Социологик маълумотларни йиғишиш усуллари.

а) Социологик тадқиқотда кузатиш усули.

Социологик тадқиқотларда кузатиш – дастлабки эмпирик маълумотларни йиғишиш усули бўлиб, муайян мақсадга қаратилган, олдиндан пухта ўйлаб, мунтазам олиб бориладиган, ҳиссий қабулга асосланган бўлади. Бу усулдан фойдаланишнинг ўзига хос афзаллиги шундаки, тадқиқотчи муайян даражада тадқиқот олиб борилаётган объектидан мустақил бўлади ва унга бўйсунмайди. Кузатиш усулидан олинадиган илмий маълумотлар объектив, холис ва ҳаётий бўлиши билан ўзининг илмий қимматига эгадир. Шу билан бирга, кузатиш усулидан олинган илмий маълумотларда субъектив жиҳатлар ҳам бўлиши мумкин. Чунки, социологик тадқиқот тадқиқотчининг ижтимоий воқеликка, жараёнига нисбатан қандай муносабатда бўлиши ва қай йўсинда тавсифлаши асосида боради.

Кузатиш усулининг яна бир муҳим жиҳати унинг муайян даражада чегараланганилиги бўлиб, кўпинча тадқиқ этилаётган воқеликни қайта кузатиш имконияти бўлмаслигидадир. Бу усулнинг яна бир заиф жиҳати шундан иборатки, кузатиш орқали тадқиқотчини қизиқтирган саволга кузатилувчининг фикр ва ҳукмини билиш жуда қийин. Барча ҳолларда кузатиш ҳозирча фақат сўз билан ифодаланади. Аммо, баъзи хулқий-эҳтиросли муносабатларни, ҳолатларни бир тарзда ёзиш ва сўз орқали ифодалаш қийин бўлади.

Кузатиш жараёнининг характеристига қараб уни қуйидаги типларга ажратиб кўрсатиш мумкин: назоратли /очик/ ва назоратсиз /инкогнито/, тўла қамровли /стандартлаштирилмаган/ ва қамрамайдиган /стандартлаштирилган/, дала шароитида ва лаборатория шароитида, ичкаридан ва четдан кузатиш.

Назоратли, яъни очик кузатишда кузатилаётган гурӯх олдиндан огоҳлантириб қўйилади, назоратсиз, яъни инкогнито кузатишда эса, аксинча, гурӯх ўзини кузатилаётганликларини сезмайди.

Тұла қамровли, стандартлаштирилмаган кузатиша у аниқ бир ҳаракат режасисиз амалга оширилади, стандартлаштирилған, яъни тұла қамрамайдиган кузатиша кузатиша кузатувчи тадқиқот предмети ва жараёнига нисбатан аниқ чегараланган программага асосланади.

Дала шароитида кузатиш обьекти қилиб социал вөкеликнинг у ёки бу томони, жараёни олинади. Лаборатория шароитидаги кузатиша эса обьект қилиб обьектив вөкеликки маълум бир даражада мослаштирилған модель олинади.

Ичкаридан кузатиша тадқиқотчи кузатаётган обьектда рўй берадиган ижтимоий жараёнларда бевосита иштирок этади ва унга бўйсунади, четдан кузатиша эса тадқиқотчи обьектга нисбатан мустақил бўлади ва унга бўйсунмайди.

Ичкаридан кузатиша мисол қилиб Америка социологи Уильям Уайнинг «Кўча бурчаклари жамияти» китобида ёритилған /1937/ тадқиқотини олиш мумкин. Автор, Италия эмигрантлари оиласидан чиқсан ёшлар ичидаги рэнетнинг вужудга келиш жараёнини ўрганиш ниятида, шу муҳитда уч ярим йил яшаган, улар билан бир хил ҳаёт кечирган.

Социологик кузатиша обьекти инсондир, шунинг учун тадқиқот жараёнида тадқиқотчининг мақсадини интуитив ҳолда ҳис қишилиб, ўз хулқатвори ёки ҳаракатини ўзгартириши мумкин. Натижада, олинган маълумот социологнинг талабига жавоб бермайди.

Демак, социологик тадқиқотларда факатгина кузатиша усулидан фойдаланиш билан чекланиб қолмаслик керак. Чунки, кузатиша усули орқали олинган маълумотлар, натижалар ўрганилаётган обьект тўғрисида тўла маълумот бера олмайди. Бу усульдан кўпинча социологик тадқиқотнинг дастлабки босқичларида, обьект тўғрисида дастлабки тасаввурга эга бўлиш учун ёки социологик тадқиқотларнинг бошқа усуслари ёрдамида олинган маълумотларни, статистик хужжатларни қўшимча равища текшириш мақсадида фойдаланилади.

б) Сўров усули ва унинг турлари.

Социологик маълумотларни йиғиш усусларидан бири сўров усулидир. Сўров усули ёрдамида бошқа хужжатли манбаларда учрамайдиган ва бошқа социологик тадқиқот усуслари ёрдамида олиш мумкин бўлмаган маълумотлар, ахборотларни олиш мумкин. Шунинг учун, кишилар, ижтимоий ҳаёт жараёнларига бўлган муносабатини, фикрини социологик жиҳатдан ўрганишда сўров усулининг аҳамияти бекиёс каттадир. Айниқса, ҳозирда, жамиятимизнинг бозор муносабатларига ўтиб бориш жараёнида, ижтимоий коммуникациянинг роли ортиб бориши билан сўров усуслининг социологик тадқиқотлар олиб боришдаги ўрни ва аҳамият янада ортмоқда.

Сўров усулидан дастлабки социологик ахборотларни олиш учун фойдаланилади. Сўров ўз характеристики билан оғзаки ёки ёзма равища бўлиши мумкин. Тадқиқотчининг респондент /инглизча – сўз бўлиб, жавоб бермоқ маъносини англатади, яъни анкета саволларига ва интервьюга жавоб берувчи тушуниллади/ билан мулоқотда бўлиш шакли ва шароитига қараб сўров ёзма – анкета орқали ва оғзаки – интервью олиш, яшаш жойи ва уюшган

аудиторияда /мөхнат жамоасида, маҳаллада, ўкув юртида/, сиртдан /рўзнома орқали, почта орқали анкета ўтказиш/ ва юзма-юз, телефон орқали, гурухли ёки индивидуал каби кўринишларда бўлиши мумкин.

Формаллаштириш даражаси билан олдиндан режалаштирилган ва эркин, бир маротаба ва тақорор бўлиши мумкин. Эксперт сўрови ҳам социологик тадқиқотларда муҳим ўрин тутмоқда. Олинган мавжуд социологик маълумотларни қайта текширишда, уларни қанчалик мос эканлигини аниқлашда эксперт сўрови туридан фойдаланилади.

Сўров усулидан қўйидаги ҳолларда фойдаланиш мумкин: 1/ ўрганилаётган муаммо бўйича етарли даражада маълумотлар кам ёки мутлақо бўлмаганд; 2/ тадқиқот предмети ёки унинг айrim жиҳатларини кузатиш имконияти бўлмаганд; 3/ тадқиқот обьекти сифатида эҳтиёж, манфаатлар, қизиқишилар, кайфият, қадриятлар, эътиқод, ишонч, ёқлаш каби ижтимоий ёки индивидуал онг элементларини ўрганиш жараёнида; 4/ сўров усулининг имконият даражасини ошириш мақсадида қўшимча тарзда ва бошқа социологик тадқиқот усуллари ёрдамида олинган эмпирик маълумотларни қайта текшириш учун; 5/ муайян ижтимоий муаммо устида олиб борилаётган социологик тадқиқот жараёнини қанчалик тўғри эканлигини назорат қилиб бориша.

Юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, социологик тадқиқотларда сўров усулидан ёзма равища – анкета орқали ва оғзаки – интервью олиш орқали фойдаланилади.

Анкета орқали сўров ўтказиш энг кенг тарқалган сўров тури ҳисобланади. Чунки, анкета саволлари орқали респондентлардан олинадиган жавобларни умумлаштириб, гурухлаштириш билан тадқиқ этилаётган ижтимоий муаммо тўғрисидаги жамоатчилик фикри ойдинлашади. Олинган маълумотларнинг қанчалик тўғри, обьектив ва ҳаётий эканлиги эса тадқиқотчилар томонидан тузиладиган анкета саволларининг қанчалик мохирона ва саводли эканлигига боғлиқ бўлади. Анкетага киритилган саволлар содда, тушунарли ва жавоб беришга қулай тузилиши шарт. Унда респондент характери, ёши, касби, маълумот даражаси ва руҳий жиҳатлари ҳисобга олинмоғи лозим. Акс ҳолда, анкета сўрови ўрганилаётган муаммо тўғрисида ишончли, обьектив маълумотлар бермаслиги мумкин.

Анкета сўрови орқали эмпирик маълумотларнинг аниқ, ҳаётий бўлиши – анкета ўтказиш жараёнини қанчалик тўғри ташкил қилиш билан боғлиқ. Анкета ўтказишнинг асосий компонентлари – тадқиқотчи, сўроқлов варақаси ва респондент ҳисобланади. Тадқиқотчи ёки тадқиқот ўтказилаётган обьектнинг расмий ва норасмий вакиллари, раҳбарлари томонидан респондентларга анкетани тарқатиш ва уларни тўлдириш вақтида назорат қилишга йўл қўйилмаслиги, респондент томонидан мустақил, ўзгаларнинг маслахатисиз тўлдирилиши шарт. Анкета тўлдиришда респондентнинг исми-шарифи кўрсатилмаслиги керак. Чунки, анкета варақасига исми-шарифини кўрсатиш талаб қилинса, ўрганилаётган муаммо тўғрисида салбий ёки эътиrozли фикр билдиришдан чўчиб, респондент ўз фикрини очиқ-ойдин ёзмаслиги мумкин. Сиёсий, маъмурий тазийклардан юрагини олдириб қўйган

ўзбек фуқароси буни жуда яхши тушунади. Бошқа жиҳатдан эса, кўпчилик кишиларга хос, юқори раҳбариятга яхши кўриниш, бошлиғига шахсий содиқлигини билдириб қўйиш мақсадида ҳам берилган саволларга нореал, «ўта ижобий» жавоб бериб, кимлигини билдириб қўйиш мақсадида исмишарифини атайлаб кўрсатиб қўядиганлар ҳам учраб туради. Шунингдек, анкета саволларига, тадқиқот ишига қарши шахслар ҳам бўлиши мумкин. Шунинг учун, респондентлар билан жуда эҳтиёт бўлиб, чиройли, дўстона муомалада бўлиш зарур. Анкета ўтказиш давомида тадқиқотчидан юмшоқлик, ширинаханлик талаб қилинади.

Анкета ўзининг таркибий тузилишига эга. Анкета сўрови: 1/ энг аввало, анкета саволлари тизимини ишлаб чиқиш жараёнини ўз ичига олади; 2/ анкета сўровини ким томонидан, қандай мақсадда ўтказилишини ва респондентларга анкета тўлдириб беришни ўз ичига олади; 3/ анкета паспорти ҳам таркибда муҳим ўрин тутиб, унда респондентнинг ижтимоий-демографик характеристикаси тушунтирилади. Бунда респондентнинг ёши, жинси, миллати, ижтимоий келиб чиқиши ва ҳолати, маълумот даражаси, касби, партиявийлиги, оиласвий аҳволи каби маълумотлар аниқланади. Кўпинча паспорт анкетанинг охирида берилади. Кўпчилик социологларнинг фикрича, агар паспорт анкетанинг бошида берилса, респондентни чўчитиб эмпирик маълумотнинг аниқ ва тўғри, ҳаётийлик даражасини пасайтириб юборади.

Асосий саволлар анкета таркибида марказий ўрин эгаллайди. Чунки, асосий саволларга бериладиган жавоблар социологик тадқиқотларнинг асосий маълумотлари ҳисобланади.

Анкета охирида якунловчи саволлар киритилади. Ўз моҳиятига кўра, якунловчи саволлар асосий саволларнинг мантиқий давоми бўлиб, унда ўрганилаётган муаммо юзасидан респондентнинг индивидуал, қўшимча фикр ва мулоҳазалари олинади. Анкета сўнггида тадқиқот учун кўрсатилаган беминнат ёрдам эвазига самимий миннатдорчилик билдиришни унутмаслик керак.

Анкета саволларининг сони кўпайиб кетмаслиги керак. Қизиқарли, респондентни зериктирмайдиган ва ихчам тузилмоғи лозим. Ўз шаклига кўра, анкета саволлари очик, ёпик, яrim очик ва яrim ёпик бўлади.

Очик саволларда респондентга жавоблар варианти тақдим этилмайди, яъни у қандай ҳоҳласа шундай, эркин жавоб бериши мумкин бўлади.

Ёпик саволларда эса респондент факат «ҳа» ёки «йўқ» тарзида жавоб бериши, ёки олдиндан ёзиб қўйилган жавоблардан бирини танлаши лозим.

Яrim очик ёки яrim ёпик саволларда эса респондентга тақдим этилган жавоблар варианларидан ташқари «бошқа» деб номланган вариант ҳам берилади, яъни респондент берилган жавоблардан бирини танлаши ёки ўзининг жавобини тақдим этиши лозим бўлади.

Анкета ўтказишида унинг вақти 10-45 дақиқа давом этиши керак. Қисқа муддатда ўтказиладиган тезкор анкета ўтказиш муддати 10-45 дақиқадан ошмаслиги лозим. Анкета ўтказишнинг бундай усулида респондентнинг узок мулоҳаза қилишига, иккиланишига йўл қўйилмайди. Саволлар ҳам содда,

қисқа ва аниқ қилиб тузилади. Натижада қисқа муддатда эмпирик социологик маълумотлар тўплашга эришилади.

Интервью ҳозирги кунда энг қўп ва кенг тарқалган сўров усулидир. Интервьюдан бу қадар кенг кўламда фойдаланишда радио, телевидение, кундалик матбуотнинг роли катта бўлмоқда. Шунинг учун ҳам интервью социология, психология, журналистика, статистика, этнография, педагогика, бошқарув сингари фанларда кенг ва муваффақиятли қўлланилмоқда. Айниқса, ҳозирда бозор муносабатларига ўтиш шароитида кундалик ҳаётимизда рўй берадиган жиддий ўзгаришлар тўғрисидаги омманинг ижтимоий фикрини аниқлашда интервью олишнинг салмоғи ортмоқда. Сўров усулининг бу турида интервью икки асосий функцияни бажаради: 1/ муайян воқеа-ҳодиса, жараён тўғрисида маълумот йифилади; 2/ шу билан бирга, объектга – респондентга интервью орқали таъсир кўрсатилади.

Социологик тадқиқотларда интервью ўзига хос хусусиятларга эга. Энг аввало, шуни қўрсатиб ўтиш лозимки, интервью орқали эмпирик маълумотларни йиғиши шахснинг индивидуал жиҳатлари билан рўбаро келинади. Шу орқали респондент тўғрисида, унинг тадқиқ этилаётган муаммо тўғрисидаги қарашлари, фикри тўғрисида ахборот олинади. Бериладиган саволларга нисбатан респондентнинг руҳий реакцияси кузатилади ва ҳисобга олинади.

Интервью олишда тадқиқотчи респондент билан яқин, самимий, юксак ахлоқий муомалада бўлиши шарт. Бериладиган саволлар аввалдан пухта ўйланган, респондентнинг шахсиятига тегмайдиган, мазмунли бўлиши талаб қилинади. Бундай шартлар респондентнинг интервью сўровига жиддий муносабатда бўлиб, бериладиган саволларга тўла ва ҳар томонлама жавоб берини таъминлайди.

Интервью олишда ўзига хос қийинчиликлар ҳам мавжуд. Бундай қийинчиликларга энг аввало интервью қўп вақт ва моддий сарф-ҳаражатлар талаб қилишини киритиш лозим. Ҳар бир респондент билан руҳий муносабат ўрнатиш зарур. Бунга эса доимо ҳам эришилавермайди. Ўта инжик, аламзода, ҳатто тажовузкор респондентлар ҳам учраб туради. Социологик тадқиқот ўтказиш маданияти эса интервью якунининг доимо муваффақиятли ва ижобий тугалланишини талаб қиласди.

Интервью тайёрлаш, уни ўтказиш ва олинган натижаларни умумлаштиришнинг ўзи қийин жараён ҳисобланади. Чунки, ўрганилаётган муаммонинг моҳиятини, келиб чиқиш сабабларини, умумий тенденцияларини ва уни бартараф қилиш йўлларини ўрганиш учун юзлаб респондентлар билан мулоқотда бўлишга тўғри келади. 1-2 интервью олиш билан тадқиқот обьекти бўйича обьектив асосга эга бўлган илмий тасаввур ҳосил қилиб бўлмайди.

Социологик адабиёётларга интервью бир неча турларга ажратиб кўрсатилган, қўйидагилар шулар жумласидандир:

Эркин интервью /стандартлаштирилмаган/ – бунда респондент билан узок, эркин тарзда сухбат ўтказилади. Респондентга аввалдан белгиланган саволларга қўшимча равишда саволлар билан ҳам мурожаат қилиш мумкин.

Респондентга эркин ва кенг тарзда фикр юритиш имконияти яратилади. Интервьюнинг бундай турига ҳозирда телевидение орқали мунтазам равишида олиб борилаётган «Юзма-юз», «Тема» каби кўрсатувларни мисол қилиб олишимиз мумкин.

Стандартлаштирилган интервью – олдиндан режалаштирилган, муайян мавзунинг қатъий белгиланган доирасидан чиқмайдиган турига айтилади. Интервьюнинг бу тури асосан давлат раҳбарлари, сиёсий арбоблар, сиёсатчилар, масъул ва маъмурий шахслар – респондентлар билан ўтказилади.

Ярим стандартлаштирилган интервью эса қатъий белгиланган саволлардан ташқари респондентнинг ёки тадқиқот объектининг норасмий жиҳатларини ойдинлаштириш, улар тўғрисида қўшимча маълумотларга эга бўлиш мақсадида ўтказилади. Айрим касб эгалари билан, масалан, артистлар, машхур шахслар, тарбияси оғир болалар, жиноятчи ва бошқа шу каби респондентлар билан ўтказиладиган интервьюни мисол қилиб олиш мумкин.

Ўтказиш жараёнига кўра интервью: а/ кўча-кўйда, б/ гурухли, в/ клиник, г/ йўналтирилган каби шаклларга эга. Мулоқот воситаси сифатида эса чик, юзма-юз, телефон орқали ёки ёпиқ тарзда бўлиши мумкин.

Айрим респондентлар билан ёпиқ тарзда интервью ўтказишга ҳам тўғри келади. Бунда респондентнинг шахси сир тутилади. Чунки, респондент очиқ интервью беришдан манфаатдор бўлмайди. Кўпинча, ёпиқ интервью давлат ички ишлар махсус бўлимлари вакиллар билан, айрим жиноятчилар билан, ор-номусни йўқотиб пушаймон бўлган шахслар – респондентлар билан олиб борилади.

Интервьюнинг ҳар қандай типидан /камидан 50 дан ортиқ респондентдан/ олинган эмпирик маълумотлар мазмун жиҳатдан гурухларга ажратилиб, умумлаштирилади. Бу эса социологик тадқиқот жараёнининг кейинги босқичида амалга оширилади.

Социометрия – кичик гурухларни таркибий таҳлил қилиш усули.

Социометрия /лотинча сўз: *societas* – жамият ва юононча сўз: *metron* – ўлчамоқ маъносини англатиб/ кичик ижтимоий гурухлардаги шахслараро муносабатларни миқдорий ўлчовлар асосида ўрганади. Унда кишиларнинг ўзаро бир-бирларини хуш кўриш, ёқтириш ва хуш кўрмаслик майиллари ўрганилади.

Социометрия тушунчаси XIX аср охирида математик усулнинг ижтимоий ҳаётга тадбиқ қилиши оқибатида пайдо бўлди. Социометрияга XX асрда француз социологи, файласуфи Г.Д.Гурвич /1894-1965/ ва америка руҳшунос олими Я.Л.Морено /1892-1974/ лар томонидан асос солинган. Улар кичик ижтимоий гурухларда шахслараро муносабатларни тадқиқ қилиш – микросоциологияда социометрияни қўлладилар. Айниқса, ижтимоий психологияда социометриянинг аҳамияти катта бўлди.

Я.Л.Моренонинг социометрия тизими 5 асосга эга эди:

1. Кишиларнинг ўзаро хуш кўришлик ва ёқтиримаслик асосидаги эҳтирос куввати. Уларни аниқлаш социометриянинг асосий вазифаларидан бири хисобланади.

2. Жамият «социал атоми» алоҳида индивид эмас, балки индивидларнинг биргаликдаги муносабатидан иборат. Бу алоқадорлик жараёни икки даражага эга: ўз-ўзидан юзага келувчи ва реал – бунда эҳтиросли шерик шу босқичда ўрганилади.

3. Социал гравитация қонуни.

4. Социологик қонун.

5. Социодинамик қонун.

Кишилар хаёт фаолият давомида ўзаро бир-бирларига нисбатан ижобий /симпатия/ ёки салбий /анттипатия/ туйғуларга эга бўладилар. Ҳар қандай кичик ижтимоий груп, ташкилот ва муассасанинг фаолияти унинг аъзолари ўртасидаги муносабатлар характерига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Уларда ижтимоий муҳит қанчалик мусаффи бўлса; ижтимоий тизим фаолияти ҳам шунчалик муваффақиятли боради. Акс ҳолда, кичик групчлар ва улардаги кишилар хаёти шунчалик қийин ва оғир кечади. Социометрия эса шу қийинчиликларни, номувофиқлиларни бартараф этишга хизмат қиласди.

Жамият ривожланиши, ундаги кишилар хаёти ҳам бутун олам тортишиш қонунига бўйсунади. Худди табиатдагидек, жамиятда ҳам кишилар ўзаро гравитацион /ўзаро тортишишга асосланган/ муносабатда бўлади. Табиатдагидан фарқ қилиб, жамият хаётида бу қонуният ўзига хос хусусиятларга эгадир. Ақл кучи, биоқувват, характер, темперамент, майл, таъб, одат, тарбия, дид, эътиқод ва шу каби ижтимоий-руҳий омиллар кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг мураккаб гравитацион асосини ташкил қиласди. Улар асосида кишилар ўзаро яқин «тортиладилар», дўстона, самимий бўладилар ёки бир-биридан узоқлашадилар, адоватда бўладилар. Социометрия шу жараёнларни миқдорий жиҳатдан ўрганади. Ўз навбатида миқдорий ўлчовлар сифатий кўрсаткичларни фарқлашга хизмат қиласди.

Минг афсуски, собиқ Совет Иттифоқи даврида социометрияга синфий жиҳатдан ёндашилиб, буржуа таълимоти сифатида рад этилди. Социология фани бўйича нашр қилинган илмий адабиётларда, дарсликларда социометрия ўрганилмади.

Ҳозирда, бозор муносабатларига ўтиш жараёнида жамият ижтимоий хаётининг социодинамик тарзда ривожланишини социометрияда ўрганиш кўплаб ижтимоий-иктисодий, мафкуравий, тарбиявий муаммоларни ечишга хизмат қиласди. Ижтимоий-руҳий муҳитни мўътадиллаштиради. Шунинг учун ҳам, кишилар ўртасидаги ижтимоий-руҳий мунсобатларни ва туйғуларни ўрганиш фақатгина назарий эмас, балки амалий аҳамият ҳам касб этади. Эмпирик социометрик тадқиқотлар жамият хаётини, ундаги кишилар ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштиришда муҳим илмий қимматга эга.

в) Бирламчи маълумотлар олишда ҳужжатларни ўрганиш.

Ҳужжатларни ўрганиш ҳам социологик маълумотлар йиғишида ўзига хос ўринга эга.

Ҳужжатлар маълумотларни тўплаш усулига кўра /кўлёзма, босма, киноплёнка, магнит лента/, авторлик типига кўра /шахсий ва ижтимоий/, уларни йиғиш усулига кўра /жамиятда амал қилувчи, ташкилот, коллектив, корхона фаолияти жараёнига ташкилий қисм бўлиб кирувчи ҳужжатлар/,

ийғилаётган эмпирик материалга яқинлик даражасига кўра /мавжуд ҳолатни бевосита акс эттирувчи бирламчи ва мавжуд ҳужжатларга асосланиб кўрилган иккиламчи ҳужжатлар/ классификацияланади.

Ҳужжатларни ўрганиш методларини икки катта гурухга ажратиш мумкин: анъанавий ва формаллаштирилган. Ўз навбатида, анъанавий методлар ҳам икки гурухга бўлинади: умумий /тушуниш, интуиция, англаб этиш/ ва маҳсус /манбаларга асосланиш, психологик, юридик методлар/. Формаллаштирилган методларга контент-анализни киритиш мумкин. Контент-анализ /таркибий анализ/ методи ҳужжатда маълум бир асосий тушунчаларнинг қанчалик кўп ишлатилишига асосланиб холоса чиқаришдан ташкил топади. Мисол тариқасида иккинчи жаҳон уруши йилларида америка социологи Лассуэлнинг Лейтс билан бирга олиб борган контент-анализини олиш мумкин. Улар фашистик ориентацияга асосланган деб тахмин қилинган. Америка газеталаридан бирини тадқиқ қилдилар. Шу газетанинг 1943 йил 3 дан 31 декабргача бўлган даврдаги сонларини контент-анализ методи билан ўргандилар ва уларда Америкага қарши ва Германияни ёқловчи фикрлар қўлланиш ҳолларини ҳисоблаб, санаб чиқдилар. Натижада, тадқиқотчилар олган холосалар ижобий эканлиги аниқланиб, бу газетада АҚШ Олий Суди томонидан таъқиқланган.

г) Социологик тадқиқотда эксперимент усули.

Социологик тадқиқотларда ўрганилаётган обьект тўғрисида дастлабки эмпирик маълумотларни тўплашда тажриба ўтказиш алоҳида ўрин тутади. Собиқ Совет Иттифоқи даврида узок вакт социал фанларда тажриба ўтказиш /эксперимент/ усулидан фойдаланиш мунозарали масала бўлиб келди. Шу билан бирга, жамият ҳаёти 73 йил давомида кишилар бошига кўз кўриб, қулоқ эшитмаган қийинчиликлар солган социал экспериментлар кетма-кетлигидан иборат бўлади. Уларнинг деярли барчаси муваффақиятсизлик билан тугади.

Ижтимоий ҳаётнинг мураккаблиги, онг ва руҳий жараёнларни ўлчаш қийинчилиги, катта молиявий ҳаражатлар, кишилар гурухларини унга жалб этиш қийинлиги ва шу каби сабабларга кўра социал эксперимент ўтказиш ва ундан фойдаланиш даражаси пастdir.

Социал эксперимент усулининг асосий хусусиятларига қуйидагилар киради: обьектив реаллик тизимига таъсир кўрсатиш; нисбатан ажратиб олинган экспериментал омилни тадқиқ қилинаётган обьектга нисбатан режали асосда қўллаш; унинг оқибатларини режали назорат қилиб бориш; ўзгариш самарадорлигини, ижобий ва салбий жиҳатларини ўлчаш.

Социологик ва социал-психологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, эксперимент усулидан фойдаланиш икки асосий омилга боғлиқ бўлади: тадқиқот обьектининг ўзига хослигига ва тадқиқот қилинаётган ижтимоий гурух жавоб реакциясининг характеристига. Бу усул ҳар қандай социал обьектга ҳам қўлланилавермайди. Бу усулдан фойдаланишда энг аввало, тадқиқ этилаётган обьектнинг эксперимент ўтказиш мумкин деб топилса, уни ўтказиш чегараси аниқ белгиланмоғи лозим. Эксперимент социал обьект /тизим/ функционал муносабатларини бузмаслиги, издан чиқармаслиги

керак. Собиқ Совет Иттифоқи даврида олиб борилган глобал социал экспериментлар ижтимоий тизим ривожланиш қонуниятларини қўпол равишда бузилганлиги, сунъий, ҳаётий бўлмаган, ҳаёлий тарзда олиб борилганлиги оқибатида ҳам муваффақиятсизлик билан якунланди. Яқин ўтмишдаги М.Горбачевнинг жамият ҳаётини «қайта қуриш» каби аниқ ички қурилишга эга бўлмаган ҳаёлий социал экспериментал уринишни фикримизга мисол сифатида келтиришимиз мумкин.

Социал экспериментлар ўз вазифаси мазмуни, якуний натижаси билан ўзаро фарқ қилсада, барчасига хос ички тузилишга эга. Унинг ички унсурларига эксперимент ўtkazuvchi /тадқиқотчи, олимлар гурухи, илмий лаборатория/, яратиладиган шарт-шароит тизими – экспериментал омил, экспериментал ҳолат ва эксперимент натижалари киради.

Социологияда эксперимент асосан 3 типа олиб борилади:

1. Экспост-факто эксперимент. Бунда эксперимент ўтмишдан ҳозиргacha бўган ижтимоий тадқиқот обьекти қилиб олинганда ўтказилади.

2. Таққослаш тамойилига асосланган эксперимент. Бу типда ҳозирги давр ижтимоий жараёнлари тадқиқот обьекти қлиб олинган бўлади.

3. Проектли эксперимент. У ҳозирдан келажакка йўналтирилган бўлади.

Булардан ташқари, социал экспериментлар: тадқиқот хусусиятига қараб /фан соҳасидаги, ижтимоий жараёнларини бошқаришдаги экспериментлар/; социал экспериментнинг таркибининг характеристига кўра; дала ва лаборатория шароитидаги; мантиқий таркибига кўра /параллел ва давомий тарзда/ типларга бўлинади.

Социал эксперимент ўтказиш муайян босқичларидан иборатdir:

Биринчи босқич – назарий босқич бўлиб, унда ўтказиладиган эксперимент типи белгиланади ва назарий жиҳатдан асосланади. Мавжуд имкониятлар эксперимент омиллар ва тадқиқот обьектининг ўзига хос жиҳатлари ҳисобга олинади.

Иккинчи босқич – эксперимент дастурида кўрсатилган асосий вазифалар ва методикаси ишлаб чиқилади.

Учинчи босқич – эксперимент дастурида кўрсатилган асосий вазифалар аниқ воситалар орқали обьектга тадбиқ қилинади.

Тўртинчи босқич – сўнгги босқич бўлиб, унда экспериментдан олинган натижалар илмий таҳлил қилинади ва баҳоланади.

Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, жамият ҳаётининг умумсоциологик муаммолари устида олиб бориладиган социал экспериментлар кутилган натижаларни бермайди. Бунда фақат ижтимоий муносабаталарнинг функционал ва ривожланиш қонуниятларига путур етказилади, холос. Кишилар бошига оғир кулфатлар солиб, бартараф қилиниши қийин оқибатларга олиб келиши мумкин.

Жамият ҳаётининг маҳсус соҳалари доирасида, миркосоциологик обьектлар устида социал экспериментлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, нисбатан кичик доирада, социал обьектда ўтказилган эксперимент натижалари аниқ муддат ичida ўз натижаларини кўрсатиши мумкин ва унинг оқибатлари /агар салбий жиҳатларга эга бўлса/ ижтимоий

ҳаётнинг бошқа соҳаларига ёйилиб кетмайди. Бу натижалар эксперимент ўтказилган тадқиқот объектигагина тегишли бўлади. Ўтказилган экспериментнинг ижобий натижаларини эса ҳаётнинг бошқа соҳаларига ёйиш, тадбиқ қилиш мумкин бўлади.

Социологик маълумотларни қайта ишлаш, таҳлил қилиш, умумлаштириш, хulosса ясаш ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиши.

Эмпирик социологик тадқиқотнинг яқуний босқичида социологик маълумотларни қайта ишлаш, таҳлил қилиш, изоҳлаш, умумлаштириш, хulosса ясаш ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиши каби вазифалар бажарилади.

Эмпирик маълумотларни қайта ишлаш социологик тадқиқот натижаларининг амалий аҳамиятини оширишда муҳим роль ўйнайди ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Эмпирик маълумотларни қайта ишлаш ва кодлаштириш. Бунда асосий вазифа эмпирик маълумотлар, хужжатлар бир хил шаклга келтирилади. Расмий тарзда ишлаб чиқилади ва белгиланган шартлар асосида тартибга келтирилади.

2. Олинган маълумотларни тадқиқот вазифасига мос ҳолга келтириш, яъни олинган эмпирик маълумотлардан тадқиқот мақсадига қанчалик эришилганлиги ва олдинга қўйилган вазифа қай даражада ҳал қилинганлиги аниқланади.

3. Статистик таҳлил. Социологик маълумотларни таҳлил қилиш жараёнида статистик таҳлил муҳим аҳамиятга эга. Статистик таҳлил орқали баъзни ижтимоий статистик қонуниятлар ва функционал муносабатлар ойдинлашади. Бу эса, ўз навбатида, тадқиқ этилаётган муаммо бўйича олинган билимларни умумлаштириш ва улардан илмий хulosалар чиқаришга асос бўлиб хизмат қиласди.

Эмпирик тадқиқот усуллари ёрдамида олинган маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилишда тартиблаштириш, шкаллалаштириш, муносабатдорлик каби усуллардан ҳам кенг фойдаланиш мумкин. Тартиблаштириш – бу тадқиқ қилинаётган объектларнинг ўзаро нисбий аҳамиятини тартибли асосда аниқлашни билдиради. Даражалаш – ўрганилаётган объектни бошқа обеъктларга нисбатан хусусий жиҳатларига қараб сифат ва миқдорий даражасини аниқлаш демакдир. Даражалаш эксперт баҳолашнинг бошқа усуллари билан янада тўлдирилиши мумкин.

Эмпирик маълумотларни умумлаштириш жараёнида асосий эътибор тадқиқот обьектининг фақат ижобий томонларигагина эмас, кўпроқ ечимини кутаётган муаммоларга қаратилмоғи лозим. Бу босқичда тадқиқот фарази олинган миқдорий қўрсаткичлар асосида текширилади. Маълумки, ишчи фараз – муайян ижтимоий обьект тўғрисидаги таҳминий фараз, холос. Социологик тадқиқот натижаларининг таҳлили эса, шу ишчи фаразнинг тўғри ёки нотўғрилигини тасдиқлайди. Ишчи фаразнинг қанчалик ҳаққонийлигини текширишнинг самарали воситаси – ижтимоий амалиёт, кишиларнинг амалий, хаётий фаолияти хисобланади.

Социологик тадқиқот эмпирик маълумотларни назарий жиҳатдан умумлаштириш, муайян хulosалар ишлаб чиқиши, амалий тавсиялар ишлаб

чиқиши билан якунланади. Социологик тадқиқот натижаларининг илмий таҳлили ва уларни умумлаштириш илмий ҳисобот тарзида тузилади. Илмий ҳисобот гурухлаштирилган ва тизимлаштирилган ҳолда тузилиб, келгусида ўтказиладиган тадқиқотлар учун асос бўлиб хизмат қиласиди.

Илмий ҳисобот таркиби асосан икки қисмдан иборат бўлиб, назарий ва амалий бўлимларни ташкил қиласиди.

Социологик тадқиқотнинг илмий ҳисоботида қуйидаги асосий талабларга эътибор берилмоғи лозим.

1. Илмий ҳисоботда тадқиқот предметига мувофиқ муаммонинг барча ўзаро боғлиқ жиҳатлари чукур акс этиши зарур. Бунда, социологик муаммонинг асосий моҳиятли жиҳати аниқ кўрсатилмоғи керак. Бажарилган ишлар эса мантиқий тартиб асосида ёзилиб чиқиласиди.

2. Илмий ҳисоботнинг ҳар бир боби икки қисмдан иборат қилиб тузилмоғи мақсадга мувофиқ. Биринчи қисм муаммо ва тадқиқот натижаларини ўз ичига олмоғи, иккинчи қисм эса – илмий хулосаларни, амалий таклиф ва тавсияларни ташкил этмоғи керак.

3. Илмий ҳисоботда анкета саволлари умумлаштирилган ҳолда ихчам қилиб ифодаланади. Ҳисобот аниқ, ҳаётӣ, ҳужжатли ва статистик маълумотлар асосида тасдиқланган бўлиши талаб этиласиди.

4. Илмий ҳисобот ихчам ва тўғри ёзилиши зарур. Кўпи билан 30-40 бетдан ошмаслиги зарур, жадваллар, диаграммалар илова тарзида ҳам берилиши мумкин.

Таянч тушунчалар:

Дастур, илмий фараз, панель, тренд, кагорта, ҳужжатларни ўрганиш, анкета, сўров, кўнииш босқичи, респондент, лонгитюд, таснифловчи тадқиқот, эмпирик материал, таҳлил, умумлаштириш, илмий ҳисобот таркиби.

Мавзу юзасидан назорат саволлари

1. Социологик тадқиқотларни ташкил этиши.
2. Социологик тадқиқот дастури.
3. Сўров усули.
4. Ҳужжатларни ўрганиш усули.
5. Интервью усули.
6. Дастрлабки синов.
7. Аналитик тадқиқотлар.
8. Бир марта ва кўп марта ўтказиладиган тадқиқотлар.
9. Социологик ахборатлар таҳлили.
10. Ҳисобот тайёrlаш услубияти.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. “Баркамол авлод орзуси” Тошкент Шарқ нашриёти 1999 йил.
2. Каримов И.А. “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон хаёт пировард мақсадимиз” Тошкент 2000 йил Ўзбекистон нашриёти.
3. Каримов И.А. “Миллий истиқлол мафкураси” Т. Ўзбекистон нашриёти 2000 йил.
4. Каримов И.А. “Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли” Т. 2007.
5. И.А.Каримов. «Юксак маънавият-енгилмас куч». Т. «Маънавият» 2008.
6. Алиқориев Н.С. ва б. Умумий социология. Т. ТошДУ. 1999. йил
7. Бекмуродов М. “Социология асослари” Т. Фан. 1994 йил
8. Бекмуродов М “Ўзбекистон жамоатчилик фикри” Т. Фан. 1999 йил.
9. Бекмуродов М, О.Отамирзаев, Н.Алиқориев ва бошқалар “Социология” Т. 2000 йил.
- 10.Бегматов А “Социологияга кириш” Андижон 1995 йил.
- 11.Носирхўжаев С. Бекмуродов М, ва бошқалар. Социология асослари. Маъruzалар матни. Т. 2001 йил .
- 12.Социология дарслик муаллифлар жамоати. Т. 2002 йил.
- 13.Холбеков А, Идиров У. “Социология” лугат Т. Ибн Сино 1999 йил.
- 14.Жўраев Н. Тарих фалсафаси. Т. Маънавият. 1999 йил.